

63.5

Б 94



ТАРИХИ МУЛЛОЗОДА — ♦ — САМАРИЯ





63.154/6
Ф-94

«Тарихий мерос»

АҲМАД ИБН МАҲМУД БУХОРИЙ
«МУЪИН АЛ-ФУҚАРО»


ТАРИХИ
МУЛЛОЗОДА
(БУХОРО МОЗОРЛАРИ ЗИКРИ)



АБУ ТОҲИРХОЖА САМАРҚАНДИЙ

САМАРИЯ
(САМАРҚАН Ҷ МОЗОРЛАРИ ЗИКРИ)

Тошкент
«Янги аср авлоди»
2009



«Тарихий мерос» туркумида берилётган ушбу китобда XV асрда яратилган Аҳмад ибн Маҳмуд «Муин ал-фуқаро»нинг машҳур «Тарихи Муллозода» асари жой олган. Мазкур асарда Бухоро шаҳри ва унинг атрофидаги муқаддас қадамжолар ва мазорлар тавсифи берилган. Ундан биз аجدодларимиз ва уларнинг бой мерослари ҳақида уша давр муаллифлари берган маълумотлар орқали етарли хабардор бўламиз.

Ушбу асар кенг китобхонлар оммаси учун мулжалланган.

Ўз боши, форс тилидан таржима, изоҳлар муаллифлари
Ш.ВОҲИДОВ, Б.АМИНОВ

Масъул муҳаррир:
Ш.Ҳ. ВОҲИДОВ,
тарих фанлари доктори.

Тақризчилар:
Р. ХОЛИҚОВА,
тарих фанлари доктори.
Ш. ЗИЁДОВ,
тарих фанлари номзоди.

ISBN 978-9943-08-382-0

© Аҳмад ибн Маҳмуд Бухорий «Муъин ал-фуқаро» «Тарихи Муллозода» (Бухоро мазорлари зикри). Абу Тоҳирхожа Самарқандий «Самария». «Янги аср авлоди», 2009 йил

АҲМАД ИБН МАҲМУД БУХОРИЙ
«МУЪИН АЛ-ФУҚАРО»

ТАРИХИ
МУЛЛОЗОДА
(БУХОРО МОЗОРАРИ ЗИКРИ)

СУЗБОШИ

Бухоро дунё тамаддунида ажойиб ва бой утмиши, қадимий осори-атиқалари, меъморчилик ёдгорликлари билан танилган машҳур маданият учоғи, ислом динининг юксалишига муҳим ҳисса қўшган тарихий шаҳардир.

VII асрнинг иккинчи ярми — VIII асрнинг бошларида бу ерда, араблар истилоси жараёни билан бир вақтда ягона Аллоҳга сифинишга асосланувчи ислом дини ёйила бошладди. 712 йилда Қутайба шаҳарда жомеъ масжидини қурдирди ва бу ислом оламидаги дастлабки ибодатхоналардан бири дейишимизга асос бор. Араблар учун аҳолини аввалги оташпарастлик эътиқодидан қайтариш ниҳоятда қийин кечди ва янги диннинг қабул қилиниши бирдан рўй бермаган. Баъзида халқ янги мафкурадан очикчасига юз угирган, истилочиларга буйин эгмаган, рози бўлиш ҳоллари эса фақат иқтисодий чоралар сабабли бўлган. Бир неча бор халқнинг қаршилиқ кўрсатганлиги эса тарихдан маълум. Вақти келиб янги дин қабул қилинди, Бухоро эса араб халифалигининг шарқдаги таянчига айланди, бу ерда ислом илми ривожланди, машҳур мутафаккирлар етишиб чиқди, мусулмон маданияти равнақ топди. Шаҳар ва унинг атрофида турли меъморчилик обидалари қад кўтарди, кейинги асрларда масжидлардан ташқари миноралар, мадрасалар, карвонсаройлар, мақбаралар, ҳукмдорларнинг саройлари бино этилди.

Зарафшон воҳасининг қуйи оқимидаги бу ўлка шуниси билан маъруфки, унинг тупроғида буюк шахсларнинг киндик қони тукилган, машҳур инсонлар бу ерда илму амалларнинг соҳибига айланишган, бошқа жойлардан келиб қўним топиб, диний-дунёвий илмлар соҳасида фаолият олиб боришган. Ислом оламида машҳур кишиларнинг аксарияти бу муқаддас заминдаги мазор ва қабристонларда дафн этил-

ган, уларнинг хокижойлари зиёратгоҳларга айланган. Манбаларда мусулмон шаҳарларининг кўпчилигида илоҳий нур кўкдан ёрилса, Бухорода у тупроқдан таралиши ёзилган¹.

Бухоро қадамжолари аслида ислом тарихида катта обрў-эътибор қозонган ва мавқеи юксак шайхлар, эшонлар, олиму фозиллар ҳамда дунёвий ҳукмдорларнинг қабрларидир. Мана шундай кишиларнинг илму амаллари ҳақида тасаввурга эга бўлиш, маданий ва сиёсий ҳаётдаги фаолиятини ўрганиш, тарихдаги ўрнини аниқлашда ёзма манбаларнинг ўрни беқиёсдир. Шулар қаторида Бухоронинг қадимий қадамжолари ўтмишига бағишланган «Тарихи Муллозода» китоби ўзига хос асар саналиб, мазкур шаҳар ва унинг теваарагидаги мазорлар хусусида маълумот бериш мақсадида махсус ёзилган.

Бухоро муқаддас жойлари узоқ мозийдан дарак берувчи зиёратгоҳлар бўлиб, уларсиз шаҳарнинг тарихий қиёфасини тасаввур қилиб бўлмайди². Чор Бакр, Исмоил Сомоний, Ҳазрати Имом, Баҳо уд-дин Нақшбанд, Баёнқулихон, Чашмаи Айюб сингари мажмуа ва мақбараларда мазорлар марказий ўрин тутиши шак-шубҳасиздир. Узоқ ўтмишга назар ташласак, машҳур кишиларнинг мақбаралари ва гўрлари ён-атрофи доимо янги қабрлар билан тўлиб борганлигини ва натижада йирик қабристонлар вужудга келганлигини кузатамиз. Бундай жараён бўлишининг моҳияти шундаки, маълум бир жамиятнинг кўзга кўринган кишилари — тасаввуф пирлари, шайхлар, одил ҳукмдорлар, ислом дини ривожига етакчилик қилган кишилар ва уларнинг намуна бўлишга арзигулик фаолияти мусулмонлар наздида Худо йўлида энг мақбул деб саналган ва улар вафотидан кейин бу жойлар муқаддаслик даражасига кўтарилган. Ҳар бир тақводор мўмин фоний дунёни тарк этишидан олдин муқаддас кишиларнинг илоҳий нурга тўла қабри ёнида кўмилишларини васият қилган ва бу билан асосий мақсад — жаннатга тушишларида нисбатан енгилликка эришишни хоҳлаган.

Мазорлар (мақбара, хазира, хонақоҳ, дахма, гўр) ислом оламида кенг тарқалган қадамжолар бўлиб, уларни зиёрат қилиш ҳар бир тақводорнинг бурчларидан саналган. Маълум бир авлиё, шайх ёхуд пирларнинг қабрлари устида

қурилган сағана, мақбара ва қабртошлар қадамжоларнинг муҳим аломати ва белгиси бўлиб, уларсиз зиёрат жараёни ҳақида тасаввур ҳосил қилиб бўлмайди. Мозор кўп ҳолларда халқнинг эътиборини қозонган йирик бир шахснинг қўмилган жойи ҳамда бу ерда қурилган ёдгорлик бинолари билан муқаддас жойга айланади. Мозор халқ тилида қабристон атамаси ва тушунчаси билан мувофиқ келиб, айнан бир маънони ҳам англатади. Мазкур калима тожикча гўр сўзига ҳам моҳиятан яқин ва айрим объектларга нисбатан қариккала атама қўлланилиши ҳоллари кўп учрайди. Маҳаллий аҳоли орасида фалон авлиё ёки шайх, ёки авлиё ота, шайх ота гўри ёки мозори сингари зиёрат жой номларининг учраши ушбу фикрларни тасдиқлайди. Мозор этимологик жиҳатдан араб тилига бориб тақалади ва зиёрат, йўқлаш маъноларини беради. Бу сўз форс-тожик ва туркий тилларда сўзлашувчи этник гуруҳлар орасида кўп учрайди. Араб тилидан маҳаллий лаҳжаларга ўтган қабр ва мақбара атамалари ҳам бир-бирига жуда яқиндир.

Ислом дунёсида мозорлар зиёратгоҳлар, қадамжолар вазифасини ўташи билан бирга кўҳна тарихни ўзида сақловчи ашёвий далил сифатида ҳам маълум даражада катта аҳамиятга эгадир. Вафот этганлар, дунёвий ёхуд диний шахс бўлмасин, уларнинг қабри, сағанаси, ва мақбаралари устида қурдирилган мажмуалар ҳамда мақбаралар атрофидаги иморатлар тўплами маълум даврнинг тарихий далили бўла олади. Шулар қатори қабрлар устига йўнилган ва силлиқланган битигли тошлар қўйилиб, уларга ёзув туширилган. Чиройли ҳусни хат ва араб ёзувининг ажойиб усуллари ўзида мужассам этган ноёб дурдоналар — қабртош битиглар мазкур тошлар ёнида ва ер остида жойлашган қабр соҳиблари тарихини аниқ ва тўлиқ кўрсатишда ёрдам беради. Бундан ташқари, машҳур шахснинг қабри олдида туғ кўтарилган, қабрда пайғамбарга тегишли мўйи муборак, хирқа мавжуд бўлган ёки шунга ўхшаган бирор бир муқаддас буюм қўйилган. Мозор ва қадамжолар билан боғлиқ нақл ва ривоятлар, расм ва русумлар ҳам муайян илмий аҳамиятга эга.

Қўлёзманинг муаллифи ва номлари. «Тарихи Вуллозода» асарининг нусхалари кўп ва унинг муаллифи

турли асарларда ҳар хил номлар билан қайд этилган. Китобнинг муаллифи «Муъин ал-фуқаро» (Фуқаролар ёрдамчиси), Аҳмад ибн Маҳмуд, Аҳмад ибн Муҳаммад, Муллозодаи Бухоро каби ном ва сифатлар соҳиби бўлиб, унинг ҳаёти ва бошқа асарлари хусусида аниқ ва равшан маълумотлар йўқ. «Китоби Муллозода» орқали унинг орифу муҳаққиқ ва донишманд эканлиги ва Бухородаги улуғ кишилар хонадонига мансуб шахслигини англаш мумкин. В.Бартольднинг фикрича, Аҳмад ибн Маҳмуд муллолар, яъни ўқимишли ва зиёли оиланинг вакили. Китоб муаллифи назм борасида ҳам истеъдоди бўлган, тасаввуфда эса, ҳанафий мазҳабига борланган Хожাগон нақшбандийа тариқати вакили ва бу сулукнинг йирик аъзоси Хожа Муҳаммад Порсо (ваф. 822 /1419 й.) халифаси ва муриди саналади.

Қўлёзма кўп тарқалганлиги боис унинг турли номлари ҳақида ҳам тўхташ мумкин. Мавжуд маълум нусхалар орасида кўп учрайдиган номлари «Китоби Муллозода» ва «Тарихи Муллозода» ҳисобланади. Бундан ташқари, «Рисола дар фазоиلى Бухоро», «Рисолаи Муллозода», «Китоби маноқиби мазороти Бухоройи шароф», «Китоби Муллозода Бухори», «Тазкираи шуйхуи Бухоро», «Тарихи бузургони Бухоро», «Зикри тоифаи аҳли Бухоро ва навоҳиҳа», «Тарихи мазорот», «Муллозода хошки бар тажаввали наҳв» номларида ҳам қўлёзма нусхалари қайд этилган.

«Тарихи Муллозода» китоби ва унинг таркибий тузилиши. Асар XIV асрнинг охири ва XV аср бошларида таълиф этилган ва у муаллифнинг режасига биноан икки қисмдан иборат, **биринчи қисми** шаҳарда, унинг марказидан ярим фарсанг масофада дафн этилганларнинг зикрига бағишланган бўлса, **иккинчи қисми** шаҳарнинг атрофи ва ноҳияларида дафн этилганлар зикридан иборатдир. Бундан ташқари, китобнинг муқаддимаси ҳам мавжуд бўлиб, у Аллоҳга ҳамду сано, унинг пайғамбари шарафига салот ва саломлар билан бошланади, Бухорода яшаб ўтган олим, улуғ кишилар, шайхлар ҳақида зикр қилиш, шунингдек бундай кишиларнинг муқаддас машҳадлари ва мазорларини баён қилишнинг мазмуни, моҳияти ва фойдаси ҳақида гапирилади ва сўнгра Бухоронинг пайдо бўлиш тарихи, этимологияси, араблар томонидан фатх этилиши, бу маъруф шаҳар

ҳарда истиқомат қилар экан, улар бевосита ундаги ҳаёт тарзига ўз таъсирларини ўтказишар ва аҳолининг кенг қатламлари орасида танилар ёки машҳурлик даражасига чиқар эдилар. Илм аҳлига, тасаввуф вакилларига ҳар бир жамиятда муносабат яхши бўлганлиги сабабли бундай кишилар вафотидан сўнг қабрлари ва хоклари зиёратгоҳларга айланар эди. Бухоро донғини бутун дунёга таратган шахсларнинг мазорлари қадамжо бўлиши билан бир қаторда, улар атрофида йирик қабристонлар пайдо бўла борган ва марҳумлар хилватгоҳи сифатида шаҳарнинг муҳим таркибий қисмини ташкил этган. Хорижлик меҳмоннинг муҳим мақсадлари қаторида машҳур инсон қабрини биринчи навбатда зиёрат қилиш катта аҳамият касб этган. Илгари зиёратчи қўлида ҳозиргидай шаҳар топографик харитаси, қабристоннинг оддий кўрсаткичли чизмаси ёки мазорлар ўрни кўрсатилган қўлланмалар бўлмаган. Зиёратчи излаётган мазорини билимдон шахсдан, йўловчидан, карвон аҳли ҳамда дарвиш-у қаландар ёки сайёҳдан билиб олар эди. Энг осон йўли шаҳарнинг жомеъ масжиди, одам гавжум бозори ва чойхоналарида сураб, суриштириб аниқлаб олиш бўлган. Кўп ҳолларда бундай гўрлар устида муҳташам мақбара қурилган ва улар узоқдан келган йўловчини ўзига ром этар ва бундай таниқли жойни топиш енгил кечарди. Лекин қадамжони топиб олгандан сўнг унга кириш расм-русумларини бажариш орқали амалга оширилиши шарт ҳисобланган. Бунинг учун эса зиёрат қонун-қондасини биладиган, тушунадиган ва изоҳлайдиган саводли киши бўлиш талаб қилинган. Дини исломда марҳумлар иззат-икром қилинган, улар ҳаққига Қуръони Каримдан махсус оятлар ўқилган, мазорлари таввоф қилинган. Мана шундай вазифаларни бажариш мусулмонлар ҳақ-ҳуқуқларига кирган ва муқаддас жойлар зиёрати мунтазам бўлганлиги боис ҳам ҳаммага тушунарли бўлган қўлланма ёки кўрсатма зарурияти сезилар эди.

«Китоби Муллозода» муаллифи Бухоро мазороти зиёратчилари учун зарур ва керакли рисола яратиб, катта бир ишни амалга ошира олди. Китоб нафақат зиёрат жараёни-ни, балки бошқа асарларда мавжуд бўлмаган тарихий далилларни ҳам ўз ичига олди ва муаррихлар учун ҳам ман-

бавий хусусиятга эга ўрта аср ёзма намунаси бўлиб қолди. Муаллиф мазорлар ва уларнинг пайдо бўлиши масаласига аниқликлар киритишда тарихчилар томонидан ёзилган бошқа қўлёзма асарларга ҳам мурожаат қилган. Аҳмад ибн Маҳмуд ўтмиш тарихи билан алоқадор воқеалар тафсилотини бериш билан бир қаторда ҳар бир шахснинг мазори ҳақида ҳар томонлама маълумот беришга ҳаракат қилган.

Асар ноёб тарихий далилларга тўла ва тадқиқотчилар учун айрим тарихий китоблар билан муқояса қилган ҳолда ўрганган тақдирда тарих фани учун илмий янгилик бериши мумкин. «Китоб-и Муллозода» тарих фанининг турли ёрдамчи соҳалари ва йўналишлари илмий изланувчилари: манбашунослар, тарихшунослар, битиглар билан шуғулланувчи эпиграфика мутахассислари, нумизмат, антропонимика, шунингдек генеалогия ихтисослиги билан машғул турли олимлар учун манба сифатида фойдаланилиши мумкин.

«Китоби Муллозода»нинг нусхалари. Асарнинг нусхалари бўлиб, улар XIX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб рус шарқшунослари, коллекционерлари томонидан йиғиб олинган ва турли фондлардан жой олган. Мазкур нусхалар қўлёзма фондлари каталогларида қайд этилган. Собиқ Шўро даврида мазкур китобнинг тожик тилидан рус тилига Р.Л. Фафурова томонидан таржимаси амалга оширилган, унда собиқ Иттифоқдаги мавжуд нусхалари ҳақида сўз юритилган эди. Асарнинг кўпгина нусхалари XIX асрга оид саналади. Тадқиқотчи фикрича, асарнинг қадимги нусхаси бугунги кунда Россия ФА Осиё халқлари институтининг №А.223 рақамли нусхаси саналиб, у 973/1565-66 йиллари қўлда кучирилган ва энг кейинги нусхаси Ўз ФА Шарқшунослик институти фондидаги №47/1 рақамли нусха бўлиб, у 1896-1897 йиллари кучирилган. Асарнинг кўпгина нусхалари турли даврларда А.А.Кун, В.В.Радлов, П.Н.Лерх томонидан қўлга киритилган ва Россия фондларига келиб тушган.

Даставвал «Китоби Муллозода»нинг 1876 йили Осиё музейига келиб тушган уч нусхаси академик Б.Дорннинг мақоласида эслатиб ўтилган³. Асар нусхалари кейинроқ К.Г.Залеман ва В.Р.Розен тузган каталогдан ҳам ўрин олган⁴. 1888 йилда Е.Ф.Каль томонидан Ўрта Осиёда қўлга киритилган ва Санкт-Петербург Университетига топши-

9. Мулло Иваз Бадал ибн Мулло Муҳаммад Шариф Жуйборий (1251/1835).

10. Хожа Мирзо Абд ал-Латиф ал-Боқий (1257/1841).

«Китоби Муллозода»нинг урганилиши. «Китоби Муллозода» нусхаларининг куплиги ва унинг Ўрта Осиёда кенг тарқалганлиги бу асар аҳамияти беқиёслигидан далолат беради. Қўлёзманинг муҳим жиҳати шундаки, у Бухоро, қолаверса, бошқа қадамжоларга ташриф буюрувчи ҳар бир инсонга зарур қўлланма сифатида хизмат қилади. Китобдаги тарихий маълумотлар унинг тарихий манба сифатида катта мавқе эгаллашидан қам далолат беради. Муаллиф Бухоро қадамжолари тарихини ёритишда кўпроқ ўзидан олдин ёзилган йилномалар ва бошқа турли асарларга мурожаат қилган, Мовароуннаҳр ўтмишига оид маълумотларга таъриф бера олган. Айрим тарихий шахслар, уларнинг ҳаёти билан боғлиқ тарихий воқеалар академик В.В.Бартольдни эътиборини ҳам ўзига жалб қилди ва у ўзининг илмий асарларида Аҳмад ибн Маҳмуд китобидан истифода этган. В.В.Бартольд ундан «Туркистон мўғул босқини даврида» асарининг қорахонийлар сулоласига баришланган қисмларида фойдаланди ва бу хонадоннинг йирик вакили Шамс ул-мулк Наср ибн Иброҳим (460/1068 472/1080)нинг шаҳар ободончилиги йўлидаги фаолиятини шунга асосланиб ёзди. Айниқса, Шамс ул-Мулк Наср томонидан Зарафшон воҳасида бино этилган Работ-и Маликнинг, худди шундай меъморий ёдгорликнинг унинг ташаббуси билан Самарқанд ва Хўжандда бунёд этилиши, Бухоро Намозгоҳи тарафидаги мавжуд қабри, Оқ кўталдаги машҳур мазори, шунингдек Арслонхоннинг туғилган жойи, фаолияти, унинг 1127 йилда Минораи Калонни барпо этиши хусусидаги маълумотлар юқоридаги асардан олинган. Булардан ташқари, «Туркистон мўғул босқини даврида»асарида Бухоро садрлари, уларнинг келиб чиқиши, XII асрда қорахитойлар ва Самарқанд хонлари билан курашлари тарихи, кубравия тасаввуф тариқати асосчиси шайх Нажм ад-дин Кубро ҳақидаги маълумотлар «Китоб-и Муллозода»га асосланганлигини кўришимиз мумкин. Китобдан Работ-и Маликнинг қурилган йилини аниқлашда архитектор И.И. Умняков фойдаланган бўлса, В.Л.Вяткин ва В.А.Шишкинлар ай-

рим шахсларнинг вафот санасини кўрсатишда истифода олишган. XX асрнинг 50-йилларида бу қўлланма О.Сухареванинг тадқиқотларида қўл келди ва мазкур этнограф Бухоро шахрининг XIX–XX аср бошларидаги топографияси, этнографияси, муқаддас жойлари, уларнинг ўрнашган ўрни, шаҳар деворлари тарихи, бунёд этилиши ва эволюцияси хусусида ёзганда юқоридаги асарга таянди⁹.

«Китоби Муллозода»нинг тадқиқот доирасига ҳозирги пайтда ҳам мурожаат қилинмоқда, айрим шахслар ҳақида берилган маълумотлардан илмий ва илмий-оммабоп ишларда бевосита азиз ва муборак жойлар, қабристонлар, тош битиглар билан боғлиқлиги учун фойдаланилганлигининг гувоҳи бўламиз. Бухоро зиёратгоҳлари тарихига бағишланган рисолада унинг муаллифлари айрим азиз шахслар ва жойлар номларини аниқлашда, шаҳардаги муқаддас жойлар ўрнини аниқ кўрсатишда фойдаланишган¹⁰. Хорижда нашрдан чиққан «Чор Бакр некрополидаги битиглар» монографиясида¹¹ муаллифлар «Китоби Муллозода»дан фойдаланишган.

Кейинги пайтларда ўтмиш тарихини чуқурроқ ўрганиш, атеистик мафкура даврида азият чеккан, бузилган ва йўқолган муқаддас жойлар, мусулмон ёдгорликларини қайта ўрганиш, бу ерларга ташриф буюрувчиларни уларнинг тарихи билан таништириш учун эҳтиёж пайдо бўлгани сабабли «Китоб-и Муллозода»нинг аҳамияти янада ошмоқда.

«Китоби Муллозода» муаллифи фойдаланган асарлар ва манбалар. Аҳмад ибн Маҳмуд ўз асарини ёзишда турли манбалардан — тарихий, тарихий-географик, фикҳ ва Қуръони каримга бағишланган асарлардан фойдаланди. Р.Л.Фафурованинг тадқиқотларига асосланиб қуйида ўша асарлар ва улар муаллифларини хронологик тарзда кўрсатамиз:

1. Абдуллоҳ ибн Муҳаммад ал-Ҳорисий ал-Калободий Сафидмунийнинг (ваф. 340/951 й.) «Китоби кашф» асари.

2. Муҳаммад ибн Жаъфар ан-Наршахийнинг (ваф. 348/959 й.) «Тарихи Бухоро» асари.

3. Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Аҳмад ал-Бухорий ал-Фунжор ал-Варроқнинг (ваф. 412/1021 й.) «Тарихи Бухоро» асари.

4. Абу Ҳамид Муҳаммад ибн Муҳаммад ал-Ғаззолийнинг (ваф. 505/1111 й.) «Эҳё ал-улум ад-дин» асари.

дан²⁹, Аллоҳ раҳмат қилсин, чиққан [Муслим томонидан ўйлаб чиқилган]. Абу Довуд³⁰ ва ан-Нисой³¹, уларни Аллоҳ раҳмат қилсин, [улардан етиб келган] ривоятларда шундай келтирилган: «Расулуллоҳ, салаллоҳу алайҳи васаллам, ўз онаси қабри олдига келиб йирлади ва атрофидагиларни ҳам йирлатди ва Расулуллоҳ, салаллоҳу алайҳи васаллам деди: «Мен Раббим Азза ва Жалладан онамни мағфират этишини сўрадим, у эса [менинг илтимосимни] қабул қилмади; шунда унинг қабрини зиёрат этиш учун ижозат сўрадим, ва у [Аллоҳ] зиёратга ижозат берди. [Сизлар ҳам] қабрларни зиёрат қилинглар». «Мишкот ал-масобиҳ»³² асарида, [унинг] қабрларни зиёрат қилиш бобининг учинчи фаслида, , шундай ёзилган: «Расулуллоҳ салаллоҳу алайҳи васаллам айтди: кимда-ким ўз ота-онаси ёки улардан бирининг қабрини ҳар жумъа куни зиёрат этса у Аллоҳ мағфиратига етади ва ундан яхши ном қолади». Буни ал-Байҳақий³³, Аллоҳ уни раҳмат қилсин, ривоят қилган.

«Шариат ул-ислом»³⁴ да исломий суннатлар бобида мусулмонлар қабрларини зиёрат этиш хусусида айтилган бўлиб, бу ҳақда Наби алайҳи-с-салом шундай деган: «Мен сизларга қабрларни зиёрат қилишни манъ этдим, лекин сизлар уларни зиёрат қилинглар, бироқ [у ерда] ёмон ва фаҳш сўзларни айтмангиз» ва у [Пайғамбар] алайҳи-с-салавоту васаллам, муминлардан бўлган ақраболари (қариндошлари) қабрларини зиёрат этарди.

Ал-Зоҳидийнинг «Шарҳ ал-Қудурий»сида³⁵ ва Муҳаммаднинг, унга Аллоҳнинг раҳмати бўлсин, осор ҳақидаги сўзлари келтирилган. [Унда] ўлганлар ҳақида дуо қилиш ва охиратни эслаш учун зиёратга боришда ажр йўқ дейилади. Буни Абу Ҳанифа ривоят қилади.

Муҳаммад, Аллоҳ уни раҳмат қилсин, айтган сўзининг маъноси шуки, қабрлар зиёрати учун аёлларга ҳам эркаклар каби ижозат берилган. Аммо Абу Ҳурайра, Аллоҳ ундан рози бўлсин, Набий салаллоҳу алайҳи васаллам номидан ривоят қиладики, у «Аллоҳ қабрларни зиёрат қиладиган аёлларни лаънатлайди» деган. Ва айтди: «сиз аёллар ёпинган ҳолда тириклардан қаноатсиз ҳолатда қайтасизлар, ўликларни нотинч қиласизлар. [Аёлларга] ҳам ижозат берилгандан сўнг зиёрат мумкин бўлур». [Пайғамбар] са-

лаллоҳу алайҳи васаллам деди: «Мен сизларга қабрлар зиёратини манъ этдим». Муҳаммад [Пайғамбар]га онасининг қабрини зиёратига ижозат бўлган. «Қабрларни зиёрат этинглар, чунки у охиратни эслатади (бироқ зиёрат вақтида) ёмон сўзлар айтманглар. Қабрларни топиб олиш учун белгилашда зиён йўқдир».

«Жомиъ ул-усул»да айтиладики, **Усмон ибн Мазъун**³⁶, Аллоҳ ундан рози бўлсин, вафот этганда, ва у Мадинада оламдан ўтган биринчи муҳожирлардан эди, уни кўмишгандан сўнг Расулуллоҳ, салаллоҳу алайҳи васаллам, бир кишига тош олиб келиб қабрни белгилашни буюрди. Ул киши тошни кўтарди-ю бироқ олиб келтира олмади. Расулуллоҳ, салаллоҳу алайҳи васаллам, ўрнидан туриб, енгларини шимариб, ёрдамга шошилди, тошни кўтариб олди ва уни келтириб [Усмон ибн Мазъун] қабрининг бош томонига қўйди ва кейин айтди: «Мен бу тош билан биродарим қабрини белгиладим, унинг ёнида оилам аҳлидан вафот этганларни дафн этгум».

Аз-Зоҳидийнинг **«Шарҳ ал-Қудурий»**сида ёзилганки, у қабрни бирор [аломат билан] белгилайди, [Пайғамбар] алайҳи-с-салавоту васаллам, унинг ўғлининг қабрига ва набий қабрига, саҳобаларига, Аллоҳ улардан рози бўлсин, ўхшаб текис ва тўртбурчак қилинмайди. Лекин Набий салаллоҳу алайҳи васаллам деганки, қабрлар белгиланган, ердан кўтарилган ва усти ганч билан ёпилган бўлсин. Қабр устига қадам босиш, ўтириш, ухлаш, турли ҳожатни чиқариш, устида ва унга қараб намоз ўқиш манъ этилади.

Абу Ҳурайра, Аллоҳ ундан рози бўлсин, ривоят қиладики, «Кимдаким сизлар ораларингдан ёнаётган кўмир устига ўтирса ва унинг либоси куйиб олов танасигача етса, бу унинг қабр устига ўтиришидан ҳам афзалроқдир». **Ибн Масъуддан**³⁷, Аллоҳ ундан рози бўлсин, ривоят қилинади: «Агарда мен ёнаётган кўмир устига қадам қўйсам, бу менинг қайси бир мўмин қабрига қадам босишимдан ҳам афзалроқдир».

ҚАБРНИ ЗИЁРАТ ЭТИШ ОДОБИ ҲАҚИДА

Ислом шариати ва суннатида қабристонларни зиёрат этиш учун аввал таҳорат олиниб, икки ракаат намоз ўқиладди. Намозда «ал-Фотиҳа»³⁸ ва «оят ал-Курсий»³⁹ сураларини бир мартадан, «ал-Ихлос» сурасини⁴⁰ уч марта ўқиб, савоби ўлганларга бахшида этилади. Кейин зиёратчи қабр томон юриб, рўпарасида туриб, дейди: «Ва алайкум ас-салому аҳли-д-диёр мин ал-муслимийн ва-л-муъминийна, раҳиммаллоҳу ал-мутақаддимийн минкум ва-л-мутаахирийн минно антум, лано салафун ва наҳну лакум халафун ва табаъа ва инно иншоаллоҳ бикум лоҳиқуна» [Ас-салому алайкум муслим ва муъминалардан бўлган аҳли диёр! Сизлардан олдин ва кейин келганларни Худо раҳмат қилсин. Сизлар салафларимиз, биз эса сизларнинг орқадошларингизмиз, иншоаллоҳ, сизларга қўшилармиз]. Сўнг қабр олдида ўтириб, «Ёсин» сурасини⁴¹ ёки Қуръондан оятлар ўқийди. Кейин тасбиҳ айтиб, ўлганга дуолар қилади.

Ҳадисда келтириладиги, бирор бир банда йўқки, у тириклигида билган одами қабри олдидан ўтсаю, унга салом бермаса. Акс ҳолда вафот этган одам, у қаердан бўлмасин, саломига жавоб беради. Бошқа бир ҳадисда айтиладиги, қабр олдидан ўтаётган одам ўн марта «Қул ҳуваллоҳу аҳад»⁴² ни ўқисин, сўнгра ўлганларнинг ҳаммаларига беадад ажрлар тиласин.

«Ёсин» сурасини қабристонда ўқиш таҳсинга сазовордир, бу ҳадис ва суннатларда таъкидланади. Қабр устига оёқ кийимида қадам қўйиш тўғри эмас, чунки салаллоҳу алайҳи васаллам ҳам бунини ёқтирмаганлар. Қабристонга пиёда ва яланг оёқ бориш, Аллоҳ Таолога дуо ўқиб, ўлганлар учун марфират тилаш маъқулдир. Расулуллоҳи салаллоҳу алайҳи васаллам, бир кишини оёқ кийими билан қабристонда кўриб, уни ялангоёқ бўлишига амр қилгани ҳадисда келади.

Дин уламолари ва аҳли яқин улуғлари, Аллоҳ Таоло уларнинг барчасининг руҳларини муқаддас қилсин, қабрларнинг зиёрати суннатдир, деб айтганлар. Жумъа кунининг охирида, шанба, душанба, пайшанба кунлари кўёш чиқмасдан олдин зиёратга борилса, шунингдек Ашуро кунини⁴³,

Арафа куни⁴⁴ ва бошқа шу сингари муборақ вақтларда борилса мустаҳаб бўлади. Ҳадисларда кимдаким ўтган-кетганларни, фаришталарни зиёрат қилса, вафотидан кейин ҳам уни зиёрат қилишлари ҳақида сўз боради.

Шу билан бир қаторда Расулуллоҳ салаллоҳу алайҳи васаллам буюрди: «Ўтганларни зиёрат қилинглар, чунки улар зиёратчиларни дўст тутадилар».

Бир одам Расулуллоҳ салаллоҳу алайҳи васалламга қалби қаттиқлигидан шикоят қилди. Расулуллоҳ салаллоҳу алайҳи васаллам буюрдикки, уч амал билан юракни юмшатиш мумкин: Биринчиси етимлар бошини силаш, иккинчиси хаста ва беморларни бориб кўриш, учинчиси ўтганлар қабрларини зиёрат қилиш.

Ҳадисда келтирилганки, кимки ота-онаси [мозорини] ҳар ҳафта зиёрат қилса ва, бошқа ривоятга кўра, гоҳида зиёрат қилиб турса, гуноҳлари афв этилади ва ҳаж савобини топади, вафотидан кейин эса [унинг қабрини] фаришталар зиёрат қилади.

Шайх Абу-л-Ҳасан Растағфанийдан⁴⁵, Аллоҳ уни раҳмат қилсин, сўрабдилар, ўтганларни зиёрат қилганда нима ният билан бориш лозим? Буюрди: Тўрт ният билан. Биринчиси: таъзим бажо келтириш нияти билан. Иккинчиси: У, агар ўлса, бошқа одам ҳам уни зиёрат қилиш нияти билан. Учунчиси: Ибрат олиш нияти билан, токи тоат-ибодатга юз қаратиб, номашруъ (гуноҳ) ишлардан воз кечсин. Тўртинчиси: Худои Таоло ризқ-рўзимни кенг этсин, ўзгаларга муҳтож этмасин, халқ билан муросаву мадора этишга мадад берсин, деган ният билан. Зиёрат пайшанба ёки одина (жумъа) куни қилинса, авлодур. Хабарда ёзилишича, ўтиб кетганлар учун шу икки кунда садақа берилса ва улар учун дуо ўқилса, тезроқ мустажоб бўлар экан.

Зиёрат қилувчи уйдан ташқарига чиққанида шундай дейиши керак:

«Ло илоҳа иллоллоҳ ваҳдаҳу ла шарика лаҳу, лаҳу-л-мулку ва лаҳум-ҳамду йуаййу ва йумиту ва ҳува ҳаййун ло йамут би йаддиҳи-л-хайру ва ҳува ала кулли шайин қадир, ҳува ал-аввалу ва-л-охиру ва-з-зоҳиру ва-л-ботину ва ҳува бикулли шайин алим» [Ягона Аллоҳдан бошқа Илоҳ йўқ, Унга шерик ҳам йўқ; Унга қудрат ва ҳамдлар бўлсин; У

жон ато Этувчи ва Ӯддирувчидир; У Тирик ва Абадий, Унинг қўлида хайр, У ҳамма нарсадан Қудратли, У Аввал, Охир, Зоҳир ва Ботин ва У ҳамма нарсани Билгувчидир].

Ва зиёратга кетаётган йўлида ўтган одам номига атаб имкон қадар садақа беради ва мақбарага киришда шундай дейди:

«Аллоҳума инни асалука хайра мадҳали ва аузу бика мин шарриҳи, рабба адхилни мудҳала сидқи ва ахрижни муҳража сидқин ва ажъал ли мин ладунка султонан насиран, бисмиллоҳи даҳално ва алаллоҳи таваккално» [Аллоҳим, фақат сендан бу киришимни хайрли қилишни сўрайман ва унинг (шайтон) шарридан Сендан паноҳ излайман; Раббим мени садоқатли жойга олиб кир ва сидқ ила чиқар; Мени Ӯзинг қўлла ва қудрату нусрат бергин; Аллоҳ номи ила биз кирамиз ва Унгагина таваккал қиламиз!].

Ва одоб зиёратига биноан, ғуристонда Пайғамбар турбати мавжуд бўлса, зиёратни ўша ердан бошлаш лозим. Агар Пайғамбар салаллоҳу алайҳи васалламнинг муборак сочлари жойлашган бўлса, айнан ўшандан бошлаш шарт. Нақл қилинишича, Расулуллоҳ, салаллоҳу алайҳи васалламнинг бир неча соч толалари Бухоро мақбараларида мавжуд, масалан бир дона соч толаси [Бухородаги] Қози Имом Шаъбий, [ва бу киши] Қози Абу Зайд/ Йазид Дабусининг устози бўлади, ва бошқа бир дона соч толаси Хожа Имом Абу Бакр Ҳомид тепалигидаги Хожа Абдуллоҳ Барқий мақбарасида, ва бошқа бир толаси Машҳад-и Сўфиён [мақбарасига] яқин жойдаги Хожа Имом Абу Бакр Тархон тепалигидаги Деҳқони Суғдийда, ва бошқа бир дона соч толаси Тали Садр/Судур [мозори]да⁴⁶ Саййид Имом Зарангара ва ҳамда яна бир соч толаси Садри шаҳид Ҳисом ад-дин, [юқоридагиларнинг] барчасини Аллоҳ раҳмат қилсин, мақбараларида сақланади.

ЗИЁРАТ ОДОБИ

Зиёрат одобига биноан тик туриб зиёрат қилсинлар ва гур устига утирмасинлар, гуристонда намоз ўқимасинлар, гурни қўл билан силамасинлар [гурга қўл тегизмасинлар], ўпмасинлар, зеро бу нисорилар одатига киради.

Бироқ «Қунйа»⁴⁰ да ёзилган: гур устига қўл қўйиш сун-натлигини билмаганмиз, ва бу маъқул иш эмас, асо ва бошқа нарсалар билан ҳам уни кўрсатиш ҳам эмас, дейилган. «Олдинги ўтган салафлар, Аллоҳ уларни раҳматига етказсин, бизга буни рад этганлар, ундан бидъат ҳиди келади».

Жоруллоҳдан ривоят қилинадик, Макканинг буюк машойихлари ҳам буни манъ қилганлар ва айтганларки, у ал-Мусҳафни ўпиш каби аҳл ал-китобнинг одатидир.

«Эҳё ал-улум»да⁴¹ ёзилган: қабр зиёрати вақтида қабрга қараб орқа билан қиблага туриш мустақаб деб маслаҳат берилади. Майитга салом айтиб, қабрга қўл тегизиш (қабрни силаш), уни ўпиш мумкин эмас, бу аҳл насаро одати, деб айтилган.

«Жомий ас-сағир» шарҳида «диннинг қибласи фақат Ҳажр ал-асвад (қора тош)дир, фақат ал-Мусҳафгина ўпишга лойиқ» дейилган. Умар, Аллоҳ ундан рози бўлсин, [ҳақида] ривоят борки, у ҳар кеча ал-Мусҳафни қўлига оларди ва уни ўпарди ва «Раббим Азза ва Жалланинг ҳукми ва аҳдидир бу, уни кенг маълум этгин ё Раббим дерди», деб ёзилган.

Мақбара (қабристон)га киргандан кейин қуйидаги дуо ўқилади: «Ас-салому алайкум йа аҳл ал-қубур мин ал-муъминийн ва-л-муъминот ва-л-муслимийн ва-л-муслимот, раҳималлоҳу-л-мутақаддимийн минкум ва-л-мутаахирийн минно антум лано фартун ва наҳну лакум табаун ва инно бикум иншоаллоҳ лаҳиқуна, аммо насоикум фақад нуқиҳат ва аммо дуварукум фақад суканат ва амволукум фақад қусимат фа ҳазо хабарукум индано фимо хабарно индакум» [ас-салому алайкум, эй мўмину мўминалар ва муслиму муслималардан бўлган қабристон аҳли! Сизлардан оддин ва кейин келганларни Худо раҳмат қилсин! Сизлар бизлардан оддин, биз эса кетингиздан, иншоаллоҳ келармиз. Бироқ аллақачон аёлларингизга уйландилар, уйларин-

қуёши, Аллоҳ Азза ва Жалланинг аҳлидан саналиб камолга етишганлар сафидан бўлган, покиза жаноб ва валийлик (соҳиби кароматлилик) паноҳгоҳи (валийпаноҳ), саййидино, мавлоно ва бизнинг Хожамиз, яъни **Хожа Порсо Муҳаммад ибн Муҳаммад ал-Ҳофизий ал-Бухорий**⁶⁰, Аллоҳ унинг сирларини муқаддас ва қабрини нурга буркасин, биз учун унинг қадрдон қабри шарифдир, [Хожа Порсо] юқорида айтилганларни маъқуладилар. Бас, қайси бир мазор бирор-бир улуғ номи билан шуҳрат топган бўлиб, аслида бошқа шахс кўмилган бўлса [ҳам], зиёратчи уни муаззам ва мукаррам тутмоғи лозим, токи ул азиз руҳининг баракотидан баҳраманд бўлсин.

Ҳазрати эшон қутби замон, илм ва ирфон осмоннинг қуёши камолга етган аҳдиллоҳлар сафида бўлган, иззатли жаноб, валийпаноҳ саййидимиз **Мавлоно Хожа**, яъни **Хожаи Порсо Муҳаммад ибн Муҳаммад ал-Ҳофизий ал-Бухорий** ҳам юқоридаги фикрни маъқуладилар. Бас, қайси бир мазор бирор-бир улуғ номи билан шуҳрат топган бўлиб, аслида бошқа шахс кўмилган бўлса [ҳам], зиёратчи уни муаззам ва мукаррам тутмоғи лозим, токи ул азиз руҳининг баракотидан баҳраманд бўлсин.

Заиф хотира ва кам зеҳнли бўлган бу заиф қуйидагиларни хотирасига келтирдиким, бу дин улуғлари (акобирлари)ни, Аллоҳ Таолло, барчасининг руҳини муқаддас қилсин, [қадамжоларини] икки қисмга бўлишни лозим топди:

Биринчи қисм: айнан шаҳар ичида ва унинг атрофида, бир-биридан ярим фарсах масофадаги [мазорларда] дафн этилган дин улуғлари қабрларининг зикри.

Иккинчи қисм: шаҳар атрофи ва ноҳиялари чеккасида жойлашган азизлар мазорлари, биринчи қисмида зикр қилинган жойлар ҳудудидан ташқарида жойлашганлар зикри, Аллоҳ уларни раҳмат қилсин.

БИРИНЧИ ҚИСМ

Ҳадисда «Аллоҳ ҳамма ишлар ўнг тарафдан бошланишини ёқтиради» дейилганидек, биз ҳам машҳур **аш-Шайх Хожа Абу Ҳафс Кабир**⁶¹, Аллоҳ Таоло унинг руҳини муқаддас қилсин, зикридан бошлаймиз. Ўзтиборга лойиқ жойи шуки, кимдаким Бухоро шаҳри марказидан қибла тарафга йўл олса, бу дин улуғининг мунаввар марқади ўнг қўлда жойлашганлигига [гувоҳ бўлади]. Замон нуқтаи назаридан бошқа уламоларга нисбат берилганда, у киши олдин ўтганлардан саналади.

Тали Хожа мазорларининг зикри

Аш-шайх, ал-имом, ал-олим ал-омил **Хожа Абу Ҳафс ибн Ҳафс ибн аз-Забирқон ибн Абдуллоҳ ибн ал-Баҳр ал-Ижли ал-Бухорий**⁶², Аллоҳ уни раҳмат қилсин, у ҳазрат 150/767–68 йили таваллуд топган, [айнан] шу йил **Имом Шофеи** оламга келган⁶³ ва **Имоми Аъзам Абу Ҳанифа** вафот этганлар⁶⁴. **Хожа Абу Ҳафс** 217/832–33 йили вафот этганлар ва уларнинг мунаввар мазорлари сайёҳ ва пиру муридлар тупланадиган жойга айланган⁶⁵.

Улар илму амал, қуввату мужоҳид, сафои ҳол, зуҳду саховат ва ғазотда ва Аллоҳ жамоасини юксалтиришда олий даражада эдилар. Уларнинг мусулмон умматига бўлган раҳму шафқатлари олийжаноблиги ва одамлар оғирини енгил қилишларининг ниҳояси ва ўхшаши йўқ эди⁶⁶.

Абу Сулаймон Жузжоний⁶⁷, Аллоҳ раҳмат қилсин, айтади: «мен ўзимнинг устозим **Имом Муҳаммад Шайбонийдан**⁶⁸, Аллоҳ раҳмат қилсин, сўрадим: «Агар сен бу оламдан кўз юмсанг, биз бу илми қаердан [ва кимдан] талаб қиламиз?». Ҳазрат-и Имом, Аллоҳ раҳмат қилсин, буюрдиларким: «**Абу Ҳафс Бухорийдан** [талаб қиласизлар], [чунки] ундан бошқа бирор-бир киши бу илми менидан ўзлаштира олмаган». **Абу Сулаймон**, Аллоҳ раҳмат қилсин, айтар экан: «модомики **Абу Ҳафс** тирик экан, менинг олдимга келмас экансизлар, **Имом Муҳаммад [Шайбоний]**, Аллоҳ раҳмат қилсин, ҳаммани унинг олдига юборарди».

Ҳазрат **Хожа Абу Ҳафсдан** сўрадиларки, «қайси амалинг учун [Аллоҳ марҳаматидан] умидворсан». Деди: «Калимаи тавҳид, яъни «Ло илоҳа илаллоҳ»дан. Яна сўрадилар: «Қайси амалингда қўрқув даҳшати ва қўрқув бор?». Буюрдиларким: «Унга ноилож гирифтор бўлиб қолишдан, шунга фатво (рухсат, ижозат) бермоқдир».

Ўзининг асҳобидан бирига васият қилиб айтди: «Илм ол ва амал қил, зарурат бўлмаса халқ шуғулланадиган ишлар билан машғул бўлма, бировни ёмонлик билан эслама, ўз манзилининг мулозими (хизматкори) бўл ва Қуръони карим тиловати билан доимий равишда шуғуллан. Бу амалларни ўзим учун лойиқ деб топдим ва сенга ҳам шуни тилайман». Аллоҳумма ажъална мимман йастамиъуна-лқавла файатабаъуна аҳсанаху. Аллоҳим, бизнинг сўзни эшитадиганлар ва ундаги нафосатга эргашадиганлардан қил.

Бошқа бир мунаввар марқади уларнинг фарзандлари алолим ал-омил **Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Аби Ҳафс ал-Бухорийники** [бўлиб], [у] **Хожа [Абдуллоҳ Сафидмуний]**, Аллоҳ уларни раҳмат қилсин, турбатининг қибла томонидадир. **Хожа Абдуллоҳ Сабизмуний** [юқорида тилга олинган] **Хожанинг**, Аллоҳ уларни раҳмат қилсин, фарзанди ва шогирдидир.

Яна шундай нақл қиладиларки, амир ал-мўминин **Усмон** (ибн Аффон), Аллоҳ ундан рози бўлсин, фарзандларидан [айримлари] ва **Абдуллоҳ ибн Аббоснинг**⁶⁹, фарзандларидан [айримлари], Аллоҳ улар иккаласидан ҳам рози бўлсин, ўша ерда дафн этилган. Бухоро халқи ўртасида шуҳрат [қозонган нарсаси] шундаки, **Хожа [Абдуллоҳ Сафидмуний]**нинг бош томонида **Абон ибн Усмон**⁷⁰нинг мазори борлигидир.

Аммо ишонарли муътабар китобларда ёзилишича, **Абон ибн Усмон**⁷¹, Аллоҳ улар икковидан рози бўлсин, Мадинаи мунавварада вафот этган⁷².

Яна **Шайх Шаб Бидор** [кечалари уйғоқ шайх] мазори бўлиб, [у киши] қирқ йил давомида кечани ухламай тоат-ибодатда ўтказди, [ва у киши мазори] ҳам каромат соҳиби Қози **Имом Абд ул-Воҳиди Шаҳид** [қабрлари]нинг жанубидадир⁷³.

Саффорий⁷⁴ имомлари мазорлари

Яна шундай [бир қадамжо] Саффорий имомлари мазорлари бўлиб, масжиднинг қибла томони ва Хожа, Аллоҳ раҳмат қилсин, мазорининг жануб тарафида мавжуд. «Ан-соб» китобининг муаллифи имом Абд ал-Карим ас-Самоний⁷⁵, Аллоҳ раҳмат қилсин, «Ансоб» китобида шундай ёзган эди:

«Аш-шайх, ал-имом ал-олим ал-омил аз-зоҳид Абу Иброҳим Исмоил ибн Наср ас-Саффорий ҳазратларининг, Аллоҳ уни раҳмат қилсин, салобат сифатлари динда ғолиб эди. Диндаги бор ҳақиқатни қўрқмасдан айтар эди, бировнинг маломати, [тилидан чиққан] сўзлари, қулоғига эшитилган [миш-миш гапларга] парво қилмасди. «Аллоҳ йўлида жиҳод қилардилар ва бирор маломаттўйнинг маломатидан хавфсирамасдилар» (деган оят)⁷⁶ улар ҳақида нозил бўлгандир. Шамс ул-Мулк, номи билан танилган Хоқон Наср ибн Иброҳимни, яъни [у] Работ-и Маликни⁷⁷ бунёд қилган, [шу ҳукмдорни, ҳижрий] тўрт юз олтмиш биринчи (461/1068-69) санада, амри маъруф ва мункардан наҳий қилганлиги учун шаҳид қилди. (Шамс ул-мулк Мовароуннаҳр хонларининг авлодидандир). Отаси Абу-л-Музаффар имом уд-давла Иброҳим Тафқачхон ибн Наср [Султон Маликшоҳ Салжукийнинг хотини, Турконхотуннинг отаси] 440-460/1048-1067 йиллари ҳукмронлик қилган, ундан сўнг Шамс ул-малик 472 йилгача тахт соҳиби бўлди). У [Исмоил ибн Наср ас-Саффорий]нинг фарзанди Абу Исҳоқ Иброҳим ибн Исмоил ас-Саффор «аз-Зоҳид ус-саффор» номи билан машҳур бўлиб, [уни] Аллоҳ раҳмат қилсин, олим ва обид эди, отаси сингари маликлар ва султонларга ҳақ сўзни айтишдан қўрқмасди. Султон Санжар⁷⁸ уни Мовароуннаҳр фойдаси (тинчлиги) учун Марвга олиб бориб, шу ерда сокин қилди. Аммо у ҳазрат Бухорода вафот этган. Унинг фарзанди Абу-л-Ҳомид Ҳаммад ибн Иброҳим ас-Саффор⁷⁹, Аллоҳ раҳмат қилсин, Бухоро жомеъ[масжидининг] имоми эди. У ҳам олим, омил ва муҳаддис эди. Ҳар жумъа эрталаб Бухоронинг Жомеъ масжидида ҳадис айтарди.

Бошқа [бир мазор] шаҳарнинг шимолий тарафидаги Сафкардар қишлоғида шайх-и олам, муҳаддис, соҳиб ул-вило-

ят ва-л-каромат **Хожа Абу Ҳафс Сағир Сафкардарий**нинг пуранвор (нурга тўла) мозори жой олган, [унга] Аллоҳнинг раҳмати бўлсин.

Бир улўф [ушбу мазор ҳақида] шундай деган экан:

«Бир неча оқшом унинг турбатидан минора мисоли нур тарқалиб туришини ўз кўзим билан кўрдим, нури кўзимни хира қилди». Имом-и зоҳид **Абу-л-Муин Насафи Маймун ибн Муҳаммад ибн ал-Макхули ан-Насафий**⁸⁰, Аллоҳ раҳмат қилсин, ўз китоби «Ал-итмом итмом [ли-тамом]ал-ихтимом»да шундай нақл қилади, яъни: **Хожа Абу Ҳафс ас-Сағир**, Аллоҳ раҳмат қилсин, **ал-Имом Абдуллоҳ ибн ал-Муборак**⁸¹, Аллоҳ раҳмат қилсин, дарсига ҳар кеча Марвга бориб, эрталаб тонг отарда ўз манзили Бухорога қайтиб келарди. Бир куни масжидининг муаззини у билан йўлдош бўлди. У Жайхундан бир ариқчани сакраб ўтгандек кезиб тез Марвга келди. Муаззин бу ўлкани кўриб ажабланди. **Абдуллоҳ ибн ал-Муборак**ни ўз шогирдлари, яъни **Абу Ҳафс ас-Сағир**, **Халаф ибн Айюб**⁸², **Аби Бакр ал-Искоф**⁸³, **Абу Бакр ал-Аъмаш** ва **Муҳаммад ибн Муқотил ар-Розийлар**⁸⁴ ва бошқалар билан, Аллоҳ уларни раҳмат этсин, (кўриб) дарс эшитишга ўтирди. Улар орасида **Хизр алайҳи-с-салом** ҳам бор эди. Сўнгра шайх **Абу Ҳафс** у ердан қайтди, ҳайратланган ва ажабланган муаззин эса шайхни йўқотиб, қолиб кетди. Шунда у шаҳар аҳолисидан бу қандай жойлигини сўради. Улар бу Марв шаҳри эканини унга хабар бердилар. [Бу шаҳар] олими ҳақида сўради. Унга бу ернинг олими **Абдуллоҳ ибн Муборак**, [яъни у] **Абу Ҳанифанинг** шогирди, ҳар иккисидан Аллоҳ рози бўлсин, эканини айтдилар. Муаззин у билан юз берган воқеани айтиб бериб, ўзидаги нарсаларни кўрсатди. Унга интизор бўлиб, сабр билан кутишини маслаҳат бердилар. Муаззин қуёш чиққунга қадар ва кун ёришгунгача, булутлар тарқамагунча кутди. Ал-имом ал-ҳумом келиб қолганда, муаззинга табассум қилиб, оҳ тортди. У муаззинга бу сирни ошкор этмаслигини буюрди, муаззин ҳам сир сақлаш ва уни эълон қилмасликка сўз берди. Муаззин имом билан бирга [масжиддан] чиқди. Муаззин шайх кароматини ўз кўзи билан кўрган эди. У ўз манзили [Бухоро]га қайтиб келиб, берган ваъдасини ёддан чиқарди-да, кўрган-кечир-

ганларининг барчасини айтиб берди, яширмади. Шайх [Абу Ҳафс]нинг мақомотлари сири ошкор бўлди, атрофига табаррук одамлар йиғилди. Одамлар ундан бахт ва иқбол қидира бошладилар. Узоқу яқин, саиду бахти қаролар ҳузурига интилди. Шайхнинг қалби эса халқнинг раббатидан торайиб, у Малик ул-Ҳаққ — Аллоҳдан нажот истади. Аллоҳ ҳам унинг устидан ролиб чиқиб, илтижо ва дуоларини қабул қилди ва уни яширди. Ўқувчининг ҳоли, буюк имом, муқаддам ва мушарраф шогирднинг аҳволи шундай бўлса, улур ва мукаррам устознинг аҳволи не кечгай!? Аллоҳ уларнинг ҳаммасидан рози бўлсин».

Чашмаи Айюб алайҳи-с-салом мозорларининг зикри

Айюб алайҳи-с-саломга мансуб мазорнинг қибла тарафида, Хожа Каъбон лақаби билан машҳур бўлган Каъб ибн Саид ал-Омирийнинг, Аллоҳ раҳмат қилсин, нурафшон мазори бор. Уни Каъбони Обид ҳам дер эдилар ва у Хожа Абу Ҳафси Кабирнинг шериги бўлган экан, ҳар иккаласини ҳам Аллоҳ кечирсин, улар кофирлар қўлида шаҳид бўлган. Абу Аҳмад Аскоф шундай дейди: «...Каъбон бир эски этикни кутариб олдимга келиб, буни тузатгин, мен [буни кийиб] ғазовотга бораман», – деб айтди. Мен айтдимки, бу этикни тузатиб бўлмайди, у тикишга мутлақо яроқсиз. У чуқур хўрсиниб шундай деди: «Қўлингдан келганича шуни қилиб бер, [чунки] мен тушимда Мустафо саллаллоҳу алайҳи васалламни ва унинг чаҳоррёлари, Аллоҳ уларни раҳмат қилсин, билан бирга кўрдим, улар [менга] бу кеча биз билан бирга бўласан деб айтдилар». Бир илож қилиб этикни тикиб бердим. Каъбон уни кийиб чиқиб кетди ва бир соатдан сўнг шаҳид бўлди⁸⁵. Бу воқеа бир юз тўқсон тўққизинчи санада (199/814–15 й.) содир бўлган эди.

Бошқа [бир] мазор Мавлоно Жамол ад-дин Маҳбубийнинг фарзанди Мавлоно Шамс уд-дин Маҳбубийникидир⁸⁶, Аллоҳ уларнинг ҳар икковини раҳмат қилсин, [у] Чашмаи Айюб, алайҳи-с-салом, [қадамжосининг] шарқ томонида, мазор ҳовузининг жанубида жойлашган.

Бошқа [бир мазор] Чашмаи Айюб, алайҳи-с-салом, [мозорининг] шарқ томонидаги Шаръобод мазоротида. Хованд (Худованд) Садр уш-Шарианинг, Аллоҳ раҳмат қилсин, хонадони аҳли [дафн этилган], [улар] Мавлоно Жамол ад-дин Маҳбубийнинг авлодлари, фарзандлари ва невараларидирлар, ва улар Убода ибн ас-Сома, Аллоҳ ундан рози бўлсин, авлодларидандирлар. Насабларининг силсиласи ўрни келганда баён қилинади.

Аломат ул-олам (олам аломати) бўлмиш Хованд Мавлоно Садр уш-Шариани Бузургнинг мунаввар ва пок марқадлари Шарободда жойлашган. Уларнинг фарзандлари Мавлоно Тож уш-шариа⁸⁷ ва Мавлоно Бурҳон уш-шариа⁸⁸, Аллоҳ ҳар иккаласини раҳмат қилсин, уларнинг турбатлари Кармон вилоятидадир. Уларнинг ҳар бири олам қуёши эди.

Хованд Мавлоно Садр уш-шариа Убайдуллоҳ ибн Масъуд ибн ал-Имом Тож ад-дин Умар ибн ал-Имом Садр уш-шариа, [қуйида зикр қилинадиган] Убайдуллоҳ ибн Иброҳим ибн Аҳмад ибн Абд ул-Малик ибн Умар ибн Абд ул-Азиз ибн Муҳаммад ибн Жаъфар ибн Халаф ибн Ҳорун [ибн] Аҳмад ибн Маҳбуб ибн ал-Валид ибн Убода ибн ас-Сома ал-Ансорий ас-саҳоба ал-кабир (улуғ саҳоба)лардан, Аллоҳ ундан рози бўлсин, [номидаги] таниқли мадрасанинг бониси [яъни қурилишига асос солган] дир. У кишининг иззат-икромли фарзандларидан имоми аъламлар етишиб чиқсин.

Хованд Садр уш-Шариа, яъни садрлар насабномасида, олдин зикр қилинган бўлиб, арабу ажамнинг аломати (байроғи) ва дунё олимларининг устози ва Бани Одам фарзандлари ичида шарафлисидир. Унинг ёзиб қолдирган хилма-хил асарлари камолотидан нишонадир. Бу ўзлаштириб олинган илмлардан ташқари, ҳазрат-и Худованд Субҳонаҳу Аллоҳ уларга илми ладуний ва ваҳби кароматини берган эди ва кутубхонасига «Ўз ҳузуримизда илм берган эдик»⁸⁹ ни киритди, ва сирлардан «У ўз бандасига туширган ваҳийни келтиради»⁹⁰ ни у кишига рамзий баён қилди. Ва у киши аш-шайх ас-солик ан-носик ал-мажзуб (порсо, тақводор, илҳомбахш) Ҳасан Булғорий қабулига шарафманд бўлиб, вафотлари етти юз қирқ еттинчи йилнинг ойларидан бири-

да (747/1346-47) бўлиб ўтган ва уларнинг марқаглари (боқи авлод) фарзандлари ва яқинларининг [тупроқ жойлари] ҳам Шаръободдир.

Салотини Сомонийа, Аллоҳ уларни раҳмат қилсин, зикри

«Ансоб» (китоби) нинг муаллифи, Аллоҳ раҳмат қилсин, баён қилади ва Ҳофиз Гунжордан, Аллоҳ раҳмат қилсин, [унинг тилидан] нақл қилиб қуйидагиларни ёзади:

«Улардан энг машҳурлари ал-амир ул-олам, ал-одил, ан-носиҳ ли-р-райа (олам амири, адолатли, раиъйат насиҳатг-уйи) Абу Иброҳим Исмоил ибн Аҳмад ибн Сомон, амир-ал муъминин мавлоси, Аллоҳ раҳмат қилсин, унинг ғазот (ислом дини учун жанг қилиш), одиллик, илм аҳлини ҳурмат қилиш ва эъзозлаши ҳақида тарих китоблари кенг тарқалган, [шунингдек,] машҳур ва маъруфдир. Ул ҳазрат Фарғонада икки юз ўттиз тўртинчи (234/849) йилнинг шаввол ойида [28 апрел-27 май] таваллуд топган ва икки юз тўқсон бешинчи (295/907) йилнинг сафар ойида [11 ноябрь-10 декабрь] Бухорода вафот этган. Унинг умр муддати олтимиш бир (61) ёш бўлган экан⁹¹. Ва у Баҳром Чубиннинг авлодларидандир⁹².

Нақл қиладиларки, бир куни Султон Исмоил ўз ходимлари ва аҳли рикоби билан отга миниб кетаётганда, муаззин минорадан туриб намозга чорлай бошлайди. Султон [буни эшитиб], ўзига-ўзи: «Ҳазрат-и Худованд Азза ва Жаллани ҳамма эслайди, менинг эса отда кетаётганлигим одобсизлик бўлади», деб отдан тушиб тўхтади, бошқаларни ҳам тўхташга амр этди ва бу билан намоз чорловига [муносиб] жавоб берди. Вафотидан сўнг уни туш кўриб, ҳолини сўрабдилар. У айтди: «Худованд-и Субҳон мени ўша таъзим ва тавозеъ эвазига кечирди». Унинг отаси ал-амир Аҳмад ибн Сомон ҳам олим ўтган экан ва Суфён ибн Айина⁹³, Исмоил ибн Айина⁹⁴ ва Йазид ибн Ҳорун⁹⁵ ва бошқалар ҳадисларидан ривоят қиларди. У Фарғонада икки юз эллингинчи (250/864-65) йили вафот этди.

Султон Исмоилнинг икки акаси бор эди. Бири Абу-л-Ҳасан Наср [II] ибн Аҳмад⁹⁶. У олим ва ҳадис аҳлидан эди, вафоти икки юз етмиш тўққизинчи (279/892) йилнинг жу-

мод ул-ухра ойига [29 август-27 сентябрь] тўғри келади. Ва бошқа биродари **Абу Ёъқуб Исҳоқ ибн Аҳмад** - Бухоро⁹⁷ ҳокими эди, ва у ҳам илм аҳлидан бўлган. У Бухоро кўҳандизида маҳбус бўлган ҳолда, уч юз-у биринчи (301/913) йилнинг сафар ойида [6 сентябрь-5 октябрь] вафот этган.

Подшоҳ Исмоилнинг ўғли **Абу Наср Аҳмад ибн Исмоили** **Жайхун** (Амударё) соҳилидаги **Фарбар** [Фороб] мавзеида уч юз биринчи (301/914) йилнинг жумод ул-ухра [январь] ойида ғуломлари (қуллари) шаҳид қилдилар. Подшоҳ Исмоилнинг невараси **Абу-л-Ҳасан Наср ибн Аҳмад ибн Исмоил** уч юз ўттиз биринчи (331/943) йилнинг ражаб ойи пайшанба куни кечаси вафот этган ва унинг ҳукмронлик муддати ўттиз йил, бир ой-у тўрт кун бўлган эди. **Абу Муҳаммад Нух ибн Наср ибн Аҳмад ибн Исмоил**нинг вафоти уч юз қирқ учинчи (343/954) йил, рабиъ ул-охир ойининг [4 август-2 сентябрь] шанба куни содир бўлган. Ва **Абу-л-Фаворис Абд ул-Малик ибн Нух ибн Наср ибн Аҳмад ибн Исмоил**нинг вафоти уч юз эллагинчи (350/961) йил, шаввол [13 ноябрь-12 декабрь] ойининг чоршанба куни юз берган. Ва **Абу Солиҳ Мансур ибн Нух**нинг вафоти уч юз ўттиз бешинчи (335/942) йилнинг шаввол ойида содир бўлди. Ва **Абу-л-Қосим Нух ибн Мансур ибн Нух** вафоти уч юз саксон еттинчи (378/988) йил ражаб ойида [15 октябрь-14 ноябрь] бўлган. Унинг ҳукмронлиги муддати йигирма бир йил-у тўққиз ой ва бир неча кунни ташкил этади. Унинг вафотидан сўнг ва унинг фармониға мувофиқ хутба фарзанди **Абу-л-Ҳорис Мансур ибн Нух** номиға уч юз саксон еттинчи (378/988) йилнинг зу-л-қаъда ойида ўқилди. Назмда ҳам салотин-и сомонийани васф қилганлар:

**Нўҳ тан буданд зи Оли Сомони машхўр,
Ҳар як ба вилояте ва шаҳре мазкур.
Исмоиле ва Аҳмаде ва Насре,
Ду Нух ва ду Абд ал-Малик ва ду Мансур.**

**[Тўққиз жон эдилар олий Сомон машхўр,
Ҳар бири бир вилоят-у шаҳарда мазкур.
Бир Исмоил, бир Аҳмад ва бир Наср,
Икки Нух, икки Абд ул-Малик ва икки Мансур]**

Тўртликда икки Абд ул-Малик борлиги айтилган, аммо «Ансоб» китобида эса [фақат] бир [Сомоний амир] зикр қилинади. Айтишларича, Сомонийлар салтанати 120 йилга яқин давр мобайнида ҳукм сурган⁹⁸.

Салотини сомонийа мазоротининг жануб тарафида⁹⁹, бир оз масофа йўл юрганда ал-муҳаддис, ал-олим ал-омил Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Сулаймон ибн Комил ал-Бухорий ал-Варроқ, яъни Ғанжор ал-Ҳофиз номи билан машҳур [шахс]нинг, Аллоҳ раҳмат қилсин, мунаввар мазори [чиқади]. У «Тарихи Бухоро» ва «Фазоил ул-саҳоба ал-арбаъ («Тўрт саҳобалар фазилатлари») китобининг муаллифидир. Унга Ғунжор лақаби қўйилишига сабаб ал-имом ал-муҳаддис Исо ибн Мусо ат-Тайимий ал-Ғанжор, Аллоҳ раҳмат қилсин, асарларига татаббуъ қилгани экан. Вафоти тўрт юз ўн иккинчи (412/1021) йили содир бўлган. Исо ибн Мусо ал-Ғанжор Бухоро аҳлидан ва эски муҳаддислардан ҳисобланади, аммо унинг вафоти Сарахсда¹⁰⁰ бир юз саксон бешинчи (185/801) йили юз берган. Унга Ғанжор лақаби берилиши унинг ҳам икки муборақ рухсори қизил бўлганлигидандир¹⁰¹.

Бошқа [бир мазор] Бухоронинг қибла томонидаги Самтин қишлоғида¹⁰² шайх аз-зоҳид ул-олам, ал-омил, соҳиб ул-аҳвол ва-л-мақомот малик ул-вилоёт ва-л-каромат Хожа Имом Абу Бакр Аҳмад ибн Саъднинг, Аллоҳ Таоло унинг қабрини муқаддас қилсин, мунаввар мазори ва пок марқад мавжуд. Ул ҳазратнинг фозилликлари ва маноқиблари ҳақида зикр қилиш ортиқчадир. Унинг, Аллоҳ раҳмат қилсин, вафоти уч юз олтишинчи (360/970) йили содир бўлган. Нақл қилишларича, у кишининг вужудларида илму амал ва зуҳди комил, аҳвол ва мавжудлик ролиб экан. Гул бор эди ва майса билан ораста бўлди. «Нур ала нур йаҳдаллоҳ ли-нуриҳи ман йашаъ [Оллоҳ ўзининг нурига Ўзи хоҳлаган кишиларни ҳидоят қилур]»¹⁰³.

Бошқа [бир мазор] шаҳарнинг ғарб томонидаги¹⁰⁴ пур-анвор зиёрат жойи аш-шайх ал-олам, ал-омил, аз-зоҳид, ал-вараъ, ал-имом Абу Бакр Муҳаммад ибн ал-Фазл ибн Жаъфар ал-Бухорийникидир, Аллоҳ раҳмат қилсин. У ҳазрат уч юз йигирма бешинчи (325/936-37) йилда вафот этган ва у ҳазрат муҳаддис ва мужтаҳид бўлиб, дин ва дунё-

дан батамом баҳраманд экан. Ва турли мазҳаблар [устидан] унинг ғалабаси туфайли, Муҳаммад динидан бошқаси, Бухорода қолмади. Ва айтишларича, зуҳд ва тақводор бўлишдан қатъи назар, унда тавсиф (баён) тарқалиши ва шариат сиёсати устун ва ғолиб келди. Нақл қилишларича, бир улур киши уни тушида кўриб суради: «Аллоҳнинг сенга кўрсатган марҳамати недир?». [У] жавоб берибди: «Менинг барча яширин зор-у илтижоларим мол-у меросимнинг дирҳамлари¹⁰⁵ билан тарозига тортишганида илтижоларим кўпроқ чиқди, шул сабабли нажот топдим». Шу нарсаси маълум-у машҳурки, унинг молу дунёси 400000 фитрифий бўлган экан¹⁰⁶.

Унинг қабри ёнида фарзанди **Абу Умар Усмон ибн Иброҳим ибн Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Фазл ал-Фазлининг** мозори жойлашган.

Дарвозани Ҳожиён йўлининг шимол тарафида¹⁰⁷ **Абу Бакр Фазл**, Аллоҳ раҳмат қилсин, мозорининг рўпарасида **Исмоил [ийа] имомларининг** мақбаралари мавжуд.

«**Китоби ансоб**»нинг муаллифи, Аллоҳ раҳмат қилсин, айтишича, **Исмонлийа имомлари** Бухорода маъруф ва машҳурдирлар. Уларнинг қабрлари **Хуросон йўлининг** бошида ва мен уларни зиёрат қилганман.

Ал-имом ал-фақиҳ ул-олам Абу Бакр Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Исмоил ибн Исҳоқ ибн Иброҳим ибн Исроил ал-Исмоилийа, Аллоҳ уни раҳмат қилсин, хонадонининг барча вакиллари илм аҳлидандир. У уч юз-у биринчи йили (301/913-14) таваллуд топиб, уч юз-у саксон тўртинчи (384/994) йили рамазон ойида [9 сентябрь-8 октябрь] вафот этган. Унинг фарзанди **Абу-л-Ҳасан Алий ибн Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий**, Аллоҳ раҳмат қилсин, **Имом Абу Бакр Саъднинг**, Аллоҳ раҳмат қилсин, невараси ва унинг шогирдидир. Унинг вазифаси ҳар жумъа оқшоми [бобосининг] даргоҳида Ҳадисни тўлдириб ёзишдан иборат бўлган. Вафоти тўрт юз биринчи (401/1011) йилнинг шаъбон ойида [10 март-8 апрель] рўй берди. Ва имом муҳаддис **Ҳофиз Фунжор**, Аллоҳ раҳмат қилсин, ўзининг тарих [китобида] **Абу-л-Ҳасан Исмоилий** ҳақида зикр қилиб, шундай деган:

«Отаси замонасининг шайхи ва раиси ва ўз даврида **Мовароуннаҳр** пешволаридан бўлган. Уч юз тўқсонинчи

(390/999-1000) йилдан кейин раислик ва имомлик унинг қўлидан фарзанди Абу-л-Ҳасан қўлига ўтди ва у ўзининг фаровон ақли ва равшан фазилати воситаси ила лаёқатли мартабага эришди. У уч юз тўқсон бешинчи (395/1004-05) йили ҳаж сафарига чиқиб, соғу саломат Бухорога қайтиб келади. У ўз отасидан ривоят қилади, онасининг отаси Абу Бакр Саъд Зоҳид, Аллоҳ улардан рози бўлсин, уларнинг фарзандлари ва неваралари ҳам шу мақбарада дафн этилган. Ҳозир уларнинг қабрлари номаълум. Бу эса уларнинг камол топганлари ва ҳолу шарифларининг аломатидир. Ҳадиси қудсийда баён этилганидек, «Инна ал-мункасираҳу қулубаҳум мундарисату кубураҳум».

Ситожийа мақбараларининг зикри

Бошқа [бир мазор] имом Абу Бакр Фазл, Аллоҳ раҳмат қилсин, мақбарасининг шарқий томонида Ситожийа имомларининг мақбаралари бор, Аллоҳ уларнинг барчасини раҳмат қилсин, яъни уларнинг ҳар бирлари бир жаҳоннинг пешвоси (муқтадоси) ва уларнинг турбатлари авлиёлар ва Худонинг хос кишилари (дўстлари) мажмуасидир (йигин жойидир). Ва Хованд Тож ад-дин, яъни шу хонадоннинг вакили айтадики, жумъа кунинамоздан кейин уларнинг зиёратига бордим. [Мазорда] бир ёш йигитни кўрдим, у мазорда ўтириб зор-зор йиғлар эди. Унинг пок (равшан) юзида рўшнолик (нур) ва ошнолик (яқинлик) зоҳир эди. Ҳарчанд ҳол сўрасам ҳам, жавоб бермади, шанба куни [бу ерга] қайтиб келганимда ҳам уни бу маконда ўша ҳолатда кўрдим. [Ҳол-аҳволига қўймай] илтижо қилиб сўрай-верганимдан [сўнг], [менга қараб]: "Мен бир абдолман, тарки одоб (беадаблик) туфайли улардан узоқлашганман" деб айтди. Мен: «Бу маконда нима талаб қиласан», – деб сўрадим. У: «Ҳар пайшанба ва душанба кунлари улар [абдоллар] шу мавзеда жамъ бўладилар. Уларнинг суҳбатларига мушарраф бўлмоқ умидида келдим» деб жавоб берди. Душанба куни бондоқ пайти борсам, ўша йигитни тополмадим. Шундан кейин уни ҳеч қачон кўрмадим.

Биринчи турбат ал-имом, олим, зоҳид, муфти, имомларнинг устози имом Мавлоно Сайф ад-дин Ситожийининг,

[Кўчамиз бошига келсанг-у, кўчага кирмасанг,
Ўша раънолик сендан камайишидан қўрқсанг.
Бизнинг сафга қўшилмасанг қўрқгил расволикдан,
Келсанг ҳам, келмасанг ҳам барибир расво бўласан.]

Мавлоно Шамс ул-Аима бир наъра тортдилар ва мин-бар ёнига келдилар. Бир соат ўзларига келолмай, кейин муборак бошларини кутардилар ва дедилар:

Назм

Эй лафзи туро одати шакархои,
В-эй нутқи туро шеваи гавҳарзои,
Бар лафзи муборакат дигар бор бирон,
Ойи ба сари кў, ва ба кў дар найои.¹⁰⁹

[Эй сен, тил одати шакардек сўзловчи,
Эй сен, нутқи дуру гавҳар сочувчи,
Ўша муборак лафзинг била тақрорла:
Кўча бошига келиб унга киролмайсан-ку].

Шундан сўнг мавлоно хизматидаги асҳоблар: «Сизга нима бўлди», – деб савол бердилар. У киши Худонинг жалоли ва азаматига [қасамки], агар яна бир марта менга [қараб] сўйласа эди, Шамс Кардарийнинг жонини қалбидан жудо қиларди, улар ҳар икковини Аллоҳ раҳмат қилсин, деди.

Мавлоно Жалол ад-дин турбатининг олдида уларнинг ўғли Амир Шамс ад-диннинг турбати жойлашган бўлиб, у олим ва обид ва муфти ва мударрис бўлган. Унинг турбати олдида унинг ўғли Хованзода Шараф уд-диннинг турбати мавжуд. Мавлоно Жалол ад-дин турбатининг пастида эса ўғли Мавлоно Камол ад-дин қабри борким, [у] ҳам олим ва муфассир ва муҳаддис ва музаккир бўлган. Ва «Латоиф ут-тафсир», «Мифтоҳ ул-музаккирин», «Қиссаи Юсуф» унинг таснифларидандир. Олти юз етмиш биринчи (671/1272-73) йил ражаб ойининг бошларида [январ ойининг охирлари] Бухоро ғоратининг биринчи куни кофирлар қўлида шаҳид бўлди¹¹⁰, Аллоҳ раҳмат қилсин, унинг турбати рўпарасида ўғли Хованд Шоҳ Фахр ад-дин марқади жойлашган. Ва [унинг турбати] олдида Хованд Тож ад-дин¹¹¹

турбати борким, «Бўстон ул-музакирин» муаллифи саналади. [У] ҳомий ва шарият ва тариқат соҳиби эди. Унинг вафоти етти юз ўттизинчи (730/1329-30) йил муҳаррам ойида юз берган, Аллоҳ уларни раҳмат қилсин.

Бу турбат яқинида унинг ўғли Хованд Садр ад-дин турбати бор. Унинг вафоти етти юз эллагинчи (750/1349) йилнинг муҳаррам ойида [22 март-21 апрель] рўй берди, Аллоҳ уларни раҳмат қилсин.

Бошқа [бир мазора] Имом Абу Бакр Фазл, Аллоҳ уни раҳмат қилсин, мазорининг қибла тарафида [бўлиб, у ерда] Солори Ҳаж, Аллоҳ уни раҳмат қилсин, турбати мавжуд. Айтишларича, бу улур ўттиз беш марта ҳаж сафарига бориб келган экан. Йўловчилар улардан фойдаланиб, кўп мушкулларини ҳал этганлар¹¹².

Дарвозаи Ҳожиёндан ташқарига чиққанда, шимол тарафда Жўйбор ариғи бор. Ва бу ерда дин улурларидан бирининг хоки мавжуд. Ва ҳазрат-и Шайх-и Бузургвор Хожа Юсуф Ҳамадоний [440-535/1048-1140], Аллоҳ уни раҳмат қилсин, бу мавзени кўрсатиб айтган эканларки, «яъни бу жойда тирикларнинг тириги дафн этилган, [айтилганки] аммо тириклар Аллоҳ наздида [паноҳ топдилар]».¹¹³

Ҳавзи Миқдом мазорлари зикри

Ҳозир бу жойни Тали Хожа Чаҳоршанбе дейдилар. Бу тепалиқда кўп улурлар [дафн этилганлар]. Ва олдин ўтганлардан Абу Абдуллоҳ Ҳошид ибн Абдуллоҳ ас-Суфий ал-Обид ал-Бухорийдир, Аллоҳ раҳмат қилсин. Ва у Дарби Майдондандир ва уни Ҳошиди Камгуноҳ (Камгуноҳ Ҳошид) дерлар¹¹⁴. Ва имом-и муҳаддис Ҳофиз Фунжор, Аллоҳ раҳмат қилсин, «Тарихи Бухоро»да келтирадики, Ҳошид ислом [олами]нинг маъруф уламоларидан бўлган ва Дорул-хилофадан амирлигига фармон бор эди ва бир муддат Шом ва бир муддат Яманда амир эди. Ислом динининг ўн икки минбари унинг тасарруфида бўлиб, ўн икки минг нафар тифдор аскарлари бор экан. Сўнгра унга хушёрлик зоҳир бўлиб, фоний мулкни боқий мулкка алмаштирди, юзини илм ўрганишга қаратди ва кўп илмларни ҳосил қилди. Ва шундан сўнг Мовароуннаҳрга азм қилди, Жайҳун дарёсига

Айтишларича, ҳазрат барча хос-у авом орасида обрӯ-этиборга лойиқ топилган ва унинг илми ҳадис имлоси (хаттотлар) мажлисида тўрт юз киши мустамли (ёзиб оладиганлар) қатнашар эди. Ва ул валийлик ва каромат соҳиби бўлган экан, унинг нурга тўла мазори ҳайбатли ва салобати (сиёсати) бениҳоя катта эди. Унинг туғилиши икки юз эллик саккизинчи (258/871) йилнинг рабиъ ул-ахир ойи бошига [февралнинг охири]га тўғри келади. Ва унинг вафоти уч юз қирқинчи (340/951) йил, бешинчи шаввол, жумъа куни кечаси (5 март) юз берган.¹²²

Ва унинг турбати қошида ворислар устози **Абу-л-Ваҳдат Мавлоно Шамс ул-аима Кардарий**¹²³, Аллоҳ раҳмат қилсин, бақият ус-салаф (аждодлар бақияси) турбати бор.

Нақл қилишларича, **Мавлоно Шамс ул-Аима**, Аллоҳ раҳмат қилсин, буюрдилар (айтдилар)ки, болалик чоғларимдан то улғайгунимга қадар, Ҳазрати Иззат ва Жалла зикруҳу, мени ўзининг исмат ва иффат пардаси ила ўз ҳимоясига олди, то менда гуноҳи кабира мавжуд бўлмади ва агар ногаҳон (тўсатдан) мендан тарки одоблик вужудга келса, ўша заҳоти мени одоби ғайби қилишдиким, [бу давом этди] то **Хожа Абу Ҳафс**, муқаддас қабрида, Аллоҳ раҳмат қилсин, кечаси қайта тирилган эдим ва одатга мувофиқ, витр намозини оқшом охирида ниҳоясига етказиш мақсадида [турган эдим], чўкка тушиб сажда қилаётганимда мени уйқу босди, бедор бўлганимда субҳ бошланган эди, витрни қазо қилдим. Бомдод бўлганда, шаҳар дарвозасига кирганимда, болалар уйнашар эди, бир ёш бола менинг олдимга келди ва айтди: **Шамс Кардарий !** Уйқуга [ғарқ] бўлиш ва витр намозини қазо қилиш бу не ботирлик (мардлик) бўлди? Билдимки, мени савалаган [бу] илоҳий одоб қамчиси экан. [Ҳазратнинг] туғилиши беш юз олтмишинчи (560/1164-65) йилда бўлган ва унинг вафоти олти юз қирқ иккинчи (642/1244) йилнинг муқаддас муҳаррам ойи тўққизинчи куни (18 июнь), жумъа куни рўй берди.

Ва унинг [турбати] ёнида **Мавлоно Бадр ад-диннинг** турбати [жойлашган]ким, илм ва амалда унинг халифаси бўлган. Унинг вафоти олти юз эллик биринчи (651/1253-54) йилнинг зу-л-қаъда ойи охири [февралнинг урталарига] тўғри келади, Аллоҳ раҳмат қилсин.

Хожа Жандий, Аллоҳ раҳмат қилсин, мақбараси зикри, яъни [унинг мақбараси] шаҳарнинг жанубида жойлашган ва шаҳар иморатларига туташиб кетган: аш-шайх ул-имом Абу Наср Аҳмад ибн ал-Фазл ибн Муса ал-Музаккир ал-Жандий¹²⁴ (яъни Жандий номи билан зикр этилган)нинг мунаввар марқади [уша ерда] жойлашган ва у шайх Абу Бакр ибн Аби Исҳоқ ал-Калободийнинг ўқувчилари ва саҳобаларидан [бири], Аллоҳ Таоло унинг руҳини муқаддас қилсин, ва [у] одамлар ва парилар пешвоси, валоят ва каромат соҳиби эди.

Нақл қилишларича, [кунлардан] бир куни одобсиз бир [киши] Хожадан, Аллоҳ раҳмат қилсин, сўради: Бу [нажот] йўлида (ёки фано йўлида) сен яхшироқми ёки ит? [Хожа]-нинг мулозимлари ва муридлари бу савол берувчига хусусмат қилмоқни хоҳладилар. Хожа йўл қўймади ва айтди: Эй биродар! Агар саломатлик учун иймон келтирсам, мен (яхшироқман) ва агар наузи биллаҳи (Аллоҳ сақласану) иш тескари бўлиб қолса, [унда] ит афзалдир ва, шунингдек улар буюрдилар (айтдилар): Ҳар кимга Ҳаққ Таоло унинг ҳожатини кифоят қилдирмаса (бермаса), унга менинг турбатим бошига бориш мувофиқ эмас ва бу мақбарада уламо ва машойих ва азизлардан купининг [қабрлари] жойлашган, Аллоҳ ҳаммасини раҳмат қилсин.

Бу мақбаранинг жануб тарафида, намозгоҳ тарафига озгина масофа юрганда, одил подшоҳ Шамс ул-Мулуқ турбати мавжуд. Авом халқ [уни] Работ-и Маликнинг қурувчиси [деб] билади ва [у шу билан] шуҳрат топгандир. Аммо Самарқанд ва Хўжанд йўлининг ўртасида, ўша тарафда Оқ кўтал/куҳтал эски работи борки, уни ҳам Шамс ул-Мулуқ иморат этган ва унинг мозори ўша работда маъруфу машҳурдир. Бухоро намозгоҳи Шамс ул-Мулуқ боғи бўлган, [шу подшоҳ] намозгоҳ қурган экан ва ундан кейин Арслонхон иморат қилган ва ҳозирги вақтда бу иморатнинг мақсураси Амир Темур иморатидир, Аллоҳ раҳмат қилсин.

Хожа Порадўз мақбараси зикри

Диннинг бузургвори ал-имом ал-жалил ва-л-ҳумом ан-набил ал-олим (улуғ ва фахрли имом, олийҳиммат олим) ал-зоҳид аш-шайх Абу Бакр Муҳаммад ибн Аҳмад ал-

Искоф (ал-Аскоф)¹²⁵, Аллоҳ раҳмат қилсин, нурга тула мазори ўша мақбаранинг ўртасидадир ва ўша муборак мантил ниҳоятда ҳайбатли бўлган экан, абдол ва автодларининг, сайёҳ ва ибодат қилувчиларнинг (обидларнинг) йиғин жойи бўлган экан.

Нақл қилишларича, охирги касаллигида, ҳазрати имом ушбу дуони айтдилар: аллахум ини атубу илайка мин кулли дақиқатин такалламту биҳа фи-л-илми ва латифатин асаб-туҳа ла адри ма оқибатуҳа индака (Аллоҳим, ҳақиқатда ўзим айтган ва оқибат қандай бўлишини билмасдан айтган илм ва нозик фикрларим учун сенга тавба қиламан).

Айтишларича, **Бухоро Чаҳор/Чор Бакри** (Бухоронинг тўрт Бакри) ва **Абу Жаъфар Ҳиндувоний**¹²⁶ мужтаҳид бўлган эканлар ва уларнинг мазорлари **Балҳа** жойлашгандир. Уларнинг барчаси шогирдлари бўлган экан, Аллоҳ уларни раҳмат қилсин. Уларнинг вафоти уч юз ўн учинчи (313/925-26) йилнинг ойларида бирида юз берган экан. Ва ўша мақбарада уламо ва машойих ва садат (саййидлар)дан кўп киши бўлган, Аллоҳ уларни раҳмат қилсин.

Бу мақбаранинг шарқ тарафида, йўлнинг нариги тарафида аш-шайх ас-солик ал-мужоҳид **Шайх Сирож удин Хилватий**нинг мазори бор, Аллоҳ раҳмат қилсин.

Ва бу мақбаранинг шимолий қисмида, **Ҳавзи Коко** (ҳавзи)нинг лабида аш-шайх ас-солик ал-вали ал-Ҳафи **Шайх Маҳмуд Санбусапаз**нинг мунаввар мазори бор. У [киши] **Ҳожагон** хонадони халифаларидан, Аллоҳ уларни раҳмат қилсин.

Калобод маҳалласининг жанубий қисмида **Ҳожаи Сарожгон**нинг, Аллоҳ раҳмат қилсин, мақбараси ўрин олган. Ва у аш-шайх ал-ориф аз-зоҳид **Ҳожа Муҳаммад Сарожгон**, Аллоҳ раҳмат қилсин, **Чингизхон** фитнаси замонида шаҳодат бахтига мушарраф бўлган эканлар ва буларнинг мазори жуда ҳам ҳайбатли, улўғвор ва салобатлидир. Нақл қилишларича, бу жойга келадиганлар одатдан ташқари кўп беадабликни қилганлардир. Гуноҳ ва тарки адаб қилганларга бу мазорни зиёрат қилиш ниҳоятда ижобий таъсир кўрсатган.

ИККИНЧИ ҚИСМ

[Фатҳободнинг руҳпарвар ва руҳангиз мазорлари зикри]

Фатҳободнинг¹²⁷ руҳпарвар ва руҳангиз мазорлари зикри, «у утган улўларнинг муҳити ва йўқолмаган орзу умидлар жойидир». («Сара кишилар учун ниятлар жойи доимо жой бўлиб қолаверади»)

Саййид, риждол ул-лоҳ, шайх ул-олам, Аллоҳ Таоло унинг руҳини муқаддас қилсин, мунаввар марқади ва муаттар машҳади уша ердадир. Ва у ал-олим ал-омил ал-муҳаддис Шайх Сайф ад-дин ал-Ҳаққ Абу-л-Маолий Саънд ибн ал-Мутаҳҳир/Мутаҳҳар ибн Саид ибн Алий ал-Бохарзий¹²⁸, Аллоҳ унинг руҳини пок қилсин(руҳ бағишласин).

Илми ҳадис борасида [у киши ҳақида] Имом Соин ад-диндан, Аллоҳ раҳмат қилсин, бир ривоят бор. Ва тариқатнинг наشري (ёйилиши) ва ҳақиқатнинг баёни ва дин йўлининг сулуки ва йақин мақомотиға етишишда (эришишда) у шайхи кабир, шайх ул-машойих — Нажм ад-дин Кубронинг¹²⁹, Аллоҳ Таоло руҳларини муқаддас қилсин, халифаси эди ва у кишининг уша мазордаги анвор излари (нурлари) қуёшдан ҳам ёрқинроқдир.

Назм:

Инна осорано тадалла алайно,
Фаунзуру баъдано ила-л-осор.

[Осоримиз бизнинг умримиз далилидир,
Биздан сўнг уларга боқинг].

У кишининг туғилишлари беш юз саксон олтинчи (586/1190) сананинг шаъбон [11 сентябр] воқеъ бўлган, вафотлари [эса] олти юз элик туққизинчи (659/1260) сананинг зу-л-қаъда ойи йигирма турти [20 ноябр] да юз берган. Ҳазрат-и шайхнинг, сирлари муқаддас бўлсин, туғилишлари ва вафотлари хусусида назмда қуйидагича куйланган (ёзилган):

Назм:

Тасаввуфро чу эҳё кард маъбуд,
Саъид ибн ал-Мутаҳҳар буд мақсуд.
Валодат дар нухум аз моҳи шаъбон,
Зи ҳижрат понсаду ҳаштоду шаш буд.

[Тасаввуфни чу эҳё қилганда маъбуд,
Саъид ибн ал-Мутаҳҳир эди мақсуд.
Валодати шаъбон ойининг тўққизи эди,
Ҳижратдан беш юзу саксон олти эди]

Дар шишсад-у панжоҳ-у нух аз ҳукми Вауд,
Дар бисту чаҳор-и моҳи зу-л-қаъда ки буд,
Он мурғи ҳумойи олами ҳимматро,
Боз-и ажал аз чанги жаҳонаш бирабуд.

[Олти юз эллик тўққизда Вауд ҳукмидан,
Зу л-қаъда ойдан йигирма тўрт эди,
Ҳиммат оламининг ул ҳумо қушини
Ажал лочини жаҳон чангалидан тортиб олди]

Бу фақир шайхнинг, Аллоҳ раҳмат қилсин, муборак но-
мини забт этиш ниятида қуйидагиларни айтган:

Назм:

Кунияти шайх Абу-л-Маоли дон,
Номи маймуни он бузург Саъид.
Лақабаш Сайфи Ҳаққу давлату дин,
Инчунин аз салаф ба банда расид.

[Куниёти шайх Абу-л-Маоли бил,
У улуғнинг бахтли оти Саъид.
Лақаби Ҳаққу давлату дин Сайфи (қиличи)дир,
Салафдан бандага шундай хабар етди]

Ва шайхнинг турбатидан қибла тарафда у кишининг
икки фарзандлари Хованд Жалол ад-дин шаҳид ва Хо-
ванд Мутаҳҳар ад-диннинг турбати жойлашган.

Ва [улар] турбатидан шарқ тарафда [у кишининг] наби-
раси Абу-л-Мафохир Яҳё иби Аҳмад [ибн] Саид ал-Бо-

харзий [дафн этилган], ким олим ва ориф ва муҳаддис ва воиз бўлган. Ва Фатҳобод фуқароси (фақирлари)нинг дас-турхони, хирқа ва ҳижрат тартибларини у бажарган [амалга оширган].

Ва унинг Кирмондан Бухорога келиши етти юз ун иккинчи [712/1312-13] санада ва вафоти етти юз ўттиз олтинчи (736/1335-36) йили юз берган. Ва унинг турбати ёнида фарзандлари Хованд Бурҳон ад-дин Шаҳид ва Руҳ ад-дин Шайх Довуд, Аллоҳ уларни раҳм қилсин, турбатлари жойлашган.

Ва Фатҳободнинг шимол тарафида Тали Ғозиён мақбара-си бор. Ва шайхнинг аксарият саҳобалариким, тажрид йўли-нинг соликлари, ва (муътакифон-и зовийаи тафрид) тафрид [зуҳд] бурчининг (буржининг) ибодатчилари (яшовчилари), ва вафо ҳарамининг муҳаррамлари, ва сафо сафлари (суфаси-нинг) суфилари эдиларки, уша ерда [қумилганлар], жумла-дан, шайх Шамс ад-дин Калон ва Шамс ад-дин Хурд ва Садид ад-дин Хоразмий ва бошқалардир¹³⁰. Кунлардан би-рида қаввол (ҳикояхон) самоъ мажлисида бу байтни айтди:

Гуфтам «араани» ва нест гаштам,
Аз бими жавоби «дан тараани»

[Дедим «арааний» ва йўқ бўлдим,
«Лам тарааний» еган жавобнинг хавфидан].

Садид ад-дин рақсга тушаётиб узининг маконида жон берди, Аллоҳ уни раҳм қилсин.

Ва Фатҳободдан шаҳар тарафга борганда, Сежуй урта-сида ал-фақир уллоҳ (Аллоҳнинг фақир бандаси) Мавлоно Жалол ад-диннинг мунаввар мозори бор, Аллоҳ уни раҳ-мат қилсин. [У киши] узоқ муддат мужоҳида ва риёзат ма-қомида [бўлиб], шайхнинг муқаддас равзасида мужовир ва ходим эди, Аллоҳ Таоло унинг руҳини муқаддас қилсин.

Агар шу йўл орқали шаҳарга кирилса, шаҳарнинг чек-касида бир масжид борким, ғоятда мутабаррук, [бу ҳақда] нақл қиладиларки, кўплаб авлиёлар шу масжидда ҳазрат Хожа Хизр алайҳи-с-салам билан мулоқотда ва суҳбатдош бўлганлар.

Бу масжиднинг шарқ томонидан ал-валий ал-хафий **Хожа Қутнинг**¹³¹ мутахҳар мозори пайваста, Аллоҳ раҳмат қилсин ва кашф аҳлидан ҳар бири у бузургнинг сўзлари, кароматлари, хавориқи одатлари ҳақида нақл қилдилар. Ва уларнинг ёнларида азизонларнинг кўп хазиралари жойлашган.

Тали Судур (садрлар), Аллоҳ уларни раҳм қилсин, мақбараси зикри

Бу тал(тепалик)нинг шарқ тарафида Калобод дарвозаси ҳавзи қарама қарши тарафи чеккасида (муқобилида) **Фатҳобод** тарафга бориладиган [йўлда] шайх-и имом, муҳаддис соҳиб ал-вилоят ва-л-каромат **Абу Шуайб Солиҳ ибн Муҳаммад ибн Солиҳ ас-Сажорийнинг**¹³² хазираси бор. У **Хожа Абу Бакр Саъднинг** шогирди, уларни Аллоҳ раҳмат қилсин ва **Мавлоно Шамс ул-аима Ҳалвоийнинг**, Аллоҳ раҳмат қилсин, устози ва унинг турбати дуолар ижобат бўладиган жойга ва одамлар муроди ҳосил бўладиган манзилга айланган. Ва унинг вафоти тўрт юзинчи (400/1009) йили юз берган. «Ансоб» китобининг муаллифи, Аллоҳ раҳмат қилсин, айтади: Унинг [Абу Шуайбнинг] қабри Калободда машҳур, зиёрат қилинадиган табаррук бир жойдир.

Ва унинг яқинида имом **Али ибн Мансур ибн Шуайб ал-Устознинг** турбати жойлашган, Аллоҳ раҳмат қилсин ва у ҳам ҳақиқат аҳлидан бўлиб, дақиқ сўзи бор эди, дил аҳволи, мақомоти ва сифати ҳақида бир дафтарни тасниф қилган.

Айтишларича, **Имом Солиҳ Сажорий** қабрига етмасдан қози, имом **Абу Алий Насафи**¹³³ нинг қабри мавжуд, Аллоҳ раҳмат қилсин, ва у **Мавлоно Шамс ул-аима Ҳалвоий**¹³⁴ устоди, унинг шуҳрати ва машҳурлиги ҳақида бу етарли эмас. Ва унинг турбати ёнида **Хожа Абу Абдуллоҳ Хизохиий** [дафн этилган] ва у каромат соҳибидир¹³⁵.

Оли Бурҳон — муаззам садрларининг зикри

У киши замин ва замон мафохирларидан (шарафи ва фаҳри) бўлиб, у кишининг қимматли асарлари ва шарафли хабарлари оламнинг туртдан бир қисми аҳолиси орасида машҳур ва маълумдирки, бу фақирнинг таърифига ҳеч ҳолат йўқдир. Уларнинг аҳволлари таърифиди [ёзилган] «Баҳр-и муҳит» [асарини] илмга муҳтож талабалар [ўзларига] захира қилдилар, [бу хусусда битилган] бир муганни (ашула) мавжуд :

Изу фатадат Бухоро мин имоматихим,
Изз ал-иморат мин абнои сомон.
Аҳд ул-амоим ила мин биабихим,
Баб йалуз биҳи арбоб тижон.

[Бухоро уларнинг имомлигидан иззатли бўлди,
Амирлик эса Сомонийлардан азиз бўлди.
Улар амома(сала)лар соҳиби, бироқ эшикларида
Тож соҳиблари ҳам бош эгардилар].

Уларнинг муқаддас машҳадлари ва пок марқадлари уч мавзеда жойлашган. Улардан шу ҳазирада бўлганларидан баъзилари **Фатҳобод** йўлининг бошида, ва бу ҳазирадагиларнинг кўпчилиги авратдирлар (аёллардирлар). Айтишларича [Абу] **ас-Судур ас-садр Бурҳон ул-аима** ва **Садр Ҳалим** уша ҳазирада ва баъзиларининг ҳазиралари мақбаранинг юқори қисмида, [яъни бу уша ҳазираким] йўлнинг қарама-қарши томонида жойлашган. Бу ердагиларнинг аксарияти судурнинг авлоди, аҳфоди ва аъқобидирлар (болалари, набиралари ва яқинлари). Аммо судури аъзамлар (улуғ садрлар)нинг аксарияти мақбаранинг шимол қисмидаги уша ҳазирадандирлар. Улар ҳар бирининг қабри бошқасиникидан мумтоз эмас ва улар ҳаммаси жам (мажмуъ) бўлиб, ваҳдат оламига фарқ бўлганлар ва бирлик мақомидалар, Аллоҳ уларни раҳмат қилсин. Қабрлари бир-бирлариникидан фарқ қилмайди, умуман, бирлик оламида фарқ бўлиб, ваҳдат мақомида йўқ бўлиб кетганлар.

Уларнинг [Оли Бурҳон] насаб силсиласи зикри

Муҳаммад ибн Умар ибн Ҳасан ибн Муҳаммад ибн ас-Садр аш-Шаҳид, Сайф уд-дин Малик ул-ислом Аби-л-Маоли Аҳмад ибн ас-Садр ал-Ҳалим аш-Шаҳид Бурҳон уд-дин Аби-л-Макорим Абд ул-Азиз ибн ас-Садр аш-Шаҳид малик ул-уламо имом ал-Ҳарамайн Аби-л-Маҳомид Муҳаммад ибн ас-Садр ал-кабир аш-шаҳид ал-Ҳалим Ҳисом уд-дин имом ал-Ҳарамайн ва у садр ас-саид¹³⁶, Аллоҳ раҳмат қилсин, шарқу ғарбда машҳур соҳиб ал-иморот ва-л-хайрот [булиб], беш юз туқсон учинчи (593/1196-97) йили вафот қилган. У **Масжиди Навфор** ва **Масжиди Сақоёи Сўзангароннинг** бониси (қурган кишиси), [у киши] **Хожаи Хожагон — Хожа Абд ул-Холиқ Ғиждувонийнинг**¹³⁷ муриди эди, Аллоҳ раҳмат қилсин.

Шунақа вақтлар булардики, одина (жумъа) куни оқшомларида **Бухоро** шаҳридан **Ғиждувонга** ҳазрат **Хожа** ҳузурига келарди, гоҳ пайтлари **садр** кириб келганда, **Хожа** бош эгиб ўтирган буларди. **Хожа** муборак бошини кўтаргунга қадар **садр** [кутиб] тураркан, [у бош кўтаргач], салом бераркан ва ўша заҳоти ўтираркан. Бир марта **садр** кечаси кириб келганда, **Хожа**, Аллоҳ раҳмат қилсин, бошини кўтаргунига қадар анча кутиб қолди. Ходим айтди: **садр** узоқ [вақтдан] бери [кутиб] турибди. **Хожа** жавоб берибди: «Кишилар кимни олдида [итоатда кутиб] турган бўлсалар, бу [шундай кишилар учун] кафоратдир [яъни, садрлик кибри учун ўз гуноҳини кутиб ювади]. Аллоҳ уларни раҳмат қилсин. У [садр] асли Марвазий [Марвдан бўлиб], туғилиш ва яшаш жойига кўра ал-Бухорийдир. Хоразм уламосидан бўлган бир муътабар муътамад муаррих, бу садрнинг маноқиби ҳақида шундай деган: «Унинг дину дунёси маъмур ва мавфур бўлган, ва унинг илми, ҳиммати олий даражада ва маноқиби алайҳи ва сунний фазилатлари ва рафия (баланд) ҳимматига эга эдиким, бизнинг замонда одамларнинг бирортаси [бу ҳимматлар соҳиби бўлмаган] эди. Мен Бухорога етганимда, [унинг] бузургвор отаси ал-имом аш-шаҳид **Умар ибн Абд ул-Азиз** менга зиёфат берганда, у хизмат мақомида эди, [ўшанда] у жуда навқирон ёшда, кўркем

ва қадди-қомати келишган бир йигит эди. Унинг шундай одатлари бор эди, [яъни у] беш вақт намозни жамоат билан адо этарди, рамазон ойи келганда эса, олти ёки етти ё ўн нафар бандисини (қулини) озодликка чиқарарди. Кўплаб ишлари бўлишига қарамай, Қуръон қироатини тамоман рамазон ойида ўтказарди, Ийди қурбонда юзта қуй ва ўнта ҳукизни ўз қули билан аҳли байтига сўйиб берарди, уламо, фуқаҳо [фақиҳлар] ва фуқаро ва сулаҳо кишиларга тўққиз юз қўйни қурбонлик учун юборар эди. Салоҳ, диёнат ва сиёнат (суннат) аҳлига нисбатан улуғ муҳаббати ва майли бор эди. Улар ҳақиқа саҳиҳ ва болиғ (жўшқин, таъсирли) эътиқоди бор эди, улар учун табарруклик ва яқинлик қилди, лиллаҳи ва фийллаҳи.

Айтишларича, унинг йиллик даромади юз минг динорга тенг келар, ҳаммасини нафақа қилиб бўлиб берар, ҳеч захира қилмас экан. Агар бирор-бир кимса [молу бойлиқдан] захира қилса, унга танбиҳ берар экан. Айтишларича, бир касалга чалиндию, ўн минг динор садақа берди ва бу одамларга маълум бўлган эди, бундан ташқари эса хуфия тарзда ҳам бошқа маблағни садақа қилиб берар экан, Аллоҳ раҳмат қилсин.

Аби-л-Мафохир Умар ибн ас-Садр ал-кабир ал-муқаддам ва ал-мухтаҳид ал-муаззам бурҳон ал-милла ва-д-дин Нуъмон ас-Соний баҳр ул-маоний Абд ул-Азиз ибн Умар ибн Моза Абдуллоҳ ибн Саҳл ибн Умар ибн Муҳаммад ибн Фазл ибн Абдуллоҳ ибн Абду Раҳмон ибн Муслим ибн Аби Бакри Солим, зу-р-риёсатайн, карим ут-тарайн ибн Абдуллоҳ ибн Умар ибн ал-Хаттобдир, Аллоҳ улардан рози бўлсинким, у Абу-с-судур ас-садр ал-имом ал-кабир, Аллоҳ раҳмат қилсин, «Кашшоф» (китобининг) муаллифи Жоруллоҳ уни мақтаб, шундай деган: Бурҳон ал-айма ёки Ибни Моза (ва ҳоказо) аждодлари Марвдан Бухорога кўчиб келганлар. Тўрт юз тўқсон бешинчи (475/1082-73) йилдан кейин садрлик уларга ас-Султон Санжар ибн Маликшоҳ томонидан берилди. Ас-Султон (Санжар), Аллоҳ раҳмат қилсин, уни ўз синглисига уйлантирди ва уни бу аҳволи ҳамда шарт-шароити билан муборакбод этди ва уларни Мовароуннаҳрга жўнатди ва уни садр деб атади. Айтишларича, у шу унвон эгаси бўлган биринчи шахсдир.

Болалари, неваралари ва бошқа қариндошлари шу унвонга эга шахс сифатида шу шариф наслдандирлар. У илмда, тақвода ва иймонда (саққада) шу даражада муъжизакор эдики, ал-имом **Нажм ад-дин Умар ан-Насафий Умар**¹³, Аллоҳ раҳмат қилсин, ўзининг буюклиги (улуғворлиги) ёки улуғвор қудрати ила ундан Қуръон оятлари ёки [қандайдир] ҳадисни назм ёки насрда тақлид қилишга рухсат бориш қилиги ҳақида сураганида, шундай жавоб берди: «Ҳақиқатдан ҳам мен шеърларни **Бухоро** жомеъ масжиди мақсура-сида ҳазрат ас-садр ул-имом ал-ажил **Абд ул-Азиз** ҳузур-ида шеърларни ўқиганман ва уларда [Қуръон] оятларидан иқтибослар келтирганман. Баҳс-мунозара ўрнида унинг [шеърларини] ёдга солганга нисбатан у ҳеч қандай таъна-маломат изҳор қилмади; [Абд ул-Азиз] уни ва унинг рақиб-би **Абу-с-судур Абд ул-Азиз ибн Умарни**, Аллоҳ раҳмат қилсин, ҳақиқа дуои хайр қилди. Айтишларича, [Абд ул-Азиз ибн Умар] «**ал-Муҳит**» муаллифидир. Унинг отаси ас-садр ал-Ҳалим **Абу л-Мафохир Умар**, [уни] «**ал-Муғний**» муаллифи ҳам деб аташади ва у «**аз-Захира**» нинг ҳам муаллифидир. У ас-Садр Тож ад-дин **Абу-л-Мақорим Аҳмад ибн Абд ул-Азиз Аби-с-Судур** [булиб], Умар ибн Абд ал-Азизнинг биродаридир, Аллоҳ уларни раҳмат қилсин, ва «**ат-Таттима**» муаллифидир. [У эса] ас-Садр Тож ад-диннинг ўғлидир. Бу [эса] **Маҳмуд ибн Аҳмад Абд ул-Азиз**, ва айтишларича у «**ал-Муҳит**» муаллифидир ва бу [асар] энг саҳиҳдир. Айтишларича, «**ал-Жомий ас-Сағир**»нинг муаллифи ас-Садр **Ҳисом ад-дин ибн ас-Садр ас-Саиддир**. У [шунингдек] айтишларига қура «**ал-Иморат**» муаллифидир. Ва айтишларича, зикр қилинган **Маҳмуд ибн Аҳмад ибн Абд ул-Азиз «аз-Захира»** муаллифидир.

Бошқа [бири] **Судур-и И'зом**, Аллоҳ раҳмат қилсин, мақбарасининг шимол чеккаси деворига қушилган **Имом Бакр Хоҳарзода** мазори, Аллоҳ раҳмат қилсин, [у киши] олим, омил ва мужтаҳид бўлган, ва «**Мабсут**» асарининг муаллифи ва **Қози Абу Собит** синглизининг ўғли (хоҳарзодаси) экан, ва вафоти тўрт юз саксон учинчи (483/1090) йили, йигирма бешинчи жумоди- л-ухраъ ойи, жумъа куни кечаси [26 август]да юз берган.

Бошқаси, бу талнинг жануб чеккасида, Хонақоҳи Занжирий рўпарасида, мужтаҳиди охир аз-замон устод уламо Мавлоно Шамс ул-аима-и Ҳалвоий турбати бор, Аллоҳ раҳмат қилсин. Ва у Абу Муҳаммад Абд ул-Азиз ибн Аҳмад ибн Солиҳ ибн Муҳаммад ибн Алий ибн Жаъфар Муҳаммад ибн Алий ибн Аби Толибдир, Аллоҳ уларнинг барчасидан рози бўлсин. У олам қуёши ва ўз асрининг яғонаси бўлган, мужоҳидларнинг охириги намояндаларидан, Имом Фахр ул-ислом Баздавий¹³⁹, Шамс ул-аима Сарахсий¹⁴⁰ ва Имом Абу-л-Фазл Бакр ибн Муҳаммад ибн Муҳаммад ал-Заранжирийларнинг¹⁴¹ устози бўлган, Аллоҳ барчасини раҳмат қилсин.

Нақл қилишларича, бир улўғ киши бир кеча тушида Мустафо салаллоҳу алайҳи васалламни куриб, деди: «Эй Расулуллоҳ, мени Аллоҳ авлиёларидан бирига иршод қилишингни хоҳлайман». Ҳазрат Пайғамбар салаллоҳу алайҳи васаллам жавоб берибдилар: «Мана, ўша шахс мени орқамдан келяпти». Ўша улўғ қараса, Мавлоно Шамс ул-аима бир катта гуруҳ билан келаётган эмиш. Бомдод намозидан сўнг ўзининг вақти ва соатини унинг мулоқоти ва жамоли бахтига муяссар бўлишга сарфлаш учун унинг масжидига бориб, қоронғида ўтирди. Мавлоно Шамс ул-аима, Аллоҳ раҳмат қилсин, азон айтиб ўтиргандилар, фориг бўлганларидан сўнг бу улўғни чақириб, «Ўша тушни бошқа бирор кишига зинҳор айтмагин», деб буюрдилар. Ва бу дин улўғининг кароматлари ниҳоятда кўпдир ва сон-саноксиздир. Унинг вафоти тўрт юз қирқ тўққизинчи (449/1057-58) йили Кеш шаҳрида юз берди, лекин жасади(қолиби)ни Бухорога олиб келиб, шу мавзеъга дафн қилдилар.

Қози Имом Али Сўғдиннинг¹⁴², Аллоҳ раҳмат қилсин, пок марқади ҳам шу ерда. Ва у илм, зуҳд ва тақвода олий даражада эди.

Мавлоно Шамс ул-аима турбатининг шарқий томонига пайваста яна бир қабр қўйилган бўлиб, бу бақият ул-машойих ал-имом ул-аллома Мавлоно Жамол уд-дин Маҳбубийникидир, Аллоҳ раҳмат қилсин. У ҳазрат Убода ибн ас-Сомат, Аллоҳ ундан рози бўлсин, авлодидан бўлади. Буни Хованд Садр уш-шариа, Аллоҳ раҳмат қилсин, насаблари силсиласи зикр этилганда баён қилган эдик. У

да Мавлоно Бурҳон уд-дин Аршадийнинг, Аллоҳ раҳмат қилсин, турбати бор ва Мавлоно Ҳофиз уд-диннинг паст тарафида мавлоно аҳфодидан [бўлган] Хожа Юсуф [қабри] жойлашган. Унинг вафоти етти юз олтмиш саккизинчи (768/1367) йил рамазон ойининг[май ойининг] бошларида юз берган.

Хожа Юсуф қабрининг шарқ тарафида ал-имом ал-ҳумом Мавлоно Нажм ад-дин Утрорий [турбати] бор. Мавлоно Ҳофиз уд-дин оталаридан шарқ тарафда эса ал-имом ал-ҳумом ал-қози Хожа Нажм ад-дин ал-Ғиждувонийнинг, Аллоҳ раҳмат қилсин, [турбати воқеъдир]. Ва улардан шарқ томонда биродари ал-имом ал-аллома, уламолар ус-този Хожа Саъдуддин Масъуд ал-Ғиждувоний [мозори] бор. Унинг вафоти сананинг етти юз тўқсон еттинчи (797/1397) йили зу-л-қаъда ойи саккизинчи [25 сентябр] куни эрталаб юз берган.

Назм

Муҳити баҳри маони, жаҳони ҳилм ва карам,
Нусайри миллат ва дин, Хожа Саъд ад-дин Масъуд,
Сабоқ ҳаштуми зу-л-қаъда рафт аз дунё,
Ки ҳафтсад-у навад-у ҳафт, соли ҳижрат буд.

[Маънолар денгизи, ҳалимлик ва карамликнинг олами,
Миллат ва диннинг нусрати Хожа Саъд ад-дини Масъуд,
Эрталаб саккизинчи зу-л-қаъда ойи дунёдан ўтди.
Етти юз тўқсон етти ҳижрат йили бўлди].

Бу қовлида уламо ва шайхлардан кўплари [дафн этилган]. Ҳар бирлари ҳақида алоҳида ёзадиган бўлсак, баёни-миз чўзилиб кетади.

Қузоти Сабъа мазорининг зикри

Бошқа [бири] Абу Тархон, Аллоҳ раҳмат қилсин, [мозорининг] шарқ тарафида бир озгина масофада Қузоти сабъа (Етти қози) мазори жойлашган бўлиб, [уларнинг] ҳар бири ўз замонасининг қуёши бўлган, ҳаёт ва раҳбарлик вақтларида нафс йўлларига ҳеч қачон қиё ҳам боқмаганлар. Ва уларнинг турбатлари дуо ижобат бўладиган жойдир.

Биринчиси: ал-қози ал-имом Абу Зайд Убайдуллоқ ибн Умар ибн Исо ад-Дабусийдир, Аллоҳ раҳмат қилсин, «Амд ул-ақсо» мусаннифидир, «Тақвим ул-усул» ва «Мизон ул-усул» [китобининг] баҳоловчисидир. Ва [у] вилоят ва каромат соҳиби бўлган. Ва у [кишининг] Самарқанд ҳамда Бухоронинг уламо [аҳлидан] машҳурлари билан баҳс ва мунозаралари воқеъ бўлган. [Ва улардан бир нечаси] у ҳақда бадиҳа [экспромт] тарзида мақоллар битганлар. Ва унинг вафоти тўрт юз ўттизинчи (430/1038-39) йили юз берган, ва [бошқаларнинг] айтишларига кўра, тўрт юз ўттиз иккинчи (432/1040-41) йили содир бўлган ва унинг ҳаёт муддати олтмиш уч (63) йил бўлган ва унинг марсийасига фозиллардан айримлари шундай айтганлар:

Назм:

Ли сури-ш-шариа шахсан фастафаз дамм,
Билутми хадув шоқ ал-ажиб била йад,
Лам йаблаг ал-ашар мима кона йалзам
Мин ал-Букаъ ала-л-қози Аби Зайд

[Туғриси, бирор бир инсон аламдан юзига уриб,
Кийимларини тилка-пора қилиб,
Қонда беланган ҳолда кўринса ҳам,
Ал-Қози Абу Зайд мотаами дардининг ундан
бирини ҳам кўрсати олмасди].

Бошқаси [иккинчиси] ал-қози ал-имом Абу Жаъфар Муҳаммад ибн Амр аш-Шаъбий (қози ал-Усрушоний), Аллоҳ раҳмат қилсин. Ва у Мавлоно Шамс ул-аима Ҳалвоий устозидир ва [шунингдек] қози Абу Зайднинг устозидир ва айтишларича, Расул салаллоҳу алайҳи васалламнинг бир тор муборак сочлари Имом Шаъбида мавжуд, Аллоҳ раҳмат қилсин.

Ва бошқа [учинчи]си: қози Имом Исмоил Мустамлий¹⁴⁶. Машҳур "Ал-таъриф ли маҳаби аҳл-и тасаввуф" номли асарнинг шарҳловчисидир.

Бошқаси [тўртинчиси] - Қози Имом Зузан (Завзан).

Бошқа бири [бешинчиси]: Имом қози Заҳир уд-дин соҳиб ул-фатовий¹⁴⁷.

ларидан, Аллоҳ раҳмат қилсин. Ва у кишининг фарзандлари **Имом Садид уд-дин**, яъни «**Уқуд ул-ақонид фи илми Калом**» муаллифининг турбати [ҳам шу ерда]. Ва **Имом Садид уд-дин** фарзанди **Имом Рукн ад-дин аш-шаҳид-нинг**, яъни [у] шайх ул-олам **Саид ибн ал-Мутаҳҳир ал-Бохарзий** устози бўлиб, [у кишининг] турбати ҳам шу ерда. Ва у кишининг фарзандлари **Мавлоно Носир ад-дин Имом-зоданинг** турбати ва у киши фарзанд ва авлодларидан жами [қабрлари] шу мавзеъдадир.

Ва **Имом Рукн ад-дин Мозийнинг** мозори ва у кишининг фарзанд ва авлодларининг [мозорини] баъзи жоҳил ва нодон кишилар қазиб олиб, [уни урнига] мақбара қилдилар, ва улар мақбараларини қиблалари учун (сифиниш мавзеларига) айлантирдилар, уларга Аллоҳ Таолонинг тажовузи бўлсин!

Шайх Абу Бакр, сирлари муқаддас бўлсин, мунаввар марқадининг қибла томонида, бир оз масофа юргандан сунг устод ул-уламо **Мавлоно Абд ур-Раҳмон ал-Бухорий-нинг**, Аллоҳ раҳмат қилсин, мунаввар мозори мавжуд бўлиб, [у киши] зоҳирий ва ботинийда ҳар хил [даражадаги] камолотга етишганлиги билан кўзга кўринган, илми адён (динлар) ва абдон (физиология) каби [илмлар]ни ўзида жамъ қилган, «**ал-Муғний фи илм ул-усул**»ни шориҳи (шарҳлаган) ва «**ал-Изоҳ фи илм ул-маоний**» асарини [ҳам] шориҳи (шарҳлаган). Вафоти саккиз юз ўн иккинчи (812/1409) йили юз берди.

Масжиди Сарди хушкнинг шарқ томонида жойлашган мунаввар мазорнинг зикри шулки, у ал-имом **Аби Абдуллоҳ Муҳаммад ибн ал-Фазл ибн Утба ибн Умар ибн Холид ал-исо ал-Куфи аш-Шарақдуний**никидир. У **Шарақдун**¹⁵⁴ қишлоғида муқим яшар эди. Унинг [ўша қишлоқда] ер-мулки бўлган. Қачонлардир Бухородаги **Хашабин** дарвозаси олдидан жой олган эди ва **Бухоро** машойихларининг аксари уни эшитганлар, масалан, **Абу Ҳафс Аҳмад ибн Ҳафс ибн Исо ибн Мусо ал-Ғунжор** ва **Муҳаммад ибн Салом ал-Байкандий** ва бошқалар, улар барчасини Аллоҳ раҳмат қилсин, Бухорода оламдан ўтиб, «**Дор ул-марзо**» (шифохона)¹⁵⁵ яқинида вафот этган. Ва у **Имоми Аъзам**, Аллоҳ ундан рози бўлсин, шогирдларидан ҳисобланади.

Ва бу мазорнинг қибла тарафидан бир оз масофа юрил-
са, йўл бошида бир хазира бор. Аҳли ҳол (тасаввуф вакил-
лари) [орасидан] баъзилари бу қабрни **Имом Қозии Хонга**,
Аллоҳ раҳмат қилсин, [тегишли деб] нисбат беришади. Ша-
ҳарнинг шимол тарафида **Ҳавзи Камаргарон** (Камаргарон
ҳовузи) бўйида имом ул-аллома **Мавлоно Бадр ад-дин ал-
Вараский** (Вараский, Варасакий)¹⁵⁶ турбати бор. Аллоҳ раҳ-
мат қилсин. [У киши] имом **Фахр ад-дин Розийнинг**¹⁵⁷ за-
мондошларидан. Улар ўрталарида кўп мунозара ва мубоҳа-
са воқеъ бўлган, ва улар [ҳақида] қиссалар машҳурдир.

Бошқа бири **Тимчаи Мадрасаи Хондаги** ал-фузало ха-
зираси бўлиб, биринчиси зу-л-баёнайн (икки баён эгаси)
соҳиб ул-лисонайн (икки тил соҳиби) алломаи ал-араб ва-
л-а жам **Мавлоно Рази ад-дин Нишобурий**¹⁵⁸, бошқаси
«[Тарихи] Йаминий» муаллифи **Абу ан-Наср Муҳаммад
ибн Абд ул-Жаббор ал-Утбий**¹⁵⁹, **Утба ибн Ғазвон ас-
Саҳобийга** мансуб (яъни нисбат берилган), Аллоҳ ундан
рози бўлсин¹⁶⁰.

Бошқа бири шаҳарнинг ўртасида **Куйи Сафа** [кўчаси-
нинг] бошида **Хожа Ҳалим ад-дин Даймунийнинг**¹⁶¹ мунав-
вар марқади бор. Ва у **Абу Муҳаммад Ҳалим ибн Муҳам-
мад ибн Али ибн ал-Ҳусайн ибн Аҳмад ибн ал-Ҳалим ад-
Даймуний**, шофеий саҳобалари фақиҳи бўлган, Аллоҳ раҳ-
мат қилсин. У ҳазрат илм ва ҳилмда камолга эришган, зуҳду
вараъда (зуҳду тақвода) собитқадам бўлган. Ва унинг турба-
ти **Хонақоҳи Суфиён рупарасида**, **Маҳаллаи Сафо** бошида-
дир. Бу хонақоҳ унинг уйи бўлиб, кейин вақф қилинган.

Нақл қилишларича, олти йил давомида **Даймунга** сув
келиши тўхтаб қолган эди. Сув эса янги ариқ (Жўйи на-
в)дан, **Жўйи Мулиён** томонидан қазиб олиб келинди. Анча
азоблардан кейин қишлоқ аҳли сув келтирдилар ва аввал
Хожанинг ерларини сув билан суғордилар. **Хожа** буни эши-
тиб, айтди: «Оҳ, хато қилишибди, биздан олдин бошқалар-
нинг суғоришга ҳақлари бор эди». Эҳтимол, бу жамоат уял-
ганидан ҳеч нарса деб айтолмаган. **Хожа** деҳқонлардан шу
сувнинг нами қанча муддатга етади деб сўрадилар. Айтди-
лар: то уч йилгача, **Хожа** ўша ерда то шу муддат ўтмагунча
экин экмадилар. Уларнинг вафотлари тўрт юз ўн олтинчи
(416/1025-26) йили юз берган. Ва у кишини зиёрат қилиш

муҳим ишлар ижобий туташида катта таъсирга эгадир ва абдол (сахий ва авлиё кишилар) ҳамда автодларнинг мақомидир. Кашф аҳли ва тақводорлар (зинда диллар) у ерда жуда кўп нур [ёрилганини] кўрдилар.

Бошқа бир [мақбара] шаҳарнинг шимол тарафида [булиб, бу] мақбара-и Нурободдир, ва у ерда олимлар, машойихлар ва авлиёлар, Аллоҳ ҳаммасини раҳмат қилсин, кўп [дафн этилган].

Бошқа бир [мозор] Буржи Аёр (Аёр минораси)га қадимий Ҳисор (қалъа) тупроқ уюмига яқин [жойлашган бўлиб, у ерда] шайхи зоҳид ва обиди мужоҳид Хожа Авлиёи Калон¹⁶²нинг турбати жойлашган. У киши Хожаи Хожагон Хожа Абд ул-Холиқ Ғиждувонийнинг халифаларидандир.

Ва у кишининг турбати ёнида, фарзандлари Хожа Ғариб¹⁶³нинг турбати бор, Аллоҳ раҳмат қилсин, [шунингдек] у кишининг халифалари ва Хованд Тож ад-дин Ситожийнинг хизматида бўлган. Ва айтадиларки, Шайх-и мажзуб солик Шайх Ҳасан Булғорий, сирлари муқаддас бўлсин, буюрдиларки, ҳаётим давомида кўплаб асҳоб-и дил ва асҳоб-и сар (ақл) хизматида бўлдим, лекин Хожа Ғариб Бухорий мартабасидагидек кишини кўрмадим.

У кишининг ёнларида Хожаи Сукмон [қабри бор] бўлиб, у киши ҳам шу хонадоннинг халифаларидандир¹⁶⁴. Хожаи Авлиё, Аллоҳ раҳмат қилсин, мазорининг шарқ томонида сал юргандан сўнг Шайх Нур ад-диннинг мунаввар марқади жойлашган, у ҳам Хожа Авлиёнинг невараларидан бўлади, улар ҳар иккаласини Аллоҳ раҳмат қилсин.

Бошқа [мақбара] ҳисор (қалъа)нинг ичида, Дарвозаи Самарқандда [булиб, у ерда] Саййид Абу-л-Ҳасан Ҳамадоний [мақбараси] бор, Аллоҳ раҳмат қилсин, [у киши] Саййид Побанд номи билан машҳурдир. У шайхларга ҳамроҳлик қилди ва уларни юксак мартабага кўтарди, Аллоҳга таваккал қилиб кўп маротаба саҳрони кесиб ўтди. Ва у аш-шайх ас-саййид ал-имом Абу-л-Ҳасан Муҳаммад ибн Алий ибн ал-Ҳусайн ибн ал-Ҳасан ибн ал-Қосим ибн Муҳаммад ибн ал-Қосим ибн ал-Ҳасан ибн Зайд ибн ал-Ҳасан ибн Алий ибн Аби Толиб, ал-Алавий ал-Ҳамадоний, Аллоҳ ундан ва унинг қарамли авлод-аждодларидан рози бўлсин. У шарият олимларидан, тариқат ва ҳақиқат шайхларидан бўлиб,

Худованди Азза ва Жалла даргоҳида обрӯли бир бандадир. Хожа Имом Абу Бакр Аби Исҳоқ Калободий¹⁶⁵, Аллоҳ раҳмат қилсин, унинг шогирди бўлган. У ўз асарларида устози ҳақида кўп нақл қилгандир. Айтадиларким, ўша замоннинг султонларидан бири уни [Саййид Побанд]ни зулм ўтказиш йўли билан (ноқонуний равишда) банди қилиб зиндонга ташлабди. У шу аҳволда ва шундай шароитда вафот этибди ва оёғидан кишани билан¹⁶⁶ кўмишларини васият қилган экан. Бухоро аҳли зуҳду-тақво, илм, вилоят ва каромати учун унга катта эътиқод қўйган, ва у туфайли амалга ошмаган ишнинг ўзи йўқ. Тариқатда Шайх Жаъфар Хулдий Кардарий¹⁶⁷ сил-силасига киради, Аллоҳ раҳмат қилсин. Ва Жаъфар Хулдий Шайх Жунайдининг¹⁶⁸ муриди бўлади, Аллоҳ унинг руҳини муқаддас қилсин.

Саййид Абу-л-Ҳасандан, Аллоҳ раҳмат қилсин, нақл қилишади: Бир кеча Жаъфар Хулдий менга айтдики, бу оқшом биз билан қол. Мен эса қолишдан бош тортдим, чунки уйда қовурилган бир товук ва гуруч бор эди. Нафсим зўр келиб уйга тортарди. Ифтор вақтида хизматкор қозонни тандир (ўчоқ)дан олмоқчи бўлиб, қўлидан тушириб юборди ва қозондаги гуруч ерга тўкилиб кетди. У билан машғул бўлаётганларида эса, бир ит келиб товукқа чангал уриб, уни олиб кетди. Бомдод вақти шайхнинг кўзи менга тушиб деди: «Кимки пирлари хоҳишига эътибор бермаса, Ҳаққ Таоло итни ундан устун қилиб қўяди». Вафоти Бухорода уч юз тўқсон бешинчи (395/1004) йилнинг муҳаррам ойида [18 октябрь-17 ноябрь] юз берган, ва уни ўз ҳовлисига осонгина дафн этишган, йигирма йилдан сўнг унинг жасадини бу ердан олиб, шу мавзеъга кўмганлар.

Бир эски китоб гувоҳлик беришича, Саййид Абу-л-Ҳасан қабри устига қўйилган тош бор, у Ҳиро тоғидан келтирилган. Ҳиро тоғи эса Расул салаллоҳу алайҳи васалламга дастлаб ваҳий келган жойдир. Саййид Абу-л-Ҳасан, уни ўша тоғдан олиб келиб қабри устига қўйишни васият қилган экан. Ҳозир бу ерга зиёрат учун ҳожатмандлар ва беморлар кўп келишади ва уларнинг мушкулотлари енгиллашади, бу тажрибадан ўтгандир.

Бошқа [бир қабр] қалъа ичида [бўлиб], Дарвозаи Казмаргарон яқинидаги мазордир. Уни имом Суфёни Саврий-

га нисбат беришади, Аллоҳ ундан рози бўлсин. Ва бу нисбат хатодир (саҳвдир), чунки «**Жомеъ ул-усул**» китоби ва бошқа [асарлар]да ёзилганки, у Басрада юз олтмиш биринчи (161/776-77) йили Маҳдий халифалиги даврида вафот қилган. «**Шарҳи саҳиҳи Кирмоний**», [Кирмонийни] Аллоҳ раҳмат қилсин, асарида ёзилганки, у Басрада султонлардан яширинган вақтда оламдан ўтган ва уни юз олтмиш биринчи (161/776-77) йили кечки пайт дафн этишган.

Бошқа [бир қабр] жомеъ масжидининг шимол тарафида [бўлиб], у **Хожа Умар Ғози Ригдамунийкидир**¹⁶⁹ ва унинг ўғли **Абу Бакрнинг** қабри мавжуд [бўлиб], [у киши] олим, зоҳид, ориф ва масжид имоми бўлган. Отасининг вафоти тўрт юз тўқсон учинчи (493/1100) йили рамазон ойида [22 июнь-9 август] бўлган, ва фарзандининг вафоти эса беш юз ўн саккизинчи (518/1125) йили жумод ул-аввал [16 июнь-16 июль] ойида рўй берган. Бу азизлар ётган жойнинг шимол тарафида бир оз масофа ўтгандан сўнг аш-шайх ас-солик ан-носик **Шайх Муҳаммад Ҳалложнинг**, Аллоҳ раҳмат қилсин, мазори бор [бўлиб], [у киши] хожагон хонадонига мансуб халифалардандир, Аллоҳ уларнинг барчасини раҳмат қилсин.

Бошқа [бири] масжиди Жомеънинг жанубидан бир оз масофа ўтгандан сўнг кичикроқ гумбаз бор ва у ерда **Арслонхон Ғозийнинг** мазори мавжуд, Аллоҳ раҳмат қилсин, лекин аслида ундай эмас, чунки у Балҳда 524 ёки 565/1169-70 йили вафот этган ва жасадини **Балхдан Марвга** олиб келганлар ва ўзи қурдирган мадрасага дафн этганлар. У **Марвнинг** қишлоқларидан бўлмиш **Сусда** оламга келган. У **Работи Маликнинг** қурувчиси (Арслонхон)нинг фарзандига неvara бўлади. Султон Санжар унга куёв бўлган ва уни **Тафқочхон** ҳам дердилар. **Тафқочи Кабир** (Буюк Тафқочхон) **Иброҳим ибн Наср Работи** малик бониси (яъни Арслонхон)нинг отаси бўлади. Масжиди Жомеъга қўшилган минора Арслонхоннинг иморатидир, у беш юз олтмиш биринчи (561/1165-66) йили қурилган экан¹⁷⁰.

Бошқа [бири] **Дарвозаи Оҳангаронда**, қалъанинг ичка-рисида бўлиб, у шайх ул-олам ал-ориф ал-мужоҳид **Шайх Нур ад-дин Хилватий**, Аллоҳ раҳмат қилсин, турбатидир.

У киши шайх ул-кабир **Нажм ад-дин Кубронинг** хонадонига мансуб халифалардандир, Аллоҳ сирларини муқаддас қилсин.

Бошқа [бир қабр] **Масжиди Одинайи Қадим** (эски Жомиъ масжиди)нинг жануб тарафида, **Дарвозаи Оҳанин** бозорига яқин турбат [булиб], **Мавлоно Нур ад-дин Сайрофиникидир**, Аллоҳ раҳмат қилсин. [У киши] **Мавлоно Шамс ул-Аима Кардарий** яқинларидан саналган, Аллоҳ раҳмат қилсин. Бухоро масжиди **Жомеъсида** имом бўлиб, доим шу ерда бўлган. Чингизхон талон-таражи вақтида масжид меҳробида бошини тиззасига қуйиб ўтирган экан. Чингизхон қанча сазъ-ҳаракат қилса ҳам унинг муборак юзини қўришга муяссар бўла олмабди. Охири у кишининг муборак бошини кўтариб, юзига тупуриб, у кишини шаҳид қилибди.

Бошқа [бир қабр] шаҳарнинг пастида, дарёнинг лабида бўлиб, шайхи олам, ориф, солиқ, замонасининг ажойиб кишиси **Мавлоно Бадр ад-дин ал-Майдоний**нинг, Аллоҳ раҳмат қилсин, турбати борки, у киши етти юз ўн саккизинчи (718-1319) йил зу-л-ҳижжа ойининг тўртинчи куни, пайшанба куни (28 январ) вафот этган.

Бошқа [бир қабр] шаҳарнинг қибла тарафида, **Тали Сангрезада** [булиб, бу ерда], шайхи солики мажзуб, баракат аззамон **Бобо Муборак Чаҳор Тоқий** (Чортоқий)нинг, Аллоҳ раҳмат қилсин, мунаввар мазори мавжуд. Ва унинг вафоти саккиз юз ўн тўртинчи (814/1411-12) йилнинг йигирма биринчи рамазон ойи кечаси (6 январь) юз берган.

*Ё раббано минна ва минка таҳйياتун
ва саломан ила арвоҳаҳум!*

*[Ё Раббимиз, биздан ва сендан уларнинг
арвоҳларига таҳният ва саломлар бўлсин!]*

да барча масжидлар ва савмаъаларга қандиллар ва шамълар ёқишни бўйурди. Масжиди Жомеъдаги хатиб, мақсурахон ва муаззинга эса икки минг таноб ер вақф этди. 260/873-74 йилнинг муборак рамазон ойи жумъа намози вақтида, фарзни бажо келтираётганда масжиди Жомеъ биноси бирдан чўкиб кетган. Кўп одамлар ҳалок ва мажруҳ бўдилар. Кўпчиликини тупроқ тагидан қовлаб қутқариб олдилар. 360/970-71 йили, шанба куни Абдуллоҳ ибн Ҳассон вақтида масжиди Жомеъ биносининг шарқ ва ғарб томонидаги деворлари қуллаб тушди. Бирор бир мусулмонга зарар етмади. Шунда Абдуллоҳ ибн ал-Ҳассон холис зар сарфлаб, уни таъмир этди.

Иброҳим Тамғоч замони ва унинг ўғли Шамс ал-Малик ибн Наср Бухорони босиб олгунга қадар бу бино турди. Кейин улар масжиди Жомеъни таъмир этиб, маълум ва машҳур бўлган минбар ва мақсурани Самарқанддан олиб келиб мустаҳкам ўрнатдилар. Улар шарқ буржи томонида 120 газ баландликда бир минора қурдирдилар. Кейин мазкур минора масжиди Жомеъ устига қуллаб тушиб, учдан бирини вайрон қилди. Қизил Арслонхон Ғозий давригача бино шундай турди. Учинчи марта масжид ва шу машҳур минорани Қизил Арслонхон машҳур ва маълум бўлган Ҳавзи Лайсак билан бирга таъмир этди. Масжид, минор ва ўша ҳовуз таъмири учун ўз молидан 80 минг тоза (тилла) динол сарфлади. Масжиднинг шарқ томонида ҳам учта сарой қурдириб уларни масжид вақфига берди. Қурилиш 550/1155-56 ҳижрий йили битказилди.

Амири Ҳамид Нух ибн Наср ибн Исмоил Сомоний даврида, унинг фармойишига биноан, 240/854-55 йили масжиди Жомеъ ва Намозгоҳ аркнинг шарқ томонида қурдирилди. Аҳоли ҳозир бу жойни Регистон дер. Унинг яқинида бозор ва дўконлар қуришни бўйурди. Ийд кунлари ва жумъа намозларида амир ўз лашкари билан қуроолланган ҳолда намозга келарди. Сабаби ислом заиф, мусулмонлар кам эди. Неча йиллар амири Саид ибн Нух давригача шундай ўтди. Амири Саид шаҳарнинг ташқарисида, Сумитан дарвозаси яқинида ўз маблағидан ер сотиб олиб, анча маблағ сарфлаб, Идайн намозгоҳи учун минбар, меҳроб ва мақсура бино қилди. Қизил Арслонхон эса мазкур намозгоҳни қўйиб, Шамс ал-Малик чорбоғини намозгоҳга ва унинг қовлисини бустонга айлантирди. Ҳозир у маълум ва машҳурдир.

Бухоро фатҳидан олдин Бухоро еттита дарвозаси номи маълум бўлган. Ибн Аббос айтадики, Қутайба р.а. уларни етти қабиллага тақсим этиб берган. Уша етти дарвозадан бештаси маъруфдир. Булар: Дарвоза-йи Қавола ва Мазор, Дарвоза-йи Самарқанд ва Дарвоза-йи Имом Аби Ҳафс, Дарвоза-йи Ширгарон ва Дарвоза-йи Ҳожиён, Дарвоза-йи Қароқул ва Дарвоза-йи Намозгоҳ. Субҳонқулихон ва Абдуллоҳхон даврларида дарвозалар ўн икки ном билан машҳур бўлган». Булар «Таърихи Муқимхони»дан нақл қилинди. Қаранг: Рисолайи Султоний. 9⁶-15⁶.

¹⁵Яъни Абу-л-Қосим Маҳмуд ибн Умар ибн Муҳаммад ибн Умар аз-Замахшарий — Жоруллоҳ, ҳижрий 538/1143-44 йили вафот этган хоразмлик буюк муътазилӣ олим, фақиҳ ва филолог. «Қутруб ибн Муҳаммад ибн Жоруллоҳ ал-алома аз-Замахшарий. Тулиқ номи Алий ибн Муҳаммад ибн Жоруллоҳ. «Кашшоф», «Фоиқ», «Асос ва-иъроб ал-Фотиҳа», «Муқаддимат ал-адаб», «Китоб рабиъ ал-аброр» асарларининг муаллифи. Арафа кечаси 538/14 май 1144 йили вафот этган». Қаранг: Абд ал-Қодир ибн Муҳаммад-Амин. Маджмаъ ал-ансоб ва-л-ашжор. 98 - бет (матн 159 - бет).

¹⁶Бошқа ривоят ҳақида қаранг: Наршахий. Тарихи Бухоро // Форс тилидан А. Расулев таржимаси. Тошкент: Камалак, 1991. 103 - бет.

¹⁷Мазкур асарнинг муаллифи Ато Малик ибн Хожа Баҳо ад-дин Муҳаммад ал-Жувайний (1283 йили вафот этган) бўлади.

¹⁸Яъни Балх назарда тутилган.

¹⁹Абу Саид Ҳасан ибн Аби-л-Ҳасан ал-Басрий, тобеинлардан, ҳижрий 21/642 йили таваллуд топган. Суриялик насроний бир қулнинг фарзанди. Пайғамбар Муҳаммаднинг котиби Зайд ибн Собитнинг мавлоси. Тасаввуфнинг йирик намояндаси. Ҳижрий 110 йил, ражаб ойининг 5 куни (15 октябрь) 89 ёшида Басра шаҳрида вафот этган.

²⁰Абу Абдуллоҳ Ваҳб ибн Мунаббих ал-Йаманий ас-Санъоний, ўзи асли форслардан ва тобеинлардан саналади. Тарих илмида машҳур бўлган. 26/646-47 ҳижрий йили таваллуд топиб, 115/733-34 йили вафот этган.

²¹«Илоҳо Бухоро аҳли ва уларнинг авлодларига баракат бергил, тоун ва қаҳатлик офатларидан сақлагин. Ҳазрати азиз ҳам дуо қилибдилар: «Илоҳо Бухоро аҳлини тоун ва

қаҳатчиликдан сақлагил ва авлодларига баракат бергин, гур ва қиёмат, мизон (тарози) ва Сирот пулидан сақлагил, жаннатга киритгил, омин ё рабил оламин». Қаранг: Султон Муҳаммад ибн Қаландаршоҳ. Рисолайи Султоний. 17 • ва-рақ.

«Саййид Аҳмад «Қандийа»да келтирибдурки, 80 маротиба манбаларда топдимки, буюрибдилар: Мовароунаҳрда учта муборак шаҳар бор булар Бухоро, Самарқанд ва Нур(ато). Анас ибн Малик ривоят қиладурки, Пайғамбар саллаллоҳи алайҳи ва-саллам айтдилар: «Жайхуннинг нариги томонида учта муборак ва нурли шаҳар бор. Уларни Бухоро, Самарқанд ва Нур дерлар. Уларга беш минг фаришта ҳофиз ва зокирдирлар ва уларнинг мағфиратини тилаб дуо қиладилар. Шаҳар атрофини ўраб олган бир фаришта бор. Унинг минг боши ва ҳар бошининг минг тили бор. Улар орқали ҳазрати жала жалолахуга тавозеъ ва тазорруъ билан дейди «Ё Қойим, ё Дойим ё Фард, ё Аҳад, ё Самад, ё Аллоҳ, шу шаҳар аҳлини барча офатлардан сақлагил». Жаброил алайҳи-с-салом дейди: «Самарқандда жаннат бўстонларидан бир бор бор. Уни Қитвон дейдилар. Самарқанд шаҳрининг ташқарисида бир муборак дарё бор. Суви оқ ва тотли, таъми ёқимли. Қайси бир мусулмон шу сувни ичса, Кавсар ҳовузидан сув ичгандек бўлади, унда чумилса, барча гуноҳ ва иллатларидан покланади, худди онадан янгидан туғилгандек бўлади. Бу шаҳарларда илонлар ва балиқларга ўхшаш фаришталар бор. Улар кечалари одам қиёфасига кириб зикр қиладилар ва «Дунё ва охиратнинг Раҳмони, бу шаҳарларнинг аҳлига раҳм эт» деб айтадилар. Бу шаҳарларнинг хосияти ва хислати бисёрдир ва у ерда пайғамбарлар, абдоллар, Хизр ва Илёснинг мақомлари бор. Ҳазрати Пайғамбар саллаллоҳи алайҳи ва-саллам дуо қилганлар: «Ё Қуссам ибн Аббос! Оллоҳ таоло Самарқанд ва Бухоро шаҳарларини қиёматгача маъмур, обод, эмин ва тинч сақласин, шу учта шаҳарни ёмонларнинг келишлари ва у ерларда жамъ бўлишларидан, бадмазҳаблар, мағрурлар, золимлар, кофирлар фатҳидан сақласин». «Тарих-и Субҳоний»да келтирилганки, Бухоро, Балх ва Самарқанднинг пошшолари шарият бўйича иш тутмасалар, фисқ ва фасодга қўл урсалар, тез ҳалок бўладилар, қаҳр ва ғазабга дуч келиб, душманлардан мағлуб бўладилар. Қутайба даврида Самарқанд наҳрида сув йўқ эди, Бухорогача етиб бормасди.

Пайгамбар дуосининг баракотидан Зарафшон дарёсининг суви кўпайиб, охири Жайхун дарёсига қўйиладиган бўлди. Минглаб чашмалар тоғу адирлардан оқа бошлади. Бу қиёматгача шундай бўлади. Фақат пошшоларнинг зулми, ҳаромхўрлик ва рибохурлик анҳор сувларининг баракасини йўққа чиқариши мумкин. «Масобиҳ»нинг шарҳи бўлган «Шариат ул-ислом» асарида келтириладиги, Аллоҳ таоло тоун ва балоларни ҳаром ва ҳалаж эвазига юборади ва мулк хароб, халқ паришон бўлади, ёвузларнинг жамоаси қўлидан зироатдан, ҳосил ва мевалардан баракат кўтарилади. Рибохурлар касофатидан эса экин ва ҳайвонлар баракатидан асар қолмайди. Булар эса зулм ва жабрнинг кўпайишига, мамлакат хароблиги, душманнинг кучайиши, ноибларнинг заиф бўлишларига олиб келади. Бироқ Аллоҳ билгувчидир.

Асома, р.а. Пайгамбар номидан ривоят қилади: Мендан сўнг Самарқанд шаҳри фатҳ қилинажак. Аллоҳ таоло раҳмати унинг атрофини ўраб олинажак, неъматлари ва арзонгарчилик кўпаяжак, қаҳатлик, камчилик, тоун бу шаҳарда бўлмайди. Бу шаҳарда буюклар, дин пешволари, уламо ва уббод, зоҳидлару абдол кўп бўлади. Менинг ёрларимнинг ва [олдинги] пайгамбарларнинг мақбаралари бу шаҳарларда бисёрдир. Бухоро ва Самарқанд шаҳарларида бўлганидек, бошқа жойларда зоҳиду уббод, имомлару шайхлар йўқдир. Жаннатнинг бир эшиги Бухоро ва Самарқанддан очилур. Қиёмат куни Бухоро ва Самарқанднинг мусулмонлари шаҳидлар ва ғозийлар билан бирга бўладилар. «Маориф» китобида зикр этилганким, Хуросон мамлакати барчаси Усмон зу-н-нурайн халифалиги даврида фатҳ бўлган. Биринчи волийси Абдуллоҳ ибн Омир, кейин Марвон, ундан кейин Самарқандда [қабри бўлган] Саъд ибн Усмон, р.а, сўнгра Муовия хилофати даврида Қуссам ибн Аббос, у Шоҳи зинда номи билан машҳур бўлган. Аммо Самарқанд, Кеш, Нахшаб ва Бухоро билодлари ва уларнинг атрофи зўрлик билан босиб олинган. Қутайба ибн Муслимгача буни Муҳлиб ибн Ҳамр амалга оширган эди. [Унинг] Бухоронинг Масжиди бесутунида мақом қилиб, бу оламдан риҳлат [қилгани] маълумдир.

Билгилки, Мовароуннаҳрда ўн уч адолатли пошшо кетма-кетлик билан ҳукм сурганлар. Саҳобалар ва тобеинларнинг р.а. марқадрлари Самарқандда, баъзиси Бухоро ва

уларнинг қишлоқларида мавжуд. Улар дуо вожиб бўлаган жой ва абдолларнинг масканидирлар. Золим подшоларни бу шаҳарда бўлишини хоҳламайдилар. Хабарда келтирилганки, Самарқанд мамлакатининг ҳисорлари ва дарвозаларини амир Абу Нуъмон бино этган. Мустаҳкам буржлари ва кунграларини эса Абу Муслим таъмир этган экан. Ҳазрат шайх Нажм ад-дин Умар Насафи р.а. айтадики, Самарқанд шаҳрини ҳазрати Искандар зу-л-қарнайн таъмир этган ва бу ишларнинг устига Самар ва Қамар деган икки нафар улўғни бош этиб тайинлаган. Бу иккала вазир Самарқанднинг Чаҳорсуйида кўмилганлар...». Қаранг: Рисолайи Султоний. 42 - бет.

²² Кунияти Абу Абд ар-Раҳмон, нисбаси Марвазий бўлиб, ҳижрий 181/797-98 йили вафот этган. Имом Абу Ҳанифанинг саҳобаларидан.

²³ Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Сулаймон Комил ал-Бухорий ал-Варроқ, Фунжор ал-Ҳофиз. Ҳижрий 412/1021-22 йили вафот этган олим, муаррих. Унинг қаламига мансуб «Бухоро тарихи» асари бизгача етиб келмаган.

²⁴ Дарвозайи Ҳожиённинг шарқида, султонлар аркининг гарбидадир. Рисолайи Султоний. 47 - бет.

²⁵ Абу Закариё Мухйи ад-дин ибн Шараф ан-Нававий, ҳижрий 676/1277-78 йили вафот этган.

²⁶ Дамашқ шимолида жойлашган шаҳар ва вилоят.

²⁷ Бурайда ибн ал-Хусайб (ал-Хасиб) ал-Асламий. Пайгамбар ҳижрати вақтида Макка ва Мадина оралиғида имон келтириб, исломга кирган. Ҳижрий 62/881-82 йили Хурсонга келиб, халифа Ўазид ибн Муавийа I даврида (милодий 680-683 йй.ораларида) вафот этган ва қабри Марв шаҳрида.

²⁸ Абу Ҳурайра (ваф. 58/677-78). саҳоба. Унинг тилидан 3500 ҳадис ривоят этилгани маълум.

²⁹ Муслим ибн Ҳажжож Абу-л-Ҳусайн ан-Нисобурий (202-261/817-875). Арабистон, Миср, Сурия ва Ироқ бўйлаб сафари чоғида замондош муҳаддислардан ҳадислар йиғган. «Жомий ас-Саҳиҳи Муслим» нинг муаллифи. Унда 300 минг ҳадис йиғилган.

³⁰ Абу Довуд Сижистони (275/888-89 йили вафот этган) ва унинг шогирди Абу Абд ар-Раҳмон ан-Нисои (ваф.303/915-16) ровийлардан. Ҳар бирлари «Китоб ас-сунан» номли асар ёзган.

³¹ Ровий ва муҳаддис.

³² Асар муаллифи Ҳазиб ал-Фахрийа номи билан танилган Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Абдуллоҳ ал-Хатиб аш-Шофийй (ваф. 749/1348-49)дир.

³³ Абу Бакр Аҳмад ибн ал-Ҳусайн ал-Байҳақий (384-458/994-1065-66), машҳур муҳаддис ва ҳофиз.

³⁴ Мазкур асарни таълиф этган шахс Имомзода номи билан машҳур Имоми Воиз Руқн ал-Ислоҳ Муҳаммад ибн Аби Бакр Ҳанафий Бухорий (673/1274-75- йили вафот этган)дир.

³⁵ Муаллифи Абу-л-Ҳусайн Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Жаъфар ибн Ҳамдон Қудурий Бағдодий, ҳижрий 362-438 йиллар яшаб ўтган, бошқа маълумотларга қараганда, ҳижрий 428/1036-37 йили вафот этган. Ҳанафийа улӯғларидан бири бўлиб, Ироқда мазҳаб раиси мақомини олган шахс.

³⁶ Абу-с-Саиб Усмон ибн Мазъун, саҳоба. Иккинчи ҳижрий йили вафот этган.

³⁷ Ибн Масъуд — Абдуллоҳ ибн Масъуд ибн Рофил ибн Ҳабиб ал-Ҳузалий, куняси Абу Абд ар-Раҳмон бўлиб Бадр муҳорабасидан сўнг исломга кирган. Саҳоба. 32 ёки 34/653 ёки 655 йй. оралиғида Куфа, баъзиларнинг сўзига қараганда, Мадинада вафот этган. Ан-Нажжорий уни Усмон халифалиги давригача вафот этган деб хабар беради. Қаранг: Абд ал-Қодир ибн Муҳаммад-Амин. Маджмаъ ал-ансоб ва-л-ашжор. 137 - бет (матн 206 - бет).

³⁸ Қуръони каримнинг биринчи сураси.

³⁹ Қуръони каримнинг иккинчи сураси.

⁴⁰ Қуръони каримнинг 112 сураси.

⁴¹ Қуръони каримнинг 32 сураси.

⁴² Қуръони каримнинг 112 сураси.

⁴³ 680 йили муҳаррам ойининг 10 кунда имом Ҳусайн Карбалода ўлдирилгани муносабати билан ўтказиладиган маросим. Бу кунда қабристонлар ҳам зиёрат қилинади.

⁴⁴ Арафа — зу-л-ҳижжа ойининг 9 сида ҳожийлар Арафот тоғида зиёрат учун турадиган кун.

⁴⁵ Абу-л-Ҳасан Али ибн Саид ар-Растағфаний, олим ва фоқиҳ Абу Мансур ал-Мотуридий (333/944-45 йили вафот этган) нинг шогирди. Самарқанднинг Растағфан (ҳозирги Бейли Ота) қишлоғидан.

⁴⁶ Имом Бакр Тархон жанубида. Рисолайи Султоний. 70 - бет.

⁴⁷ «Қунйат ал-мунйа ала мазҳаб Аби Ҳанифа» шайх ал-имом Аби Риҷоъ Нажм ад-дин Мухтор ибн Маҳмуд аз-Зоҳидий ал-Ҳанафий (658/1259-60 йилда вафот этган олим)нинг асари.

⁴⁸ Муаллифи Абу Ҳомид Муҳаммад ибн Муҳаммад Фазлолий (1058-1111) буюк олим ва суфий.

⁴⁹ Қуръони каримнинг 59 сураси.

⁵⁰ Қуръони каримнинг 29 жузъи.

⁵¹ Қуръони карим, 99 : 1.

⁵² Қуръони карим, 102 : 1.

⁵³ Қуръони каримнинг 113-114 суралари.

⁵⁴ Қуръони карим, 2 : 6.

⁵⁵ Қуръони карим, 2 : 285.

⁵⁶ Абу Уҳбон ибн Ус ал-Асламий, саҳоба.

⁵⁷ Абу Исҳоқ Катъб ибн Мутеъ, яманлик яҳудий олим. У ҳижрий 32/652-53 йили вафот этган, саҳоба.

⁵⁸ Муҳаммад ибн Восеъ ал-Азди «Зайн ул-қурро» (Қорийлар зийнати). Ҳижрий 123/740-41 йили вафот этган олим ва фақеҳ.

⁵⁹ Кашф — ғайб сирлари ва келажақдаги воқеа-ҳодисаларни ошкор (зоҳир) қилувчилар. Комиллик даражасига эришган тасаввуф аҳли вакиллари бундай хос сифатлар соҳиби саналган.

⁶⁰ 752-822/1350-1419 йилларда яшаган шайх ва олим, сиёсий ва маданият арбоби, Шайх Хожа Баҳо ва-д-диннинг муриди, халифаси.

⁶¹ Хожа Абу Ҳафс Кабир ал-Бухори. У ал-имом ал-олим ал-комил Муҳаммад ал-Ҳасан аш-Шайбонининг шогирдидир. Қаранг: Абд ал-Қодир ибн Муҳаммад-Амин. Маджмаъ ал-ансоб ва-л-ашжор. 73 — бет (матн 147 — бет).

⁶² Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Ҳафс ибн Забурқон ал-Бухорий ал-Ҳанафий, ҳижрий 264/877-78 йили вафот этган. «Китоб ал-ихвоъ ва-л-ихтилоф ва-р-рад ало-л-лафзийат», «Муқаддимат ал-фуруъ» асарларининг муаллифидир. Ал-имом Абу Бакр Муҳаммад ибн ал-Фазл ал-Бухорий унинг устозидир». Рисолайи Султоний. 53^а; «Хожа Абу Ҳафс ал-Кабир Аҳмад ибн Ҳафс ибн Забурқон ибн Абдуллоҳ ибн Хабр ал-Ижлий ал-Бухорий. Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Аби Ҳафс ал-Бухорийнинг устози». Қаранг: Абд ал-Қодир ибн Муҳаммад-Амин. Маджмаъ ал-ансоб ва-л-ашжор. 69 — бет (матн 136-137 — бетлар).

⁶³ Имом Шофейй 240/854-55 йили вафот этган. Рисолайи Султоний. 47^а.

⁶⁴ Унинг ўғли Ҳаммод отаси Аби Ҳанифани ҳижрий 80/699-700 йили оламга келган деб хабар беради. Қаранг: Абд ал-Қодир ибн Муҳаммад-Амин. Маджмаъ ал-ансоб ва-л-ашжор. 74 - бет (матн 148 - бет). Абу Нуъайм эса унинг вафотини ҳижрий 150/767 йили ражаб ёки шаъбон (2 июль-29 сентябр) ойида деб хабар беради. Қаранг: ўша жойда. Яна қаралсин: Рисолайи Султоний. 46^а.

⁶⁵ Аби Ҳанифа, Муҳаммад, Абу Юсуф, Имом Зуфар, Шофейй ва Аби Жаъфарнинг, охириги давр шайхларининг ма-ноқиблари, таълифот, таваллудлари ва вафотлари турли ма-ноқиб ва фатовиларда ўз аксини топган. Қаранг: Рисолайи Султоний. 47^а.

⁶⁶ Имомнинг халққа шафқати шунчалик бўлганки, бир йили Бухорода қимматчилик пайтида у бир харвор буғдойни 100 динор сотиб олиб, 90 динорга сотган экан. Охири ҳазратнинг каромотидан бир харвор буғдой нархи 10 динорга тушибди. Аллоҳ халқи учун у ўз хазинасини ҳам сарф этибди. Ҳазрати имом Аби Ҳафс, разиаллоҳу анҳу, бир хонақоҳ бино этмокчи бўлдилар ва бунинг учун 80 минг динор вақф этишни ният қилдилар. Бироқ истихора ва машварат айлаб айтдиларки, мен мутаваллийнинг вақф шартларига хилоф иш тутишидан қўрқаман. Қиёматда эса уни азобга тушишини хоҳламайман. Алҳисса, хонақоҳ қурилишининг барча сарф-харажатига тенг бўлган 80 минг динор қимматдаги ер ва мулкни фақирлар, ғариб ва толиби илмлар, уламога садақа сифатида бўлиб бер-дилар. Қаранг: Рисолайи Султоний. 48^а.

⁶⁷ Рисолайи Султонийда Журжоний (48^а). Абу Сулаймон Жузжоний, олим ва муҳаддис. XII асрнинг бошларида яшаб ижод қилган муаррих ва географ Абу Саид Халаф ибн Аййуб [Ибн] ал-Балхийнинг устози. «Абу Сулаймон Абу Бакр Аҳмад ибн Исҳоқ ибн Субайх ал-Жузжонийнинг шо-гирдидир. Абу Сулаймон Жузжонийнинг тўлиқ исми Мусо ибн Сулаймон ал-Жузжоний. Халифа Маъмун ар-Рашид унга Бағдод қозилигини таклиф қилганда у рад этган. Бу ҳақда «Мифтоҳ ус-саода» асарида маълумот бор. Қаранг: Абд ал-Қодир ибн Муҳаммад-Амин. Маджмаъ ал-ансоб ва-л-ашжор. 73 - бет (матн 146 - бет).

⁶⁸ Рисолайи Султонийда «имом Муҳаммад ибн ал-Ҳасан аш-Шайбоний (49^а) шаклида келтирилган. Абу Абдуллоҳ Му-

⁹⁹ Дарвоза-йи Ширгарон яқинида. Қаранг: Рисолайи Султоний. 61^а.

¹⁰⁰ Хуросонда Марв ва Нишопур оралиғидаги шаҳар.

¹⁰¹ Хожа Ринжорий мазорининг яқинида Хожа Лулок мунаввар қабрлари ва Эшон Ўзбакхожанинг қабрлари бор. Болалари ва набираларини Аллоҳ раҳмат этсин. Қаранг: Рисолайи Султоний. 62^а.

¹⁰² Шаҳарнинг қибла томонида, бир фарсах масофадаги Самтин қишлоғида, Чаҳор Бакр номи ила машҳур бўлган жойда. Қаранг: Рисолайи Султоний. 62^а.

¹⁰³ Қуръони карим, 24 : 35.

¹⁰⁴ Жўйбор номи билан машҳур жой ва Дарвоза-йи Қароқул томонида. Қаранг: Рисолайи Султоний. 62^а.

¹⁰⁵ Юнонча драхма сўздан. Оғирлик ўлчови. 3, 148 гр. кумуш тангаси. Ўрта Осиёда 3,36 гр. танга. Қаранг: Давидович Е. А. Материалы по метрологии средневековой Средней Азии. М., 1970. 81 – бет.

¹⁰⁶ Фитрифий — Хуросон амири Фитриф ибн Атоъ томонидан 185/801–02 йили зарб эттирилган танга.

¹⁰⁷ Дарвозайи Қароқул номи билан машҳур. Қаранг: Рисолайи Султоний. 63^а.

¹⁰⁸ Мавлоно Жалол ад-дин ал-машҳур ба Солорҳаж. Қаранг: Рисолайи Султоний. 66^а.

¹⁰⁹ Эй лафзи муборакат чун шакархон.

Эй нутқи туро шевайи гавҳарзон.

Дури гуҳарбор агар бар он рони,

Ба сари кў бигў вар ойи ойи.

Қаранг: Рисолайи Султоний. 69^а.

¹¹⁰ Хулағу лашкарининг Бухорони 671/1272–73 йилги талон-таражи назарда тутилмоқда.

¹¹¹ Фахр ад-диннинг ўғли. Қаранг: Рисолайи Султоний. 70^а.

¹¹² Солор ҳажж, яъни ҳожийлар қорвонбошийси. Ул киши 771/1369–70 йили [оламдан ўтган] Қаранг: Рисолайи Султоний. 70^а.

¹¹³ Жўйбор мазорларининг шимолида ва Хиёбоннинг қибласида замона улуғларининг мазорлари бор. Бу ерда шайх Ҳабибуллоҳ, уларнинг авлод ва аҳфоди, Амир Шоҳ Мурод, мавлоно Имло ва у киши авлодларининг мунаввар қабрлари, султон Амир Ҳайдар ҳамда мавлоно қабрининг шимолида эшон Худо(й)дод. Дарвоза-йи шайх Жалол

яқинида Мавлоно Руҳи, Регистон ҳовузининг шимолидаги масжиди Жомеъ бонийси (қурувчиси)нинг муриди мавлоно Жалол ад-диннинг мунаввар қабри, мазкур масжид меҳробининг ўнг томонида эса Мавлоно [Руҳи]нинг муборак қабрлари бор. Мавлоно Жалол 76 ёшда 955/1548-49 санада оламдан ўтган.

Мавлоно Мушфиқийнинг марқади ва турбати ҳам шу ердадир. Мушфиқий асли Марвдан. Марв вилоятини Искандар бино этган. Жуда файзосор ва пурнеъмат жойдир. У ерда саҳоба, тобеъин, султонлар ва машойихлар қабрлари бисёрдир, уларнинг барчасидан Аллоҳ рози бўлсин. Мавлоно Мушфиқий, Аллоҳ раҳмат қилсин, Самарқандда султон Саиднинг китобдори бўлган. Кейин Абдуллоҳхон мулозамати учун Бухорога келди. У девони форсий, бадиҳиёт, қасоид, «Гулистони Эрам», «Ҳусну дил» каби асарлар ва бошқа кўп таснифларнинг муаллифидир. Унинг шуҳрати шунчаки, бирор бир олим, амир ва замона фозили унинг ҳажви ўқидан четда қолмаган, унинг қофияси захридан ҳеч ким омон қолмаган. Илми ҳикмат, рамл, қуръадан яхшигина хабардор эди. Кимнинг муҳим ёки бирор бир мушкилоти бўлса Мушфиқий олдига келарди ва у дарҳол бадиҳатан унинг ечимини очиш учун бир байт ўқир ва толибларнинг иши ҳал бўлур эди. Мулло Жалол ва мавлоно Мушфиқийларнинг, Аллоҳ уларни раҳмат қилсин, қабрлари зиёратчилар дуоларини ижобатга етказадиган жойдир. Мушфиқий қабри устидаги тошда қуйидагилар ёзилган:

Ба хоки Мушфиқий он даме, ки дўстон гузаранд,
Расад ба хотири эшон, ки хокисор буд.

[Мушфиқий қабрини ул дамки, дўстлар курсалар,
Ёдларига уни хокисорлиги келур]

Мушфиқий 997/1588-89 йили вафот этган. Мушфиқий тарихлар ҳам битган. Сари пули Меҳтар тарихини ҳам мавлоно Мушфиқий айтган «Гузарғаҳи мо дар он жо манқуш-»деб. Бу «Тарихи Муқимхони»да зикр қилинган.

Дарвоза-йи Шайх Жалол яқинида мавлоно Хожа Исмат, Аллоҳ раҳмат қилсин ва бошқа буюкларнинг қабрлари мавжуддир. Жомеъ масжидининг шимолида Хожа Умар Ғозий, яъни олим, омил ва зоҳид Рифдамуний ва унинг фарзанди

имом Абу Жаъфар Муҳаммад ибн Амр аш-Шаъбийларнинг шогирдидир. «Шарҳ сийар ал-кабир», «Муҳит ас-Сарахсий», «Мабсут-и Сарахсий», «Зиёдат», «Салот» каби асарлар Сарахсий қаламига мансуб. Сарахсийнинг шогирдлари Абу Амр Усмон ибн Али ал-Пайкандий, Муҳаммад ибн Иброҳим ибн Ануш ал-Ҳасирий ал-Ҳанафийдир. Иккинчиси 500/1106-07 йилда вафот этган. Қаранг: Абд ал-Қодир ибн Муҳаммад-Амин. Маджмаъ ал-ансоб ва-л-ашжор. 62, 82 – бетлар (матн 132, 282 – бетлар).

¹⁴¹ Абу-л-Ҳанифаи Асғар – Кичик Абу-л-Ҳанифа, 427/1035-512/1118 йиллар ўртасида яшаган. Ҳазрат-и имом Абу-л-Фазл Бакр ибн Муҳаммад ибн Али аз-Заранжарий. Қаранг: Абд ал-Қодир ибн Муҳаммад-Амин. Маджмаъ ал-ансоб ва-л-ашжор. 68, 174 – бетлар (матн 132, 317 – бетлар).

¹⁴² Абу-л-Ҳасан Али ибн ал-Ҳусайн Муҳаммад ас-Сурдий ҳижрий 461/1068-69 йили вафот этган. «Шарҳ ала одоб ал-қози лил-Хассоф», «Шарҳ ала-с-сийар ал-кабир ли-Муҳаммад» асарларининг муаллифи. Қаранг: Абд ал-Қодир ибн Муҳаммад-Амин. Маджмаъ ал-ансоб ва-л-ашжор. 88 – бет (матн 174 – бет).

¹⁴³ У ҳазрат шайх ал-имом ал-олим ал-омил аз-зоҳид ал-мужоҳид Абу Бакр Абдуллоҳ ибн Муҳаммад ибн Али ибн Тархон ал-Балхий 333 ҳижрий сананинг сафар ойи/944 йилнинг сентябрь-октябрь ойи оламдан ўтган. Қаранг: Абд ал-Қодир ибн Муҳаммад-Амин. Маджмаъ ал-ансоб ва-л-ашжор. 71 – бет (матн 142 – бет).

¹⁴⁴ Бухоронинг Ригдамун қишлоғидан, 546/1151 йили вафот этган.

¹⁴⁵ Бухородан уч фарсах масофада жойлашган манзил.

¹⁴⁶ Қози имом Абу Иброҳим Исмоил ибн Муҳаммад Абдуллоҳ Мустамлий Бухорий, вафоти тўрт юз ўттиз тўртинчи йил (434/1042-43) бўлиб, машҳур «Ал-таъриф ли мазҳаби аҳл-и тасаввуф» муаллифидир.

¹⁴⁷ Заҳир ад-дин Абу Бакр Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Умар ал-Бухорий, вафоти 619/1222-23 йил.

¹⁴⁸ Ҳазрат имом Фаҳр ад-дин Ҳасан ибн Мансур ибн Абд ал-Азиз Қози хон ал-Узжандий ал-Фарғоний. Зоҳир ад-дин ал-Марғиноний ва унинг ўғли Абу-л-Маҳосин Ҳасан ибн Алининг шогирди. Имом Қози Хоннинг шогирдлари Жамол ад-дин Маҳмуд ал-Ҳасирий, унинг шогирди эса

қози ул-қузот Садр ад-дин Сулаймон ибн Аби-л-Издир. Қози Хон 592/1195-96 йили оламдан ўтган. «Фатово», «Жомеъ ас-сағир», «Жомеъ ал-кабир» асарларининг муаллифи. Қаранг: Абд ал-Қодир ибн Муҳаммад-Амин. Мажмаъ ал-ансоб ва-л-ашжор. 173-бет. (матн 315-бет).

¹⁴⁹ Садр ул-ислом Абу-л-Йуср ал-Баздавий. «Абу-л-Йуср» лақаби унинг нутқи фасих ва равон, фаҳмо бўлишидан берилган. Ҳижрий 439/1047-48 йили вафот этган. Мо-вароуннаҳр фақиҳларининг сардори Ал-Баздавий Фахр ул-исломнинг акаси.

¹⁵⁰ Дарвоза — Марвдан бир фарсах узоқликдаги жой.

¹⁵¹ Шористон/Шахристон — Пайканд шаҳрининг қадимги номи, Бухоронинг жануби-ғарбида Амударё тарафида жойлашган эди.

¹⁵² У Хожа Юсуф Ҳамадонийнинг биринчи халифаси бўлиб, 555/1160 йили вафот этган.

¹⁵³ Имомзода Шайх ул-ислом мавлоно Бурҳон ад-дин Алий ал-Марғинонийнинг устози бўлганига ишора. Ундан ташқари Алий ал-Испижобий, садр аш-шаҳид Ҳусам ад-дин Умар, Абу Амр Усмон ибн Алий ал-Бойкандий, Зиё ад-дин Муҳаммад ибн ал-Ҳусайн ал-Банданижий, Қивом ад-дин Аҳмад ибн Абд ар-Рашид ал-Бухорий, Жамол ад-дин ибн Имод ад-дин Абу Бакрлар Бурҳон ад-дин Алий ал-Марғинонийнинг устозлари бўлишган. Қаранг: Абд ал-Қодир ибн Муҳаммад-Амин. Маджмаъ ал-ансоб ва-л-ашжор. 81 - бет (матн 282 - бет).

¹⁵⁴ Шарақдун, Шарқадун — Бухоро яқинидаги манзил бўлган.

¹⁵⁵ Касаллар хонаси. Сомонийлар даврида барпо этилган шифохона номи.

¹⁵⁶ Бадр ад-дин Умар ибн Абд ул-Карим Вараский, 594/1197-98- вафот этган. У «Жомеъ ас-Сағир-и Шайбоний», «Кашф аз-зуннун», «Зайл-и жомеъ ас-сағир» га шарҳ ёзган.

¹⁵⁷ Имом Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Умар ибн Ҳусайн ибн Ҳасан ибн Али - Фахр Розий номи билан машҳур, 606/1209-10 йили оламдан ўтган. Ҳукамо ва шофеи уламо намояндаларидан бири, Ақлий ва нақлий билимларни ўзида жамлаган ва эгаллаган (универсал олим), кўплаб асарларнинг муаллифидир, жумладан, Тафсир-и кабир [асари] Миср ва Истамбулда бир неча бор нашр этилган.

¹⁵⁸ «Унинг вафоти 598/1201-02 йили юз берган. Олам пайдо бўлгандан то бу ғойибга қадар илм фалакида ундан шуълароқ қуёш бўлмаган ва баён майдонида ундан ўтадиган суворий бўлмаган...» Саид ад-дин Муҳаммад Авфийнинг «Райҳонат ул-адаб» асаридан.

¹⁵⁹ Абу Наср Муҳаммад ибн Абд ул-Жаббор ал-Утбий (350-413/961-1022) — султон Маҳмуд Ғазнавийнинг муаррихи, «Тарих-и Ёаминий» асарининг муаллифи.

¹⁶⁰ Утба ибн Ғазвон ас-Саҳобий ҳижрийнинг 15/636-37 йили халифа-и сони томонидан Аблаъ ноҳиясига маъмур этиб тайин этилган. Эрон ва Ҳинд подшоликлари орасида шаҳар барпо этган.

¹⁶¹ Даймун Бухородан икки ярим фарсахдаги масофада жойлашган манзилгоҳ.

¹⁶² Хожа Авлиёи Калон 627/1229-30 йили вафот қилган.

¹⁶³ Вафоти 711/1311-12 йили.

¹⁶⁴ Хожа Авлиёнинг учинчи халифаларидан. Хожа Закийдан кейин ва Хожа Ғарибдан олдин халифа бўлган. У киши халқ даъвати билан машғул бўлган (Аҳмад Гулчиннинг шарҳи).

¹⁶⁵ Ҳазрат қутб ал-авлиё аш-шайх-ал-имом ал-олим ал-ориф аз-зоҳид аш-шайх Абу Бакр Муҳаммад ибн Аби Исҳоқ Иброҳим ибн Ёаъқуб ал-Калободий ал-Бухорий ҳазрат Абул-Ҳасан ибн Жаҳдам ал-Ҳамадонийнинг шогирдидир. Қаранг: Абд ал-Қодир ибн Муҳаммад-Амин. Маджмаъ ал-ансоб ва-л-ашжор. 156 - бет (матн 128 - бет).

¹⁶⁶ «Побанда» номи шу ердан.

¹⁶⁷ Абу Муҳаммад Жаъфар ибн Муҳаммад ибн Наср ал-Хулдий, 348/959-60 вафот этган. «У Иброҳим Хаввоснинг шогирдидир». Қаранг: Абд ал-Қодир ибн Муҳаммад-Амин. Маджмаъ ал-ансоб ва-л-ашжор. 156-157 - бетлар (матн 128-129 - бетлар).

¹⁶⁸ Шайх Жунайд Абу-л-Қосим ибн Муҳаммад ал-Бародий, суфий. У 297/909-10 йили вафот этган.

¹⁶⁹ Рифдамун — Бухородан 4 фарсах масофада жойлашган қарйа.

¹⁷⁰ Масжиди Жомеънинг жануб тарафида озгина масофадан сунг Арслонхон Ғозий мазори жойлашган. Бироқ бу тўғри эмас. У Балҳда вафот этган. Жасадини Марвга келтирганлар ва у бино этган мадрасада дафн этганлар. У Марвда таваллуд топган ва Иброҳим Тамғоч Шамс ал-му-

лукнинг набирасидир. Султон Санжар эса Арслон Ғозининг куёвидир ва унинг қабри ҳам шу ерда. 565/1169-70 йили у вафот этган. Жомеъ масжидига мутассил бўлган минорани у 561/1165-66 йили бино этган.

Яна Дарвозайи Оҳангарон ва Мисгарон чорсуйига яқин жойда Зубайда ва Хожа Аҳмади Паррон, баландлик жойида эса шайх ал-олам ал-ориф, ал-мужоҳид ал-мушоҳид Хожа Нур ад-дин Хилватий, Аллоҳ раҳмат қилсин, турбатлари бор. [Охиргилари] шайх Нажм ад-дин Кубронинг хонаводаси ва халифаларидан бўлади. Мазкур жойнинг қибласида Мавлоно Нур ад-дин Саррофи шаҳид, Аллоҳ раҳмат қилсин, улар масжиди Жомеънинг имоми ва имом хатиби бўлганнинг турбати мавжуд. Доим Масжиди Жомеъда эътикоф утирардилар. Чингизхон Бухорони талон-тоғроқ қилган пайтида шайх зиёратига келади. Бироқ Нур ад-дин муборак юзини кутармасдан, золим Чингизхонга қарамаган. Чингизхон дарғазаб бўлиб шайхнинг муборак бошини кўтариб, юзига туфлаб, бошини танасидан жудо қилиб, шаҳодат даражасига кўтарган. Кўйи Хонақоҳ гузариди, «Лаб бар рўд» номи билан машҳур бўлган жойда шайхи олам, ориф ва ҳодии муслимин Мавлоно Бадр ад-дин Майдонийнинг, Аллоҳ раҳмат қилсин, қабри бор. У даврон ажоиб ва замон наводири бўлган. 718/1318-19 йили вафот этган. Шаҳарнинг қибла томонида Дарвоза-йи Қароқул олдида пули Сангресада шайхи солиқ, замон баракаси ҳазрати Бобо Муборак Чаҳортоқийнинг, Аллоҳ раҳмат қилсин, муборак турбати бор. У 814/1411-12 йили вафот этган экан. Қаранг: Рисолайи Султоний. 72^а-74^а.

МУНДАРИЖА

СЎЗБОШИ	
Бисмиллоҳи-р-раҳмони-р-раҳим! [Муқаддима]	
Қабристонни эркак ва аёллар томонидан зиёрат қилиш мумкинлиги ҳақида	
Қабрни зиёрат этиш одоби ҳақида	
Зиёрат одоби	
Фасл	
 БИРИНЧИ ҚИСМ	
Тали Хожа мазорларининг зикри	
Саффорий имомлари мазорлари	
Чашмаи Айюб алайҳи-с-салом мазорларининг зикри	
Салотини Сомонийа, Аллоҳ уларни раҳмат қилсин, зикри	
Ситожийа мақбараларининг зикри	
Ҳавзи Миқдом мазорлари зикри	
Сабзамун мазорларининг зикри	
Хожа Порадуз мақбараси зикри	
 ИККИНЧИ ҚИСМ	
[Фатҳободнинг руҳпарвар ва руҳангиз мазорлари зикри]	
Тали Судур (садрлар), Аллоҳ уларни раҳм қилсин, мақбараси зикри	
Оли Бурҳон — муаззам садрларининг зикри	
Уларнинг [Оли Бурҳон] насаб силсиласи зикри	
Тали Бугробек мақбаралари зикри	
Қузоти Сабъа мазорининг зикри	
Аймаи Уқайлий (Ақилий имомлари) мазори зикри	
Аймаи Шористоний қабрлари зикри	
Изоҳлар	

АБУ ТОҲИРХОЖА
САМАРҚАНДИЙ

САМАРИЯ

(САМАРҚАНД МОЗОРЛАРИ ЗИКРИ)

Тақдим этилаётган «Самария» асари Абу Тоҳирхожа Самарқандий қаламига мансуб бўлиб, унда Самарқанд ва унинг атрофидаги муқаддас қадамжолар тавсифи берилади. Мазкур асарнинг қиммати ва аҳамияти бутунги кунларда ҳам пасайгани йўқ. Ватанимиз тарихи билан қизиққанлар унга қайта-қайта мурожаат қилишлари бунинг исботидир.

Асар кенг китобхонлар оммаси учун мулжалланган.

Форсчадан
Абд ул-Мўмин САТТОРИЙ
таржимаси (1921).

Масъул муҳаррир:
академик Садриддин АЙНИЙ (1926, март)
ва академик Бўрибой Аҳмедов (1969, 1991).

Нашрга тайёрловчилар:
Б.АҲМЕДОВ,
А.ЖУВОНМАРДИЕВ
(1969, июль).

Изоҳлар муаллифлари:
А.САТТОРИЙ, С.АЙНИЙ (1926),
Б.АҲМЕДОВ (1991).

(Қайта ишланган ва тўлдирилган нашрига масъул
Ш.ВОҲИДОВ, Б.АМИНОВ).

АБУ ТОҲИРХОЖА ВА УНИНГ «САМАРИЯ» АСАРИ ҲАҚИДА

Самарқанд ва унинг кўҳна тарихи ҳақида айрим, алоҳида асарлар ёзилганлиги маълум. Лекин улар бизгача тула етиб келмаган, баъзиларининг эса номларигина сақланган, холос. Булардан бири Абу-л-Аббос Жаъфар ибн Муҳаммад ал-Мустарфарий ал-Муставфийнинг (402/1011-12 йили вафот этган) «Таворихи Самарқанд» («Самарқанд тарихи») асаридир. Ушбу асар Самарқанднинг ибтидоий замонлардан то X асргача бўлган тарихи, унинг осори атиқалари, шунингдек Насаф (Қарши) ва Кеш (Шаҳрисабз) вилоятларининг тарихини ўз ичига олган.¹ Самарқанд тарихига бағишланган, аммо бизгача факат номигина етиб келган асарлардан яна бирини Абу Саъид Абдурахмон ибн Муҳаммад ал-Идрисий (405/1015 й. вафот этган) ёзган. У «Китоб ал-камол ли-маърифат ар-рижол» («[Номдор] кишиларни танитувчан муфасссал китоб»)² номли асардир. Самарқандлик олим Нажмуддин Абу Ҳафс Умар ибн Муҳаммад ан-Насафий ас-Самарқандий (537/1143 йили вафот этган) юқоридаги асарнинг давомини ёзиб, уни «Китоб ал-қанд фи тарихи Самарқанд» («Самарқанд тарихига оид қанд китоб») деб атади. Ан-Насафийнинг бу асари ҳам сақланмаган. Лекин унинг қисқартириб ёзилган нусхаси бизгача етиб келган. Булардан бири «Қандияйи хурд» («Кичик Қандия»)³

¹ Котиби Чалабий. Китоб-и кашф аз-зунун ан-асоми ал-кутуб ва-л-фунун. Истамбул (1310) 1892, 226 - бет. Бундан буён — «Кашф аз-зунун».

² Асарнинг яна бир номи «Китоб ал-қанд фи маърифати уламои Самарқанд» (Самарқанд уламоларининг маърифати қанд китоб») бўлиб, у араб тилида ёзилган. Қаранг: Собрания Восточных Рукописей АН УзССР, т. VIII, Ташкент, 1967. 64 - бет. Бундан буён — СВР.

³ Асарнинг бошқа номи «Мунтахаб ал-Қандия» деб аталади (Кашф аз-зунун, 226-саҳифа).

номи билан машхур бўлиб, ан-Насафийнинг шогирди Абул-фазл Муҳаммад ибн Абд ул-жалил ибн Абд ул-малик ибн Ҳайдар ас-Самарқандийнинг (XII аср) қаламига мансубдир. Иккинчи нусха эса жуда ҳам қисқа бўлиб, «Қандар таърифи Самарқанд» («Самарқандни таърифловчи қанд (китоб)») деб аталади. Асар муаллифи маълум эмас.⁴ Ҳар икки асар нусхалари жаҳоннинг кўпгина қўлёзмалар жамғармасида, шунингдек, Санкт-Петербург ва Тошкентда, Ўзбекистон Фанлар Академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик илмгоҳида сақланмоқда.⁵

Шундай қилиб, бу асарлар биринчидан, Самарқанднинг кўпи билан XII асргача бўлган тарихини ўз ичига олган. Иккинчидан эса, тўла тарзда бизгача етиб келмаган. Қўҳна шаҳар эса ўз тарихини бундан кейин ҳам давом эттирди ва Чингизхон ҳуружи (1220-22) натижасида юз берган харо-баликларни мустасно қилганда, тараққий қилди, юксалди, Самарқанд, айниқса Амир Темур (1370-1405) ва Мирзо Улуғбек (1409-1449) замонида беқиёс ривожланди, гуллаб-яшнади. Аштархонийлар ҳукмронлигининг сўнгги йилларида, айниқса XVIII асрнинг 30 — 40 - йилларида, ўзаро курашлар авжга миниши ва Эрон ҳукмдори Нодиршоҳнинг (1736-1747) ҳуружи оқибатида яна вайрон бўлиб, тушкунликка юз тутди. Кўриб турибсизки, фақат араблар истилосидан (VIII аср бошларида) кейин шаҳар бир неча бор бузилиб, яна ўз қаддини ростлади. Бу орада, шубҳасиз, шаҳар қиёфаси бир неча бор ўзгарди ва бу хусусдаги маълумотлар, айниқса, шаҳарнинг XIX аср иккинчи ярмидаги қиёфаси қандай эканлигини фақат Абу Тоҳирхожанинг «Самария» асари туфайлигина билиш мумкин.

«Самария» ва унинг муаллифи ҳақида сўз бошлашдан аввал шуни ҳам айтиш керакки, бу асар кўпдан бери кенг илмий жамоатчилик диққатини ўзига тортиб келмоқда. Асар ўтган асрнинг сўнгги чорагида машхур шарқшунос олим

⁴ СБР, т. VIII. 64 - бет.

⁵ Миклухо-Маклай Н.Д. Описание таджикских и персидских рукописей Института востоковедения, I. 15 - бет; СБР, т. I. Ташкент, 1952. 302 - бет.

В.Л.Вяткин томонидан биринчи марта рус тилига таржима қилиниб, 1898 йилда Самарқандда чоп қилинди.⁶ Орадан кўп ўтмай (1904) Санкт-Петербургда «Самария»нинг форс-тожикча танқидий матни ҳам босилиб чиқди. Бу мушкул, лекин фойдали иш атоқли рус шарқшунос олими Н.И.Веселовский томонидан асарнинг кўҳна қўлёзма нусхалари асосида бажарилди.⁷ Н.И.Веселовский «Самария»нинг мазкур нашрига Туркистон генерал-губернатори К.П.Кауфманнинг амри билан 1878 йилнинг август ойида портлатиб юборилган Нур ид-дин Басир (Қутби чаҳордахўм номи билан машҳур) мазорининг фотонусхаси ва лойиҳасини ҳамда мазорга вақф қилинган ер-сув ва мулк ҳақидаги ваҳфно-мани ҳам илова қилди.

Асар муаллифи ҳақида жуда кам маълумотга эгамиз. Ўзи келтирган маълумотларга кўра, у Самарқанд қозиси Абу Саъид ибн Абд ул-Ҳайнинг ўғлидир. Абу Тоҳирхожанинг отаси ҳам, бобоси мавлоно Мир Абд ул-Ҳай ҳам ўқимишли ва замонасининг фозил кишилари бўлган. Мавлоно Мир Абд ул-Ҳай (1169/1755-1243/1827) Самарқандда 40 йил қозийи калонлик мансабида турган ва шу билан бир қаторда бирталай илмий асарлар ёзган. «Ҳавоши Шофийи бар шарҳи Байзовий», «Саҳиҳи Бухорий»нинг форсийча шарҳи», «Забури Довуднинг форсийча таржимаси», «Ахлоқи Баҳодирхоний», «Ҳидоя шарҳи»нинг шарҳи шулар жумласидандир. Муаллифнинг отаси мавлоно Абу Саъидхожа (қ. 1265 й. шаввол ойининг 16-сида/1849 й., 23-августда вафот этган) ҳам ўқимишли ва кенг маълумотли киши бўлиб, илмнинг «Фикҳ» (мусулмон қонунчилиги) ва калом (диний ақоидларни исботловчи илм) соҳаларида асарлар битган. Абу Тоҳирхожа эса XIX асрнинг 40-йилларида муфтийлик лавозимида бўлиб, кейинча Карманада раислик мансабида

⁶ Самария. Описание древностей и мусульманских святынь Самарканда Абу Тахир-Ходжи, перев. В.Л.Вяткина. / Справочная книга Самаркандской области (СКСО), VI, Самарканд, 1898. 153-259 - бетлар.

⁷ Самария. Сочинение Абу-Тахир-Ходжи, персидско-таджикский текст, приготовленный к печати Н.И.Веселовским. С предисловием и приложением рисунков. Санкт - Петербург, 1904.

лоҳазалар билан бўлса керак, муҳаррир асарнинг айрим жойларини тушириб юборган. Булар қуйидагилар:

1. Муқаддимадан хутба ва асар муаллифи ўзи хусусида айтган ўн сатр (таржима қўлёзмаси, 1-саҳифа).

2. Кўҳак (Зарафшон) дарёсининг «Ҳаром ком» аталиши (19-саҳифа).

3. Амир Темури қурдирган Боғи зоғон ва Боғи жаҳоннамо ҳақидаги маълумотлар (23-саҳифа).

4. «Еттинчи боб: «Шаҳар тевараги. Сифат ва хосиятлари билан машҳур ғорлар ва чуқурликлар баёнида» (33-34-саҳифа).

5. Амир Темури жомеъи (Бибиҳоним) таърифида айтилган жойлар (40-саҳифа).

6. Ана шу жомеъининг пештоқиға усталар томонидан ишлатилган санъатлар (42-саҳифа).

7. Мирзо Улуғбек мадрасасининг тавсифида айтилган гаплар (43-саҳифа).

8. Мирзо Улуғбекнинг ёши ва вафоти ҳақидаги маълумотлар (49-саҳифа).

9. Шердор мадрасаси пештоқиға шер ва офтоб суратининг солиниши рамзий бир ишорат эканлиги ҳақидаги сатрлар (54-саҳифа).

10. Қусам ибн Аббос мазори ҳақидаги айрим гаплар (70-саҳифа).

11. Шайх Абу Мансур Мотуридий ҳаётига оид ҳикоят (90 — 91-саҳифалар).

12. Мавлоно Зоҳид Афкорий Самарқандий ҳаётига оид сатрлар (108-саҳифа).

13. Самарқанд атрофида бўлган мазорлар хусусида айтилган гаплар (109-саҳифа).

14. Хожи Дониёл мазори ҳақидаги айрим сузлар (112-саҳифа).

15. Хожа Абди Даруннинг авлоди ҳақидаги маълумотлар (132-саҳифа).

16. Саййид Умар Мавлоно Хожа ҳақидаги гаплар (133-саҳифа).

17. Маҳдуми Аъзам Косоний ҳақидаги айрим маълумотлар (142-саҳифа).

Бундан ташқари, таржимада айрим ноаниқликлар ҳам бор. Масалан, Бибиҳоним жомеъ масжидининг тавсифи

кисмида Амир Темур Ҳиндистондан 91 филга турли-туман бойлик ортиб келганлиги айтилади. Н.И.Веселовский чоп эттирган матнда ҳам шу рақам келтирилган. Аслида эса мато ортиб келтирилган филлар сони 191 тадир.⁹ Таржи-мада Қусам ибн Аббосни «Бану Ножиya қабристониди, фор ёнида қумдилар» дейилган, Биз фойдаланган 412 рақамли қўлёзма нусхада эса (в. 115 б.) «Фозийлар ёнига дафн этди-лар» деб ёзилган. Таржимон ҳам, муҳаррир ҳам Н.И.Веселовский чоп эттирган матндан фойдаланганлар. Лекин унда йўл қўйилган камчиликлар эътиборга олинмаган. Таржи-мани Н.И.Веселовский матни ва «Самария»нинг қўлёзма нусхалари билан муқояса қилинганда, Н.И.Веселовский туз-ган матн ҳам муфассал эмаслиги аниқланди. Масалан, қуй-идаги маълумотлар унга кирмай қолган:

1. Шердор мадрасасининг равоқига шер ва офтоб сура-тининг солиниш сабаблари ҳақидаги гаплар (19-саҳифа).

2. Бурҳонуддин Маргиноний ва у дафн этилган ўрин ҳақидаги маълумот (36-саҳифа).

3. Хожа Аҳрор ҳаётига оид айрим сўзлар (38-саҳифа).

4. Хожа Дониёл ва Хожа Рашидий ҳақидаги баъзи бир қимматли маълумотлар (40-саҳифа).

5. Хожа Муҳаммад Башорога оид бир-икки жумла (52-саҳифа).

6. Абу Тоҳирхожанинг ўзи ҳақидаги маълумот (53-саҳи-фа).

7. Пирим шайх Азизон вафоти туғрисидаги таърихлар (52-саҳифа) ва бошқалар. Ундан ташқари, Амир Темур Ҳин-дистондан мато ортиб келтирган филлар сони 91 (14-саҳи-фа) ва Қусам ибн Аббос дафн этилган ўрин «Фор ёнида» деб ёзилган (22-саҳифа).

Биз Сатторий таржимасини қайта нашрга тайёрлашда бу камчиликларни асарнинг мавжуд, тўлароқ қўлёзмалари (масалан, 412-рақамлик қўлёзма) ва Н.И.Веселовский на-шри асосида бартараф этишга ҳаракат қилдик. Таржимон ёки муҳаррир тушириб қолдирган жойлар қайтадан ўти-

⁹ Абу Тоҳирхожа. Самария. // Ўз ФА ШИ қўлёзмаси. №412. в.108^а.

«САМАРИЯ»НИНГ АҲАМИЯТИ

Ўрта Осиёнинг бир вақтлар кўбчилик мусулмон Осиё-сининг маданияти ва саёсат маркази бўлуб ўтган ва чиндан «Самарқанди фирдавсмонанд» сифатиға арзийтурғон бир йўсинда безанган Самарқанд кейинги замонларда бузулуб қуруқ бир чўлга айланган эди³. Монғит амирларининг биринчиси бўлгон Раҳимхон Самарқанд музофотини қўлга киргузамен деб келганда (х.1166/1752) йил бошларида) Самарқанд шаҳрида жон эгаси йўқ эди, ҳатто Работи Хожабандий тўғони⁴ бузулгон ва Самарқанд сувдан маҳрум қолгон эди. Раҳимхон ушбу сафарида (х.1166 й. жумод ас-соний ойинда) Работи Хожабандийни тузатиб Самарқандға сув оқизгон бўлса ҳам одам йўқлиғидан обод бўлмади⁵.

Самақанднинг ҳозирдаги ободонлиғи х.1195/1780 йили, яъни Шомуродбийнинг⁶ беқлигидан бошлонгон бўлуб, 1215/1809 йилда, яъни Шомурод ҳукуматининг охирги йилида бир шаҳар йусуниға киргузилди. Ушбу йилда Шомурод Самарқанд шаҳрида 24 гузар (маҳалла) бино қилиб Ўратепа, Ҳовас, Зомин ва бошқа ёқлардан кўчурулуб кетирилган (Оқ уйли⁷ этилган) кишиларни шу гузарларда ўрнашдурди. Самарқанд Чорсусидаги тоқ, Пойқавоқ, Шоҳизинда, Қаландархона ва Сўзангарон дарвозалари ушбу тарихда иморат қилиндилар. (Кейинги воқиа Хамулий тарихидан олинди)⁸.

«Самария» эгаси Абу Тоҳирхожа мана шундай хароба-лиқ натижасинда бузулуб йўқолаёзган эски асарларни ва қабр тошларини текшириб ва суриштириб ушбу китобни ёзгон. Агар бу одам шунча ғайрат қилмагон бўлса эди, яна кўб эски асарлардан бизга маълумот етишмас эди. Демак, Абу Тоҳирхожа биз учун жуда қимматли бир ёдгор қолдиргон экан. Мана шундай бир китоб, албатта, муҳим бўлса керак.

САДРИДДИН АЙНИЙ

29 март, 1926 йил, Самарқанд.

МУҚАДДИМА

ШАФҚАТЛИ ВА МАРҲАМАТЛИ ТАНГРИ НОМИ БИЛАН!

Дунё Эгаси Тангрига ҳамд ва ҳар бир нарсани оқибат парҳезкор ва тақводорлар унинг (тангрининг) яхши халқи Муҳаммад ва унинг авлод ҳамда асҳобларига салот ва саломлар бўлсин. Сўнг фазилатли ва етукликни касб этган эзгуликлар мажмаи ва яхшиликларнинг манбаи, яъни ақлий ва нақлий илмлар мушкиллари ҳал этувчи ва ҳанифий мазҳабига зиё бағишловчи чироғи мўъжаз, ва мухтасар бўлганлар тафсилотни атрофлича англаувчи, кам аҳамиятли ишларни хуттом берувчи, қасида ва ғазаллар жавоҳиротининг саррофи, назм ва иншода ягона, Пайғамбар авлодининг хулосаси ва таъриф –тавсифини баён қилишга ҳожати йўқ [мулло] Мир Абу Тоҳирхожа Самарқандийнинг таълифотидандир.

Ушбу китоб Самарқанд шаҳрининг бино қилиниши бу от [Самарқанд] деб аталишининг сабаби, ҳавосининг хосияти, ерининг тузилиши, тоғлари, ғорлари, булоқлари, масжид ва мадрасалари, қабр ва мазорлари аломатларини белгилаш баёнидадир. Бу китобга «Самария» от қўйилди, тангрининг ёрдами билан ва унга таваккул қилиб, эй азиз.

Самарқанд бешинчи иқлимдан, эски бир шаҳардир, дунёнинг обод бўлагининг бир чеккасида жойлашган. Турли тоифадан бўлган эл ва улус унинг атроф-теварагида жойлашган. Шунинг учун ушбу шаҳар бузғунчилик ва хароба-ликларнинг ўрни бўлган.

Бу Фирдавсмонанд Самарқанд вилоятининг мазорларини билдирмак учун «Қандия»¹ китобининг муаллифи томонидан мазкур китобда зикр қилинган аломат ва нишонлар кейинги вақтларда йўқолган, сағана тошларидаги лавҳалар ҳам нобуд бўлган.

Камина бузруклар мухлиси мулло Абу Тоҳирхожа Самарқандий — тангри каломининг нуқтасанжи ва ирфон дарёсининг ғаввоси, саёдат сарлавҳасининг дебочаси ва соодатли номи билан аталган Самарқанд вилоятининг қози калони мулло Мир Абусаъидхожанинги ўғли, у хожанинги

нишоналарини бир талай суриштиришлардан сунгра, мазор ва қабр аломатларини белгилаб, уларнинг бўсоғалари тупрогини кўзимга суртиб, у ернинг аломат ва нишоналарини бу китобда баён қилмоқчи бўлдим. Уларнинг таржимайи ҳоллари ва даражаларини билганимча мазор ва қабрларни кўрсатган чоғда ёзарман, шоядким уларнинг мазорларини зиёрат қилувчилар ўзининг оқибатли иши тўғрисида ҳайратда қолган менинг ҳақимга дуои хайр қилғайлар.

Ушбу китоб 11 бобни [ўз] ичига олғандир

1-боб: бу шаҳарнинг Самарқанд аталиши тўғрисида.

2-боб: бу шаҳарнинг иморатини бошлаб ким ясагани ҳақида.

3-боб: тўрт фаслда бу шаҳар ҳавосининг хосиятлари хусусида.

4-боб: ерининг туриши ва теварагининг кўриниши [жугрофий ҳоли] тўғрисида.

5-боб: бу шаҳарнинг теварагидаги тоғлар баёнида.

6-боб: бу шаҳарнинг теварагидаги ариқлар ва булоқлар баёнида.

7-боб: бу шаҳарнинг теварагидаги ёрлар ва чуқурликлар тўғрисида.

8-боб: масжид ва мадрасалари ҳақида.

9-боб: шаҳар ва унинг теварақларидаги қабр ва мазорларнинг аломат ва нишоналари тўғрисида.

10-боб: қабр аҳлларининг зиёрат йўллари.

11-боб: қабристон элидан олинадиган ибрат ва дустларга угут.

Хотима: ушбу вилоят элига одоб ўргатиш ва ушбу китобга муносиб баъзи маълумот. Тангри муваффақ ва ёрдам этувчидир.

1-БОБ. БУ ШАҲАРНИНГ САМАРҚАНД АТАЛИШИ ТУҒРИСИДА

Самарқанд шаҳрининг «Самарқанд» аталиши туғрисида бир неча сабаб айтганлар:

Биринчи [сабаб]: «Бурҳони қотеъ» китобида² нақл қилинганким, Самар исмлиқ бир киши бу ерда жойлашган ва ўз теварагига халқни тўплаган эди. Шунинг учун бу ер бошда «Самаркент» аталди. Араб қўшини бу ерни олгач, ўз тилларига ўзгартириб «Самарқанд» дедилар.

Иккинчи [сабаб]: «Масолиқ ул-мамолиқ» номли китобда нақл қилингандурким, Самар боқир исмлиқ бир хон Фарона ва Кошғар томонларидан келиб, бу вилоят халқига душманлиқ юзасидан шаҳарнинг деворларини қазиб бузган эди. Шунинг учун бу шаҳар «Самар қазди» маъносида бўлган. Форсча «Самарқанд» оталди. Араб қўшини бу шаҳарни олгандан кейин «Самарқанд» отадилар³.

Учинчи [сабаб]: «Тарихи Табарий» китобида келтирилгандирким, Самар отлиқ бир хон ушбу шаҳарни солдирди [бино қилдирди], энг аввал «қанд» деган турк аймағи бунда ўрнашиб ўлтирди. Шунинг учун бу шаҳар бошлаб «Самарқанд» оталди. Араб қўшини бу шаҳарни олгандан кейин «Самарқанд» дедилар⁴.

Тўртинчи [сабаб]: ушбу шаҳарнинг бир ерида «Самар» деган биров томонидан қазилган бир булоқ бор эди. Улус ушал булоқ теварагига йиғилиб ўрнашган эдилар. Шу сабабдан у ўриннинг оти «Самарқанд» деб шуҳрат чиқарди. Араблар келгач, «Самарқанд» дедилар.

«Ҳафт иқлим» китобида айтилганки, Яман Туббаъи маликларидан Самар исмлиқ бир киши ушбу шаҳарнинг деворини бузди. Араблар келгандан кейин «Самарқанд» дедилар⁵ ва яна Тангрн Таоло яхши билади.

2-БОБ. БУ ШАҲАРНИНГ ҚЎРҒОНИ БОШЛАБ КИМНИНГ ТОМОНИДАН СОЛИНГАНИ ТЎҒРИСИДА

«Осор ул-билод» китобида⁴ нақл қилингандирким, Самарқанд қўрғонини бошлаб Кайқубод ўғли Кайковус солдирди. Бу шаҳарнинг биринчи иморати Кайковусдандир. Айтадирларким, Қиршосиб шу ердан ўтаётганда бир талай олтин топди. Шу олтинлардан ушбу қўрғоннинг иморатига харж қилди ва иккинчи марта Туркистон билан Мовароуннаҳр орасида девор тортди. ([Лекин]) тўғри ривоят шулким, у деворни Луҳросиб ўғли Қушгосиб тортган.

Самарқанд қўрғонининг иккинчи иморати, биринчи малики Туббаъдандир. Малик Туббаъ Яман ва Арабистон подшоларидан бўлиб, ушбу шаҳарни олган эди.

Учинчи иморати малик Искандардандир⁵. Малик Искандар Самарқанд қўрғонининг теварагида айри бир девор қурди; у деворни ҳозирда «Девори қиёмат» дейдилар⁶. Малик Искандар бу деворни шунинг учун солдирдиким, фитна ва уруш чоғларида теварагидаги эл ичкарига йиғилишиб, шаҳар халқи билан биргалашиб, юртни қўриқлашиб, ўз тинчликларини сақлай олсинлар. Баъзи замонларда Искандар девори ичра эл томонидан боғ ва ҳовлилар солиниб обод қилингандир.

Тўртинчи иморат, Амир Темур Қўрагон томонидандир⁶. Нақл қиладирларким, Фаридун ўз мамлакатини уч ўғлига бўлиб берганда, Ҳиндистонни Салмга, Туронни Турга, Эронни Эражга топшириб, Тур билан Эраж юртларининг орасида ҳозир Аму дарёси аталган, Жайхун дарёсини чегара деб тайинлади. Тур учун пойтахт бўлғудай бир қалъа солиб бермоқчи бўлиб, муносиб ўрин излаб юрганида Самарқанд шаҳри бўлган ерда девор изи ва қўргон асари кўзига қўриниб, унинг устига янгидан девор қурдирди. Турк Афросиёб Эраж ўғли Минучеҳрни енгиб, Турон юртини ўз қўлига киргизганда ўша Турнинг пойтахти бўлган ўринни иморат қилиб, унда ўринлашди.

Самарқанд қўрғони Ҳорис ўғли Самар томонидан иморат қилингандир деб ҳам баъзи тарих китобларида ёзилгандир.

3-БОБ. ТҮРТ ФАСЛАДА БУ ШАҲАРНИНГ ҲАВОСИ

Бу шаҳарнинг ҳавоси яхши ва ўртачадир. Сира оғирлик ва касалликка сабаб бўлмас, баҳор фаслида бу шаҳар гўзалликда учмоқнинг бир намунаси бўлур. Шунинг учун «Самарқанди фирдавсмонанд», яъни жаннатга ўхшаш Самарқанд дейдилар. Ҳар даштининг юзидаи жаннат кўринадир ва ҳар дала парчасидан Эрам боғи билинадир. Ҳар тоғнинг этагида минг турлик гуллар тўфони қайнамоқда ва ҳар саҳронинг бурчагида кўкарган юз тур сабза ва райҳонлар ўз қўйинларидан беҳишт боғларини кўрсатмоқда. Ёз фаслида бу шаҳарнинг ҳавоси иссиқ, совуқликда ўртачадир. Ҳар томондан кўп гул очатирган еллар ва фараҳ ортиратирган ҳаволар эсиб руҳга роҳат бағишлайди ва жонни тоза қиладди. Куз фаслида бу шаҳарнинг ҳавоси бир оз совуқроқ бўлади. Шарқ томонидаги тоғдан неча кунда бир қаттиқ ел эсадир. Бу шаҳарнинг қиш фасли кўпинча совуқ бўлар, баъзи йилларда қор уч қаричгача ёғади. Бу ерга келган мусофир қувонадир.

Лекин шаҳарнинг халқи қаттиқ хулқли, гала-ғулочи ва лофчидир. Теварагидаги турклар ботир, ўктам ва урушқокдирлар.

Бу шаҳарда мевалардан: қовун, тарвуз, олма, ўрик, шафтолу, бухоро олуси, олиболу, гурдаолу, анжир, гилос, муруд, ношпоти, нок, дилафрўз, беҳи, ёнғоқ, бир неча турлик узум, дўлона ва бошқа турлик мевалар кўп ва ҳар хил сифат билан етишадирлар.

Хуш ислик яшилликлардан: болингу (бодрингнинг бир тури), занжабил, қизил қаланфур (қаланфул), кашнич, шибит, райҳон (нозбўй), бодиён, рум бодиёни, зира, пардаи арўсак (падарарўсак) ва бошқалар ўсадир. Ҳовлилар ва боғларда экилиб етиштириладиган хуш исли гуллардан: қизил гул, (вард ҳам дерлар), гули настарин (гули настаран), гули насрин, арғувон, лолаи нўъмон, кўк, қизил ва оқ бинафша, қизил, оқ, нофармон ва кўк гули Кошғарий, сариқ ва оқ нофармон ва кўк гули Довудий, қизил ва оқ гули чиний, оқ, қизил ва нофармон гули шаббўй¹⁰, қизил, оқ ва сариқ гули нозирий, ҳарам, савсан, гули раъно, гули зебо, як-барг ва садбарг, оқ ва қизил гули раъно, гули ҳинойи, оқ, қизил ва

қора гули хайрий, оқ ва қизил гули тугма, гули бўстон афрӯз, гули ҳамиша баҳор, ошиқи печон [чирмовуқ севғучи], ошиқ мискиний, гули арвугон, зулфи хубон, гули нофармон, гули жаъфарий ва ўзга яхши кўриқлик ва кўнгул очар гуллар етишиб очиладир.

Дорилардан: косний (косаи най), шотара, баранжосиф, гавзабон (хўкиз тили), атри ҳилол, исфонох¹¹, игир, шайтарж (шийтарж), совринжо, бодинжон (бойимжон), оқир қаро, пудина (ялпис ва ҳулбўй), жувоний, хорхасак (хори ғелак, хори ғелон, хори мағелон), кабар (кавар)¹², испанд (ҳазориспанд — тутатқи, исириқ), қипичи, мухласа (мухалиса), суринжон, муасфар (кочира), баклат, улҳамқо¹³, ит узуми, унноб (чилон) бу шаҳарнинг еридан ва теварагидан етишади.

Ғалла ва дуккаклилардан: буғдой, арпа, жугори (жувори), тариқ, қуноқ, шоли (гурунчдона)], зиғир, кунжит, мош, нахўд, лўбиё (лўбло), индав, бурчоқ ва бангдона ўсади. Аммо пахтани бу вилоятда оз экадилар.

Ош ва таомни ислоҳ қилувчилардан: сабзи (кашир), пиёз, шалғам, карам, турп ва лаблабу бу шаҳарда яхши етишади. Кўкнор, тамаки, канобдона ҳам ўсади.

4-БОБ. ЕРИНИНГ ТУРИШИ ВА ТЕВАРАГИНИНГ КЎРИНИШИ

(жуғрофий ҳоли) тўғрисида

Самарқанд даласининг шарқ, шимол ва жануб томонлари юксак тоғлар билан қуршолган бўлиб, ғарб томони очиқ майдондадир. Зарафшонким уни Кўҳак ва Ҳаромком¹⁴ дарёси дейдилар; кунчиқар томонидан кунботар сари бу вилоят даласининг ўртасидан оқиб ўтади ва бу вилоят ерини иккига бўлади. Дарёнинг жануб томонидаги ярим бўлак бошдан оёқ тепалик ва даштлик бўлиб, жануб тоғига бориб тақалади. Шимолдаги ярим бўлак пастлик ва сувлоқдир.

Самарқанд шаҳрининг қўрғони дарёнинг жануб томонидадир. Самарқанд шаҳрининг ташқарисидаги ерлар ўрни эътибори билан иккига бўлинади: кунботар томонидаги ярим бўлагини Анҳор тумани ва кунчиқар томонидагисини Шовдор тумани¹⁵ дейдилар.

Дарёнинг шимол томонидаги ерлар ҳам икки бўлақдир: Биринчиси сувлоқ, иккинчиси даштлик. Сувлоқ бўлаги бошдан оёқ Кўҳак дарёсига туташ бўлиб, у ҳам иккига бўлинади: кунчиқардаги бўлакини Суғуди калон тумани ва кунботардаги ярмисини Офаринкент тумани деб атайдилар¹⁶. Даштлик ва сувсиз бўлаги Кобут тумани деб аталади ва бу даштлик булак бошдан оёқ шимол тоғига ёндошдир.

Самарқандда Амир Темур кўрагон солдирган боғларким, Эрам гулистони рашк қилар даражада, еттита экан:

Биринчиси Боғи шимол — Самарқанднинг шимолида, Дсвори қиёмат ичида¹⁷, иккинчиси Боғи баланд. Бу ҳам шимол томонда. Учинчиси Боғи биҳишт¹⁸, тўртинчиси Боғи чинор. Бу икки боғ шаҳарнинг кунчиқар томонида. Бешинчиси Боғи дилкушо¹⁹ бўлиб, Кониғилнинг жануб томонида. Кониғил Кўҳак дарёсининг ёқасида, Самарқанднинг энг гузал ва чиройлик еридир²⁰. Олтинчи: Боғи зоғон. Шовдор туманининг шимол тарафида воқеъдир. Еттинчи: Боғи жаҳоннумо. Анҳор туманида бўлиб, тоғ этагига яқин ерда, Самарқанднинг жанубида бино қилингандир.

5-БОБ. БУ ШАҲАРНИНГ ТЕВАРАГИДАГИ ТОҒЛАР БАЁНИДА

Жануб томонидаги тоғлар жуда обод бўлиб, унда дарахтлар кўп ўсади. Мевалардан: олма, писта, олу, дўлана, узум ва ёнғоқ у тоғда кўпдир. Ўсимликлардан: лола, ривоч, гарафш, ябруж (пиёзи ансул/ансур), гўрдиё ва эгир бу тоғда топилади. Ҳайвонлардан: дўнғуз, айиқ, бўри, тулки, товушқон, жайра ва шоғол бор. Ов қушларидан: кабки дарий (каклик), булдуруқ — қорабағир, (кабки ҳилол) ушбу тоғда кўпдир. Бунда маъдан ва кон нарсаларининг борлиғи белгили эмас. Лекин ушбу тоғнинг кунботарида олтин ва қумуш билан шуваганга ўхшаш ярқирайдиган бир турли тош бор. Ундан ҳеч нима ажратиб олиб бўлмас. Уни чақмоқ тошнинг жинсидан дейдилар. Бу тоғнинг ажойибидан бир булоқ бордирким, суви қиш вақтида жуда қайноқ бўлиб, саратон ойида бошдан оёқ музлайди.

Кунчиқар томондаги тоғ ҳам ободдир. Жанубий тоғ билан шарқий тоғ ораларидан Зарафшон дарёси оқиб чиқади.

га қуюлади. Аббос ўғли Қусам³² бу булоқнинг ёқасида шаҳид бўлиб, унинг яқинига қумилгани сабабли «Машҳад» (шаҳид бўлган ер деб) оталган, Қатурон (Қатвон)³³ даштининг шаҳидлари ҳам шаҳарнинг ташқарисида, кунчиқар томонда, шу ариқнинг ёқасида қумилгандирлар. Уларнинг сони 70 минг бўлиб, Султон Санжар Мозий³⁴ билан Қарохитойлар³⁵ ораларида бўлган урушда шаҳид бўлиб эдилар. Эронлар купинча бу булоқ ёқасида ҳазрати Хизрга йўлиқиб³⁶, муродларига етганлар.

7-БОБ. БУ ШАҲАР ТЕВАРАГИДАГИ ҒОРЛАР ВА ЧУҚУРЛИКЛАР ТУҒРИСИДА

Биринчи ғор Афросиёб қалъасининг ташқарисида, ҳазрат Хожа Санграсон³⁷ мазорининг рўбарусида бўлиб, [унда] қатор ҳужралари бордир ва баъзи ҳужраларида ўлган кишиларнинг суяклари қўп.

Иккинчи: ғори Мискин. Бу ғор ҳазрат Хожа Муҳаммад Санграсон мазорининг пасти, шимол тарафида Сияҳоб ариғининг яқинидаги Талли баланд тагидадир. Бу ғорни турк машойихларидан Шайх Ходим³⁸ алайҳи-р-рахма (унга раҳмат бўлсин) қовлатиб, сўфийлар учун мақом қилган. Шайх Ходимнинг мазори ғорга яқин ерда воқедаир. Бу мақоми файз осор ва авлиёлар жойи бўлгандир.

Учинчи ғори Талли Муҳаммад Чап бўлиб, Афросиёб қалъасининг тупроғи остида қолиб кетган. Сияҳоб устига қилинган Муҳаммад Чап қўпригидан кишилар ўтадиган катта йўлнинг ғарб томонидадир. Бу қўприқдан кишилар Боғи майдон ва Боғи баланд мавзеларга борадилар.

Тўртинчи Хожа Дониёл ғори бўлиб, бу ғор ҳам Афросиёб қалъасининг тупроғи тўкилган ерда қолиб кетган. Бу ғор шарофатлик бир мақомдир.

Бешинчи: ғори Ошиқон. Бу ғор Самарқанд шаҳрининг қалъаси кунчиқари ва қалъа хандақига яқин ердадир. Бу ғорни ҳазрати Маҳдуми Хоразмий³⁹ қовлатиб сўфийлар учун жой қилган, қатор ҳужралари бўлган. Ҳазрати Маҳдумнинг вафотидан сўнг бирмунча вақт Самарқанд шаҳрининг қалан-дархонаси бўлиб турган.

Олтинчи: ғори Кӯҳак. Бу ғор Кӯҳакнинг шарқий томонида воқеадир. Нақл қилишларича, мулло Саккокий исмли киши мана шу ғорда риёзат чекиб 41 исми⁴⁰ тасхир (забт) этиш билан шуғулланган. Бошқа ғорларнинг сифатлари машҳур эмасдир.

8-БОБ. МАСЖИД ВА МАДРАСАЛАРИ ҲАҚИДА

(Биринчи) ҳазрати Хизр алайҳи-с-салом масжиди. Бу масжид шаҳар ташқарисида, Афросиёб тепаси устида. Оҳанин, бошқача айтганда, Ҳазрати шоҳ⁴¹ дарвозасининг қаршисидадир. Айтадиларким, Самарқандда энг аввал солинган масжид ушбудир. Имом Қутайба ҳазрати Хизр ишорати билан иморат қилгандир⁴². Бошқа бир ривоятта кура, бу бинонинг биринчи яштини ҳазрати Хизр алайҳи-с-салом қўйиб, қибласини саҳобалар тиклаганлар. Баъзи кишиларнинг айтишларига қараганда, унинг меҳробини ҳазрати Хизр тўғрилаган. Дерларким, бир кимса душанба куни улаштириб бомдод намозини ўша масжидда ўтаса, ҳазрати Хизрни кўрар эмиш. Ушбу масжид амир Музаффарнинг⁴³ хоналиги чоғида қайта иморат қилинди.

(Иккинчи) Абдулло ибн Умари Хаттоб⁴⁴ — Тангри ундан рози бўлсин — масжиди. Бу масжид ҳазрати Умар масжиди оти билан машҳур бўлиб, Масжиди кабуд ҳам дер эканларким⁴⁵, шаҳар ичида иморатлараро Шердор, Тилокорий ва Улуғбек мадрасалари яқинида, яъни Улуғбек мадрасасининг жануби-шарқида, Регистон майдонига рўбарў, Тилокорий мадрасасининг қаршисида, янги солинган мадрасанинг ичидадир. Ҳазрат Абдулло Умар ўғли Саъид⁴⁶ Усмон ўғлига бир талай оқча бериб, «Қайсики шаҳарким ислом қўшини томонидан олинса, сиз унда, бу йўлдан менинг отим билан отаб, бирор масжид солдиргайсиз» дейди. Бу масжид ҳам ўшалардандир. Унинг меҳробини саҳобалар тиклагандилар. Қутлуғ бир ўриндир. Баъзилар бу масжидни имом Умар Насафий⁴⁷ масжиди деб атайдилар. Унинг (Умар Насафийнинг) қабри шаҳар ичида Чокардиза қабристонидадир. Умар масжидининг шимол⁴⁸ томонида Абу Саъидхоннинг дахмаси бор⁴⁹.

фалак айвонининг муқарнаскорлиги билан бир хилда ясаган, ложуварда кошинларини қазо наққоши фалакнинг чарогон юлдузлари билан бир тартибда нақш қилиб, уларга дахлдор қилган қуёшдек жилваси, зарнигор нақшлари, гўзал фалак гунбази билан ҳамвазн эди. Бу буюк мадраса икки қаватли бўлиб, ҳар бир равоқда бир ҳужрада талабадан икки киши турар экан. Самарқанднинг бузуқчилик чоғларида ўзбек хонларидан бирови подшоҳлик ўрдасига сарқуб [қўрғон ичидаги ёвни тўпга тутнш учун кўриладиган юксак урин] бўлмасин, деб устги қаватини буздирган. Ҳозирда [у] бир қаватлиқдир⁵⁹. Мадрасанинг иморати битгандан кейин Улуғбек мирзо у ерда Қозизода Румийни мударрисликга белгилади. Баъзи вақт ўзи ҳам дарс айтмоққа киришар эди.

Мадраса солингандан тўрт йил кейин 833 [1429–30] Улуғбек, Қозизода Румий, мавлоно Фиёсиддин Жамшид, мавлоно Муиний Коший, мавлоно Салоҳиддин Мусо билан Қўҳак пуштасининг этагида, Оби раҳмат ариғининг ёқасида расадхона биносига бошлади. Расадхона⁶⁰нинг теварагида буюк-буюк ҳужралар тузди. Расадхона тепасининг этагида гўзал чорбоғ ва чинихона ясатиб, кўпинча унда турар эди⁶¹. Расадхонани иморат қилаётганда битказишдан бурун, бояги уламо ўтар дуиёдан мангулик оламига жунадилар. Бундан сўнгра аллома Али Қўшчи кенгаши билан расадхонани битказди⁶². Улуғбек Мирзо ҳижрий 841 [милодий 1437–38 йил]дан бошлаб мунажжимлар орасида эътиборли бир китоб саналган «Зичи Қўрагоний»ни ёзди⁶³.

Улуғбек мирзонинг икки ўғли бор эди. Биринчиси мирзо Абдуллатиф, иккинчиси мирзо Абдулазиз эди. Абдуллатиф 851 ҳижрий [милодий 1447–48]да⁶⁴ ўз отаси Улуғбекни ўлдирди. [Улуғбек мирзо] 57 йил яшади. Мирзо Абдулазизни отасидан икки кун илгари ўлдирган эди⁶⁵. Бундан олти ой сўнгра Абдуллатифни Боғи чинордан шаҳар сари келаетганда, Улуғбек одамларидан Бобо Ҳусайн деган биров отиб ўлдирди⁶⁶. Унинг бошини Улуғбек мадрасасининг пештоқига осдилар. Улуғбекнинг қабри ўз бобоси Амир Темур қўрагон кўмилган гumbаз ичидадир, иншооллоҳ, ўз ўрнида маълум қилинади. Тубандаги ушбу байт Улуғбек мирзоникидир:

Эй он, ки мулки ҳусн ба зери нигини туст.
Шӯҳи макун, ки чашми бадон дар камини туст.

Таржимаси:

Эй, санким муҳринг остида ҳусн мулкидир,
Шӯҳлик қилмаки, ёмонларнинг кўзларн сени
пойлаб турибди.

[Тўққизинчи] шаҳид хон Муҳаммад Шайбонийхон мадрасаси. Шайбонийхон [Шоҳ] Будоғ султоннинг ўғли бўлиб, у [бўлса] Абдулхайрхоннинг ўғлидир. Баланд даражалик Абдулхайрхон Чингизхон ўғли Жўчихон наслидандир⁶⁷. Бу мадраса шаҳар ичида ҳазрати шоҳ мазорига бориладиган катта йўлнинг кунботар томонидадир. Шаҳид хон [Шайбонийхоннинг] қабри ҳам шу мадрасанинг ўртасидаги суфа остидадир⁶⁸. Ушбу мадрасани солдиргучи Шайбонийхон ўғли Муҳаммад Темурхоннинг хотини Маҳди улё хоним⁶⁹ дир. Муҳаммад Темур отаси гавдасини келтириб бу ерда кўмдиргандан кейин, ушбу мадраса Шайбонийхон мадрасаси номи билан шуҳрат чиқарди. Самарқанднинг бузуқчилиги чоғида ушбу мадраса бузилган, хароб бўлган эди. Иккинчи марта суннатларни тирилтирувчи ҳазрат Амири Маъсум Ғозийнинг фармойиши билан тузатилиб, вақфлари белгиланди⁷⁰. Ҳозирда унда дарслар давом этмоқда, ўқувчилар ўқимоқдалар.

[Ўнинчи] Ғозиллар етакчиси жаноби қози Соқий — уни худо раҳмат қилсин — мадрасаси. Бу мадраса шаҳар ичида Амир Темур жомеъининг [Бибиҳоним] жануби-ғарбий бурчагида экан. Қози Соқий⁷¹ Имомқулихон⁷²нинг хонлик вақтида Самарқандда қози калонлик мансабида эди. Бу мадраса эса ул уламо йўлбошчиси томонидан 1021 [1612–13] йилда солингандир. Самарқанднинг бузуқчилик чоғида у мадраса буткул йўқолибдир, ҳозирда ундан ҳсч нишона йўқ.

[Ўн биринчи] Сайид Аҳмадхожа мадрасаси. Бу мадраса, Самарқанд шаҳрининг ичида, Шайбонийхон мадрасасининг жануб томонида экан. Ушбу мадраса Сайид Аҳмадхожа томонидан Имомқулихон замонида 1047 ҳижрий [милодий 1637–38] йилда солинган⁷³. Сайид Аҳмадхожанинг қабри

ҳам ушбу мадраса ичида экан. Самарқанднинг бузуқчилик чоғида бу мадраса бузулиб йўқ бўлган эди. Амир Саъид лақаби билан машҳур бўлгач суннатларга амал етувчи ула-молар устози, мўминлар амири, ҳазрат амир Ҳайдар⁷⁴ нинг вақфини йиғиб, уша Саъид қабрининг шимолида кичик бир мадраса солдирди. Ҳозирги вақтда дарс ўрни ва ўқувчи-ларнинг қўнар жойидир.

[Ўн иккинчи] Шердор мадрасаси. Бу мадраса [Самарқанд Регистонида] Улуғбек мадрасасининг қаршисида, унинг кунчиқар томонидадир. Бу мадраса вилоятпаноҳ Ялангтўшбий оталиқ томонидан солинган⁷⁵. Ялангтўшбий олчин аймоқиндандир. 1028 [1618–19]да ушбу мадраса солинди. [У] шундай мадрасаким, буюкликдан ҳаёл идиши ичига сирмас, катталиқдан тавсиф айтишга тўғри келмас, баланд тоқи фалак равоқидек, чунончи офтоб шаклини асад буржиға яқин қилиб, пештоқиға сурат солиб, ҳар икки шерни оҳу оладиган тарзда кўрсатилган. Офтоб панжасини далир шерлар пешонасига қўйиб турган ва ҳар икки равоқ биқинига ранглик зийнатланган, нақши нигорлик икки гумбаз қилинган ва ҳар икки гумбаз тепасига гулдаста бино қилинганки, барчани ҳайратда қолдиради⁷⁶. Қизиқи шундаким, мадрасанинг со-линиши тарихи «Ялангтўш баҳодир»⁷⁷ топилибдир.

[Ўн учинчи] Тиллокорий жомеъи мадрасаси. Ушбу мадраса Улуғбек ва Шердор мадрасаларининг шимолида, иккаласининг ёнидадир. Жумъа намозини Амир Темур кўрагон жомеъи хароб бўлганидан кейин, шаҳар халқи [ҳозирга қадар] Тиллокорий мадрасайи жомеъида ўқийдилар. Унинг солдиргувчиси ҳам мир Ялангтўшбий оталиқдир. Шердор мадрасасидан ўн йил кейин 1051 ҳижрий [милодий 1641–42] йилда солинди⁷⁸. 1234 ҳижрий [милодий 1818–19] йилда пештоқи зилзиладан ўрнидан қўпорилиб тушиб эди. Ҳазрати хилофот макон ҳазрати сайид, мўминлар амири Амир Саъид — унинг қабри мунаввар бўлсин — яъни амир Ҳайдарнинг буйруғи билан янгидан тузатилди.

[Ўн тўртинчи] яхшилар қутби, солиҳлар ғавси носир ул-миллат ва-д-дин ҳазрат Хожа Аҳрор — унинг сирри пок бўлсин-мадрасаси⁷⁹. Ушбу мадраса шаҳарнинг ичида, жануб томонда, Сўзангарон дарвозасига бориладиган катта йўлнинг кунботаридадир. Хожа Аҳрор билим эгаларини

севар, мажлиси ҳамиша олим кишилар билан тўла эди. Шу сабабдан илм аҳллари учун у ерда бир олий мадраса солдирди. Самарқанднинг бузуқчилик чоғида ушбу мадраса бузилган эди. Суннатнинг муҳйиси амири Маъсум Ғозий [амир Шоҳмурод] Улуғбек мадрасасининг жанубида бўлиб, бузилган Алика кўкалтош⁸⁰ жомеъ мадрасасининг ғишларини дин уламосининг фатвоси билан келтириб, ҳазрат Хожа Аҳрор, сирлари муқаддас бўлсин, олий мадрасасини бошқатдан солдирди ва вақфларини белгилади. Ҳозирда унда ўқиш бор ва ўқувчиларнинг турар жойидир. Аммо Алика кўкалтош Шоҳрух мирзонинг ишончли кишиларидан бўлиб, уни ўғли мирзо Улуғбек билан бирга Самарқандга қўйган эди.

[Ўн бешинчи] Олий мадраса. Бу мадраса Самарқанднинг арки ичида, подшолик тахти бўлган «кўктош»⁸¹ нинг қаршисидадир. Ушбу мадрасани суннатнинг муҳйиси, олий шайх, уламо ва фузалоларнинг устози, хилофатмакон Сайид, мўминлар амири, ҳазрат Амир Ҳайдар подшо 1228 ҳижрий [милодий 1812-] йилда солдирган.

[Ўн олтинчи] Қози Ғафур — унга тангрининг раҳмати бўлсин — мадрасаси. Бу мадраса Самарқанд шаҳри ичида, кунчиқар томонда иморатлар орасидадир. Самарқанднинг бузуқчилиги чоқларида бузилган экан, суннатнинг муҳйиси ҳазрат амир ал-мўминин Сайид Амир Ҳайдар подшонинг буйруғи билан ушбу мадрасанинг жануб томонида еттита хужра солинди. Ҳозирда ўқиш ўрнидир⁸².

[Ўн еттинчи] Нодир Муҳаммад девонбеги мадрасаси. Ташқи Шердор [Шердори берун] деб ҳам машҳур бўлган. Ушбу мадраса хожа носир ул-миллат ва-д-дин ҳазрат Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор файз осорли мазорининг шимолидадир. Нодир Муҳаммад девонбеги ўзбекнинг орлот аймоғидан ва Бухоро хони Имомқули баҳодирхоннинг торо⁸³ сидир. Яхшиликни сезгучи, яхшилик қилмоқни истагувчи билим эгаларига ихлослик бир киши экан. Ушбу мадрасани 1040 ҳижрий [милодий 1630-31] йилда солдирди. Бу мадраса жуда юксак, нақшли ва гўзал бир мадрасадир. Тўрида бир кенг хонақоҳи ва минбари бор бўлиб, Хожа Аҳрор мазорига келгувчилар намозларини онда ўтайдилар⁸⁴. Ҳозирда ушбу мадраса ўқиш ўрни ва талабаларнинг жойидир⁸⁵.

9-БОБ. ШАҲАР ВА УНИНГ ТЕВАРАКЛАРИДАГИ ҚАБР ВА МОЗОРЛАРНИНГ АЛОМАТ ВА НИШОНАЛАРИ ТУҒРИСИДА⁸⁸

1. Нурга тула Ҳазрати шоҳ мазори. Ҳазрати шоҳнинг муборак оти Аббос⁸⁷ ўғли Қусам бўлиб, мазори Самарқанд қўрғонининг шимол томонида, шаҳар ташқарисида, Афросиёб қўрғонининг ичидадир. Қусам ҳазрат Муҳаммад пайғамбарнинг, Тангрининг унга салот ва саломлари бўлсин — амакиси бўлган ҳазрат Аббоснинг, тангри ундан рози бўлсин — ўғлидир. Онаси Ҳорис қизи ва Муҳаммад пайғамбарнинг хотинларидан бўлган Маймунанинг синглисидир. «Таҳзиб ул-асмо»⁸⁸ ва «Асоба дар тамизи саҳоба»⁸⁹ китобларидан бордирким, Аббоснинг, тангри ундан рози бўлсин — бир хотинидан тўрт ўғил дунёга келган эди: 1) ҳазрати Фазл. Мазори Шом вилоятида, Ярмуқ деган ўриндадир. 2) Ҳазрати Абдулло. Қабри Тоиф вилояти (Макка музофоти) да. 3) Ҳазрати Убайдуллоҳ. Мазори Мадинада. 4) Ҳазрати Қусам. Мазори Самарқанддадир. Фиёсиддин Жавҳарий ўз асарида «Аббоснинг беш ўғли бор эди» деб кўрсатган. Юқорида ёзилмиш тўрт ўғлини санагандан кейин, бешинчи ўғли *Матъбат*⁹⁰ исмлиқ эди. У Африкада кўмилган дейди. «Мадориж ан-нубуват» китобида⁹¹ зикр қилинган: пайғамбар ўз амакиси Аббосга, ундан оллоҳ рози бўлсин, деди: «эртага ўғилларинг билан келгин». [Лекин] Аббос, беш ўғли бўлса-да, [фақат] Абдурахмон билан келган. Пайғамбар уларга ўз чодирини тикиб берди ва деди: «Э, худойим, Аббос ва унинг фарзандларини равшан ва ботин марфиратинг билан ярлақин, кейин келадиган авлодларини ҳам ўз ҳимоятингда асра!». Термизий⁹²дан ривоят қилинди. Ва Фиёсиддин [Жавҳарий]нинг [яна] айтишича, ҳазрат Қусам Пайғамбарни вафот этгандан сунг ювгандардан биридир. Бир ривоятда айтилишича, Қусам пайғамбарнинг ўлими чоғида саккиз яшар эди. Афту башараси ва қилиғи буткул Пайғамбарга ўхшаш эди. Чунончи «Ашбоҳ ун-нос» [деган] ҳадисда «Менга ўхшаш яратилган», дейилган. Қусам ибн Аббосни имом Ҳасан⁹³ билан эмишга бердилар ва Қусамнинг онаси Пайғамбар замонида бир кеча тушида пайғамбарнинг шарофатлик аъзоларидан би-

рини унинг олдига ташлаганлар. (Сўнг) у келиб Пайғамбарга арз қилганда, у деди: «Яқинда Пайғамбар қизи Фотима⁹⁴ [ҳам] ўғил кўради, сен уни [ҳам] эмизгин». Ҳазрат амир ул-муъминин Али, каррамаллоҳу важҳаҳу, [тангри унинг чехрасини олижаноб этсин], халифалиги⁹⁵ чоғида унинг буйруғи билан Макка шаҳрига ҳоким бўлиб турди. У шаҳид бўлгандан кейин Маовия [ибн Абу Суфён]⁹⁶ замонда унинг буйруғи билан Убайд Зиёддан сўнгра, Хуросон ҳокимлигига тайинланган уруш бошлиқларидан Усмон ўғли Саъид кетидан Мовароуннаҳрга келди. Усмон ўғли қазрат Саъид яраш йўли билан Самарқандни олиб, халқини мусулмон қилди. Динни кучайтирмоқ ва шариат ҳукмларини юргузмоқ тилаги билан Қусамни бир неча ислом қўшини билан бирга бунда қолдирди, 57 ҳижрийда (милодий 677 й.) кофирлар шаҳарга ҳужум қилдилар. Самарқанд шаҳрининг Намозгоҳида Қусам жон чиқарига ўқ тегиб шаҳид бўлди ва қутлуғ гавдасини Бану Ножия қабристонида қор ёнида⁹⁷ кўмдилар. Тўғри ривоят шудирким, Усмон ўғли Саъид Самарқанд эли билан урушаётганда, Қусам жон чиқарига ўқ тегиб шаҳид бўлди ва Бану Ножия қабристонида кўмилди. Аллома Утбий «Саҳиҳи Бухорий шарҳи»да Аббос ўғли Қусамнинг қабри Самарқандда Оҳанин дарвозасининг яқинида Бану Ножия қабристонидадир, деб аниқлаб ёзибдир. Абу Абдулло «Тарихи Нишопур»да⁹⁸ тўғриси Қусам ҳазратлари вафот этиб Самарқандда кўмилгандир, деб ёзандир. Бошқа бир ривоятга кўра, ҳазрат Қусам Ширинкет (Самарқанд музофоти) деган мавзеъда шаҳид қилинган ва гавдасини Кўҳак дарёсидан кечириб ўтказиб, Бану Ножия қабристонида⁹⁹ кўмдилар. Султон Санжар Мозий¹⁰⁰ замонасида ўша қабристонда «Қусамия» аталган бир мадраса солинган эди. У мадраса Самарқанд қўрғонн ўрнига тепа устида, Оби машҳад ариғининг яқинида, кунботар томонида эди. Ҳозирда ундан бир нишона қолмагандир.

Амир Темур кўрагоннинг подшолиги вақтида ушбу мазор иморат қилиниб, турли безаклар билан безатилди. Унинг хотин ва сингилларидан бир нечаси ва баъзи амирлар унда ўринлар белгилаб, ўзлари учун турбатлар ва дахмалар яса-тиб, уларнинг устида буюк-буюк бинолар солдиргандирлар. Ложувард тусли фалак дунё юзига тамошо кўзини оч-

гондан бери бунга ўхшаш гузал ва безаклик иморат кўрмаган. Фирузаранглик, қўбтурма нақшлик (муқарнас) ғилдирак ой билан қуёшдан ўзига кўз ясагандан буён бу каби бинокорлик кошинларни тамошо қилмаган. Бу иморатнинг кўринишидан кўзлар безаниб, мурассаъ (бир-бировига келиштириб чизилган инжулар) бўладир¹⁰¹.

Ушбу сатрлар ва бу рисолаи ёзувчи мен яхши иттифоқ тушиб панжшанба куни туш вақти 16-нчи жумоди ал-аввал ойи ҳижрий 1251 [1835, 9 сентябрь]да расули мухторининг амакиваччаси Ҳазрат Шоҳ ундан оллоҳ рози бўлсин, мазорини зиёрат қилгандан сўнг, иморатларини, масжид ва миёнсаройларини, гумбазларини ва у ердаги ёзмаларини кириб кўрдим ва кўрган-билганларимни кўчириб бу ерга ёздим, шунинг учунким, замоннинг ўзгариши билан бу асарлар кўздан йўқолганда, ушбу қорозда ёзгулик қолгай, ибрат олингиз, эй ақли солим эгалари!

Яширин қолмасинким, Ҳазрати Шоҳнинг муборак мазори билан бир қаторда бўлган масжидларнинг иморати 735 (1334-35) йилда биткандир. Солиниш тарихининг ёзмаси гумбаз ичида кўрниб турибди. Лекин масжиди калоннинг солиниши тарихи учмиш ва йўқолгандир. Узунча миёнсарой томонидаги эшиги устида бир ёқда Султон Аҳмад¹⁰² ва бошқа ёқда Султон Абу Саъид¹⁰³ оти ёзилгандир. Баъзилар Амир Темурдан бурун хон бўлиб ўтган Султон Абу Саъид¹⁰⁴ томонидан ушбу бино солинган бўлса керак, деб ўйлайдилар. Узунча миёнсаройга кириладиган ўймакор дарвозанинг ясалиши тарихи 807 (1404-05) йилларким, ҳозирда ҳам дарвозанинг бурнида ёзмаси бор. Ушбу миёнсаройнинг шимолида, зиналар қаршисидаги ихота қилиб олинган ялангликнинг бир ёнида Амир Темурнинг хотини, Амир Мусо ўғли бўлган Амир Одилнинг қизи Тумон оқо дахмасининг гумбази бор¹⁰⁵. Дахма олдида масжид бор. Унинг шимолида Аҳмадхожанинг дахмаси бор. Кунчиқар томонда Қутлуқ оқонинг дахмаси бор. Ушбу Қутлуқ оқо ҳам Амир Темурнинг мухтарам хотинларидан биридир. Туман оқо дахмасининг битказилиш йили 862 (1457-58)дирким деворида ёзилгандир. Зиналарнинг ёнида, юқори томонда тўрт гумбаз бор: иккаласи йўлнинг кунботарида, яна иккаласи йўлнинг кунчиқаридадир. Фарб томондаги икки гумбазким, бир-бирисига туташгандир. Бириси Амирзода дах-

масидир¹⁰⁸. Унинг битирилиш йили 799 (1396–97)дадир, деб ёзилгани равоқида кўриниб турибди. Иккинчиси Амир Тара-рой қизи, Амир Темурнинг синглиси бўлган Туркон оқонинг дахмасидир. Унинг битирилиш тарихи 773 (1371–72) йилдир-ким, равоқида ёзилгандир. Унинг (Туркон оқонинг) ўлими 785 (1383–84) йилда воқеъ бўлган. Ўўлнинг кунчиқарида бўлган иккала гумбаздан бириси Туркон оқо гумбазининг қаршиси-дагиси Амир Темур синглиси Тараўой қизи Ширинбека оқо дахмаси эрур. Унинг битирилиши 767 (1365–66) йилдадирким, ёзуви равоқида кўриниб турибди. Кунчиқардаги у бириси Амир Ҳусайн дахмаси бўлиб, Амирзода гумбазининг қаршисида-дир. Унинг битирилиш йили 777¹⁰⁷ (1375–76)дадирким, раво-қидаги ёзмада бордир.

Мавлоно Шарафиддин Али Яздий ўз тарихида шундай ёзадики, Амир Темур 801 (1399) йилда Ҳиндустон юри-шидан қайтиб келиб, шаъбон ойида (8 апрель–7 май) Са-марқанддаги Боғи дилкушода бўлган кўшкига қўнди. Ол-тинчи шаъбонда (13 апрель) Самарқанд ичига кириб, ет-тинчисида Қусам [ибн] Аббос ўғлининг разиоллоҳу анҳу — тангри ундан рози бўлсин — файзберувчи мозорига зиёрат учун бориб қутланди¹⁰⁸. Ундан Ҳазрати Шоҳ шарофатли мозори дарвозасининг қаршисида бўлган Туман оқо хона-қоҳига бориб пешии намозини онда ўтаб, Боғи чинорон сари жўнади. Ундан Боғи беҳиштга қараб кетди. Келаси куни Боғи баландга келиб қўнди. Ушбу сўзларни (мавлоно Шарафуддин) масжиди жомеъининг солиниши тўғрисида-ги ёзган бўлимида айтади¹⁰⁹. Зиналарнинг қуйисида, катта йўлнинг ёнида бўлган масжид, миёнсарой ва хужраларни эса Улуғбек мирзонинг ўғли Абдулазиз мирзо солдирган. Унинг битирилиши тарихи 838 (1434–35) йиллардирким, миёнсарой равоқидаги ёзмада кўриниб турибди¹¹⁰. Ва яна зиналарнинг қуйисида, кунчиқар томонида [катта дарвоза ва миёнсаройдан ўтказ, ўнг қўлда] бир мадраса бордирким, уни мўминлар амири Сайид Амир Ҳайдар салтанати чоғи-да давлатининг ишончли кишиси ва султонлик нойиби, шаън эгаси бўлган самарқандлик Давлат қушбеги 1228 (1811) йил-да солдирган. Ушбу мадраса эшигининг ёнида, шимол то-монда, Самарқанд ҳокимли бўлиб турган мадраса эгаси-нинг ўғли марҳум Муҳаммад Шарифбийнинг қабри бор.

Аммо шаҳзода Қусамнинг нур сочувчи мазорининг зиёратидан аҳли диллар ажойиб завқ оладилар. Бу шарофатли жойнинг тупроғини подшолар ўз кўзларига тўтиё қиладилар. Тажрибада қурилгандирки, ҳар бир ҳаёсиз ва нопок киши яқин ёки узоқдан у кишининг мазорига эҳтиромсизлик кўрсатса, тангри таоло андак фурсатда унинг жазосини беради. Пайғамбарнинг элчиси, унга салом ва салот бўлсин, азиз саҳобалари кароматларини кўрсатади.

Иккинчиси Шайх ул-ислом [хожа] Абдулҳасан ва учинчиси Абу Наср Қассоб ва тўртинчиси Амири Хуросон мазорлари Аббос ўғли Қусам мазори бўлган тепада экан. Ҳозирда соғона тошлари ва белгилари йўқолгандир. Бешинчиси Муҳаммад ибн Молики Аштар мазори Афросиёб қўрғонининг қирроғида, Оби машҳад ариғининг ёнидадир. Ушбу мазор билан Оби машҳад аросида бир катта йўл бордир. Унинг Ҳазрати Шоҳ ёронларидан экани [га] машҳур. Ўзга аҳволи белгилик эмас ва яна тангри таоло яхши билади.

Олтинчи. Хожа Абулҳасан мазори¹¹¹. Бу мазор Хизир алайҳи-с-салом масжидининг кунботар девори орқасида ва яқинидадир. Унинг қабри устида тош майдаларидан, узунча соғона шекиллик, нишона ясабдирлар. У киши мазорининг баракоти очиқ ва ошкорадир, унга тангрининг раҳмати бўлсин.

Еттинчи. Хожа Муҳаммад санграсон мазори. Унинг оти Хожа Ҳамавий бўлиб, Қабри Афросиёб хандақи кунботарида, шимолий бурчақдадир. Айтадирларким, у ҳазрати Шоҳ ёронларидан эди, мусулмонлар билан кофирлар ўртасида бўлган урушда тош еткузиб турган эмиш. Ушбу мазорнинг яқинида бўлган юксакликда бир масжиднинг қуйисида бир савмаа¹¹² бордурким, тангри қўлларининг турар ўрни экан. Ушбу қабристонда бир талай авлиёларнинг мазорлари бор. Хожа Муҳаммад Фазл Балхийнинг мазори ҳам шундадир. Балхдан Самарқандга келган ва бунда уни қози қилдилар. Шундан кейин ҳажга бориб, яна Самарқандга қайтиб келди. Ўлими 319 [931-32]дадир. Муҳаммад Насрий Марвазий, Муҳаммад ибн Саъид Бухорий ва хожа Муҳаммад Валиднинг қабрлари ҳам ушбу пушта устида эканким, нишоналари йўқолиб, билинмай қолибди. Ҳазрат Саййид Аҳмад ва унинг халифаси мавлоно Шамсуддин Ўзгандийнинг мо-

зорлари ҳам ушбу қабристонда. Пойқабоқ дарвозасининг яқинидадир. Бу иккала буюк киши бир узунча супа устида роҳатда ётадилар. Улар турк шайхларидан эканлар. Хожа Муҳаммад санграсон қабристонининг кунботар чек ораси Новадон ариғининг жарлигидир. Бу ариқ булоқларидан келиб, шаҳар ичидан ўтиб, Сияҳоб ариғига қуюлади. Шимол томони Сияҳоб ариғидир, кунчиқари Афросиёб қўрғонининг ва жануб томони Самарқанд қўрғонининг ўрнидир. Шу айтилган оралиғида чет бўлган майдон азизлар ва муслмонларнинг қабр ўринларидир. Бу майдон саҳнидаги тепачалар, соғона харобаларининг намунасидирким, иморатлари бузилиб, йўқолгандир. Афросиёб қўрғонининг қирғоғида, ғарби-шимолий бурчақда, Банда хотиннинг мозори ва Мискин номлик савмаа бор эканким, ҳозирда иккаласи ҳам йўқолгандир. Сияҳоб ариғининг яқинидаги баланд тепа остида «Мискин» деб аталадиган бир гор бордирким, турк шайхларидан бўлган Ходим Азизон шайх¹¹³нинг қабри унинг шимолидадир. Бу шайхнинг муфассал таржимаи ҳоли «Ламаҳот» китобида¹¹⁴ бор. Мозорининг зиёратидан киши кучли таъсирланади.

Сияҳоб яқинида бўлган Банда хотин мазорининг пастлигида бир булоқ бор, унинг сувини қутлуғ биладилар. Байт:

Чашма ки межуша аз ин хоқдон,
Ашки муқимони тайи хок дон!

Таржимаси:

Бу тупроқдан қайнаб чиққан булоқни
Тупроқ остидагиларнинг кўз ёши [деб] бил!

Саккизинчи. Сербаракот Ғотфар маҳалласининг мозори. Ғотфар маҳалласини Ғотфир кўчаси ҳам дейдилар. Ушбу маҳалла Самарқанд шаҳрининг ташқарисида, аркнинг ғарби-шимолий бурчаги қаршисидадир. Бу ерда бир мазор бор, [уни] халқ Хожа Юсуф Ҳамадоний қабри деб зиёрат қиладилар. Ҳазрат мавлоно Абдурахмон Жомий «Нафаҳот-ул-унс» китоби¹¹⁵да Хожа Юсуф Ҳамадоний қабри Марв вилоятида деб аниқлаб ёзади¹¹⁶. Улкан авлиёлардан сана-

ладитан Хожа Абу-л-фаворис Бағдодийнинг қабри шунда-дир. Яна Имом Ломиший, Умар ибн Аҳмад Марғинонийнинг мазори, Хожа Искандар Дорамийнинг турбати, хожа Зайниддин Димишқийнинг қабри [ҳам] ушбу маҳаллада-дир. Шу ерда, жар яқинида, эски замонда бир тепа бор эканким, у «Тали тўғон» деб аталар экан. Ҳазрат шайх Шамсул-айммайи Ҳалвоийнинг мазори шу тепанинг яқинида экан. Хожа Дурюзагар ва хожа Мўйтобнинг мазори ҳам шунда-дир. «Тали тўғон»га яқин ва унга туташ «Тали муҳаррабон» деб аталадиган бир тепа ҳам бор. Хожа Ғотфарий ушбу тепада қўмилган. Ҳозирда уларнинг нишонлари ва ёзуви тошлари йўқолган. Буларни эски китоблардан ва кекса кишилардан суриштириб ёздик.

Шишкўприк олдиди, Навбоғ томонига бориладиргон йўл четида, жар ичида бир азизнинг файз асарли қўмилган ўрни бор. Турклар уни «Сойлик ота» дейдилар. «Саволик ота» отагувчилар ҳам бор. Уларга тангрининг раҳмати ва розилиги бўлсин.

10 БОБ. ҚАБР АҲЛЛАРИНИНГ ЗИЁРАТ ЙўЛЛАРИ

Самарқанд арки ичидаги мазорлар

Тўқизинчи. Қутби Чордахўм мазори. Бу кишининг оти Шайх Нуриддин Басирдир. Ундан «сизнинг замонингизда қутб кимдир?» деб сўраганда у: «биродарим Абдулло ўн учинчи қутбдир, биз ўн тўртинчимиз», деб жавоб берибдир. Шунинг учун «Қутби чордахўм» деб донг чиқарган. «Басир» шунинг учун деганларким, у киши онадан сўқир туғилган бўлса ҳам, валийлик нури билан барча кўргуликларни кўрар эди. У қутблар орасида ўн тўрт кечалик тўлган ойдек эди. Шунга кўра, ўзини ўн тўртинчи қутб атайди. У шайх Зайниддин Куйи Орифонийнинг халифаси бўлиб, ундан тарбия топиб, қабул даражасига етган. Шайхликда туғалланиб, энг сўнгги босқичига мингач¹¹⁷, йўлбошчисининг ғайбий ишорати юзасидан, онаси билан бирга Нўшкентдан Самарқандга кўчиб келибди. Нўшкент ва Куйи Орифон Тошкент вилоятининг қишлоқларидандир¹¹⁸. Самарқандга келгач, Новадон булоғининг ёқасида, Куйи чўпононда саб-

заранг ёки «Масжиди кабуд» ва турклар томонидан «Кўк мачит» деб аталадиган масжидда қўниб, шунда ўрмашибдир. Зикрни жаҳрия¹¹⁹ йўли билан айтар экан. Бир талай кишини олислик ўрнидан яқинлик даражасига етказибдир. У 640 [1242–43] йилда ўлди¹²⁰. Гавдасини Новадон булоғининг ёқасида кўмдилар. Айтадирларким, Қутби чордахўмининг қутлуғ мозори Новадон бўйида арkning ташқарисида экан. Амир Темур кўрагон ҳазрати шайх Абу Саъид ибн ҳазрати шайх Бурҳониддин Соғарчий¹²¹ дан ўз ишларининг олдинга бориши учун руҳоний ёрдам сўраганда, шайх Нуриддин [Қутби чордахўм] қабрини зиёрат этишга буюрибди. Шу шайхнинг буйруғи бўйича Амир Темур Қутби чордахўм мазорини Самарқанд аркига киргизиб, қабри устида гузал ва юксак бир бино содирган ва гумбазининг устига олтиндан бир қубба ясашиб ўрнатган экан¹²². Ушбу мазорнинг зиёрати дуонинг қабули ва тилакларнинг юзага чиқишига анча таъсирлиқдир. Амир Темур кечалари шул мазорнинг теварагида айланиб юар экан. Байт:

Кор на ин гумбази гардон кунад,
Ҳарчи кунад ҳиммати мардон кунад.

Мазмуни:

Ишларни қиладиган шу айланувчи гумбаз [яъне фалак]
эмас,
Балки ҳар нима қилса, эрларнинг ҳиммати қилади.

Ўнинчи. Ҳазрати фахр ул-ислом Али Паздавий¹²³ мазори. Бу мазор Самарқанд ўрдасининг ичида, Вазир масжидининг саҳнасида, Қутби чордахўм мазорининг яқинидадир. Ушбу имом отасининг оти Ҳусайндир. Али Паздавий 10 жилдик «Мабсут» китоби¹²⁴, «Жомеъ ус-сағир» шарҳи ҳамда усули фикҳда «Усули Паздавий» китобларни ёзган. Дерларким, шу имомнинг замонасида Шофеъий мазҳабида¹²⁵ бўлган бир олим келиб, ҳанафий мазҳабидаги¹²⁶ олимларни енга бошлади ва ўз мазҳабига киргазаверди. Муллалар унинг билан мунозара қилишга ундаб имомга ёпишдилар. Имом кўнмади. Лекин муллалар фириб ишлатиб уни мунозара қилдирдилар. Шофеъий олими имом Шофеъийни

мақтаб, у бир ойда «Қуръон»ни ёдлагандир, деди. Имом: «Бу жуда қулай бир иш, олти ойда эл аро тарқалган бутун илмлардан хабардор бўлмак мумкин, деди. Олти ойдаи кейин қайси китобдан сўрасалар, [Али Паздавий] муфасссал йўсинда айтиб берар эди. Шофеъний олими бу ҳолни кўргач, индай олмасдан ожиз қолди. Айтадирларким, имом «Эҳё алулум» китобининг муаллифи 40 жилдлик «Ёқут ат-таъвил» тафсири ва «Мишкот ул-анвор»нинг муаллифи бўлган имом ҳужжат ул-ислом Зайнуддин Абу Ҳомид Муҳаммад ибн Аҳмад ал-Ғаззолий¹²⁷ билан кўришиб суҳбатлашган. Ҳужжат ул-ислом от ғўштининг ҳалолигини даъво қилиб далил келтирди, [аммо] имом [Паздавий] қабул қилмай, жавоб қайтарди. Ҳужжат ул-ислом индамасдан қолди. Нақл қиладиларким, имом [Паздавий] Самарқандда қози бўлиб турди. 482 [1089-90] йилда ўлди¹²⁸. Яна дерларким, биров имом [яъни имом Паздавий] қошига келиб «Қуръон»ни форсийчага ўтуриб ўқисалар ва арабчасини бир ёққа ташласалар тузукми?», деб сўрабди. Имом дарҳол у кишини ўлдиришга буюрди ва «бу кишини ўлдиришга буюришимнинг сабаби шулким, бу одам «Қуръон»ни мўъжизалиқдан чиқариб, динга халал ва ўзгариш киритмоқчидир. Шунга кўра уни ўлдиришни вожиб билдим», деди. Имомининг бу ишини Самарқанд ҳокими маъқуллади.

Ўн биринчи. Ҳазрат шайх Абдурахмон ибн ал-Авф деб шуҳрат қозонган Шайх Абдурахмон мазори. Бу мазор арк дарвозасига туташ, Қутби чордахум ва имом Фаҳр ул-ислом мазорлари яқинидадир. Лекин «Тарихи Мадина»да¹²⁹ «Абдурахмон ибн ал-Авф мазори мунаввари Мадинада Боқеъ қабристонидадир», деб кўрсатилади. Иккала киши бир ном билан аталган бўлса эҳтимол. Яна улуғ тангрининг ўзи билди. Унинг, худонинг раҳмати бўлсин, мазори жуда нурлидир.

Булардан бошқа Самарқанд арки ичида яна уч мазор бор: биринчиси арkning шимолида, иккинчиси кунботар томонида ва учинчиси Қутби чордахум дарвозаси эмас, ўзга бир дарвозанинг яқинидадир. Бу уч азизнинг от ва ҳоллари белгилик эмас.

Самарқанд шаҳрининг олий аркидан ташқарида бўлган сербаракот мазорлар

Ўн иккинчи. Ҳазрати Руҳободнинг файз осорлик мазори. Ушбу мазор эгасининг муборак оти мавлоно Бурҳониддин Соғарчийдир. Соғарч Самарқандга қарашли қишлоқлардан эканким, ҳозирда бузуқдир¹³⁰. Бу мазор Самарқанд шаҳрининг ичида, аркнинг жанубий девори яқинида. Айтадиларким, мавлоно тириклик чоғида бўлғуси мазор ўрнига келиб «ушбу тупроқдан танишлиқ иси келади», деган эмиш. Ўлганидан сўнг шунда кўмилган. Мавлоно Ҳазрат Умари Хаттоб¹³¹, тангри ундан рози бўлсин, наслидандир. Муҳаммад пайғамбарнинг бир тола туки мис идиш ичида қабрининг гумбази шифтида осилган. Мазори устидаги гумбаз Амир Темур кўрагон томонидан солинган. Ушбу мазорнинг зиёрати кишининг кўнглини очар ва руҳини орттиради.

Ўн учинчи. Ҳазрат Вайсий отанинг файз осорли мазори Самарқанд шаҳри ичида шаҳарнинг кунботар тарафида Зингарон гузаридадир. Унинг ҳазрати Вайсий Қаран¹³² наслидан бўлганлиги машҳурдир. Онадан туғма валий бўлганлиги сабабли уни «Вайсий» атайдилар. У кишининг мазори порлоқ, нурлидир.

Ўн тўртинчи. Ҳазрат Амир Саййид Барака мазори. Самарқанд шаҳрининг ичида, Амир Темур кўрагон дахмасининг гумбази тагидадир. Ҳазрат Саййид Барака Кирмон вилоятидан Балх шаҳрига келиб. Амир Темурга ботиндан ёрдамлашибдир ва Амир Темур Саййид Баракани Самарқандга олиб келибдир. Саййид Самарқандда бўлган вақтда, Амир Темур Муҳаммад Султон мадрасасини кўргани бориб, ўша мадрасанинг кунботар томонида, ўзининг қабри учун мрамр ва яшил тошлардан юксак бир бино ва гумбаз солдирди. Гумбазнинг шимолида улкан бир мадраса солдириб, унинг саҳнасида гузал бир чорбоғ туздирди. Саййид Барака ўлгандан кейин унинг ўлигини Мозандарондан келтириб, ушбу гумбаз ичига кўмдирди¹³³. Ўзининг кўмилажак ўрнини ҳам Саййиднинг оёғи остида белгилади. Амир Темур энг кейинги сафари бўлароқ 300 минг¹³⁴ урушқоқ кучли қўшин билан Хитой ўлкасининг фатҳи учун йўлга чиқди. Йўл устида Туркистон музофотидан бўлган

Ўтрорга боргач касалланиб, Келдибек уйига кўнди ва шу ерда вафот этди¹³⁵. Беш кун ичида унинг ўлигини Самарқандга келтириб, ўз дахмасининг гумбази ичида Саййид Бараканинг оёғи остида мармар сандуққа солиб кўмдилар. Ўтрордан Самарқандга 70 тошлоқ йўлдир. Айтадурларким, Шохрух мирзо [отасининг ўлимини эшитиб] Ҳиротдан Самарқандга келиб, отасинининг ўлигини у ердан (ўзининг дахмасидан) ёв хавфидан бошқа яширин бир ўринга кўмдирди¹³⁶.

Султон Шохрух мирзо, Мироншоҳ, Муҳаммад Султон ва Мирзо Улуғбекнинг соғоналари¹³⁷ Амир Темур дахмасининг гумбази ичидадир. Ҳазрат Саййид [Барака]нинг мазори қутлуғ бир мазордир. Гумбаз ичида супа устида Мир Сайид Умар ибн Сайид Кулолнинг [ҳам] қабри бордир¹³⁸. Унинг мазоридан нур зоҳирдир. Амир Темур дахмасининг гумбази устида олтин қубба ўрнатилган эканким, вилоятнинг бузғунчилик чоғида қандайдир бир бахтсиз олиб йўқ қилгандир.

Ўн бешинчи. Хожи Саййид имом дсб машҳур бўлган ҳазрат имом Носир уд-дин мазори. Ушбу мазор Самарқанд ичида. Новадон булоғининг кунботар томонида, тепа устида ва бояғи Новадон булоғи ариғининг яқинидадир. Ҳазрат Хон Саййид бурунги ўтмишлардан бўлиб, таржимаи ҳоли белгилик эмас.

Ўн олтинчи. Коризон дарвозаси, бошқа от билан айтганда, Хожа Аҳрор дарвозасининг яқинида, шаҳар қўрғонининг қирроғида ичкари ёқда бир мазор бор. Яна шунга ўхшаш хон Саййид имом мазорига бориладиган катта кўчанинг ғарбида, дарвоза яқинида бир мазор бордир. Бу иккала мазор эгаларининг номлари ва таржимаи ҳоллари аниқланмади, уларнинг ётган тупроқларини яна тангрининг ўзи янши билади.

Ўн еттинчи. Ҳазрат Муҳаммад ибн Имом Жаъфари Содиқ¹³⁹ нинг, оллоҳ улардан рози бўлсин, файз осор мазори шаҳар ичида, Шердор мадрасаси равоқининг жанубий гулдастаси остидаги гумбаз ичидадир. Айтадирларким, амир Ялангтушбий оталиқ ҳазрат имом гавдасини улуғлаш учун у ерда мадраса солдирибди¹⁴⁰. Эрон томонидан келган эски, лекин аввали тушиб қолган бир китобдаким, [унда] имом-

ларнинг¹⁴¹ турилишлари, ёшлари, вафоти ва қабрларининг ўринлари суриштирилиб ёзилган эди, унда имом Муҳаммад ибн Жаъфари Содиқнинг, оллоҳ улардан рози бўлсин, мазори Самарқанддадир, деб кўргазганди. Ушбу белгиланган ўрин экани машҳурдир.

Ун саккизинчи. Шайх Абу Мансур Мотуридий мазори¹⁴². Чокардизада. Ушбу қабристон [Чокардиза] шаҳар ичида, кунчиқар томонда шаҳарнинг бир чеккасидадир. У ер тубда имоми зоҳид Абу Исҳоқ ибн Иброҳим ибн Саммоси Мутаваъийнинг боғи экан ва ўзи ҳам уша ерда кўмилган экан. Шу қабристоннинг ўртасида бир масжид бор. Шайх Абу Мансурнинг мазори шу масжиднинг жануб томонида ва яқинидадир. Қабр узоридаги кўк тусдаги соғона тоши масжид деворидан беш газ чамаси олисроқдадир. Шайхнинг Мотурид қишлоғида бир боғи бор эканким, кўпинча ёрочларини ва ниҳолларини ўз қўли билан ўтқизар эмиш. «Ҳайрат ул-фуқаҳо» китобида¹⁴³ бордирким, [бир кун] шайх Абу Мансурнинг хизматчиси кетмон чопар ва шайхнинг ўзи ток ўтқазар эди. Шу чоқда муаззин азон айта қолди. Шайх ишни тўхтатиб, масжидга бормоқси бўлди, лекин ток ўтқазгани ошиқиб боролмади. Бир йилдан кейин подшоҳ ҳар бир боққа бир неча [кўза] ичкилик бидъат солиқ солди, Ҳазрат шайх «Ушбу бидъат менинг ток ўтқазишга машғул бўлиб, намоз ишини кейинга қолдириш ишимнинг шумлигидан юзага чиқди!» деб муборак салласини ерга уриб йиғлар эди. Айтадирларким, шайх бир кун боғда эди, Бағдод халифаси томонидан, шайхдан бир масалани сўрагани Самарқандга юборилган элчи келиб боғ эшигини қоқди. Шайх йиртиқ кийим кийинган ҳолда чиқди. Элчи; «Мавлоно қайдадир?» —деб сўради. Шайх: «Мавлоно Тангридир», деб жавоб берди. Тагин элчи: «Ҳожа қайдадир?» деб-сўради. Шайх: «Ҳожа Мустафодир», деб жавоб қайтарди. Яна элчи: «Абу Мансур қайдадир?» деб сўради. Абу Мансур: «Ушбу тиланчи кекса», деб ўзини кўрсатди¹⁴⁴. Айтишларича, унинг ёронлари дарс таълими олиш учун [шайхнинг] боғига келар эдилар. Иттифоқо, ҳамал ойи эди, шайх ёронлари учун бир ўрик дарахтининг шохини қоқди. Унинг кароматидин ер ўрик меваси билан тўлди. Ёронлар еб тўйдилар. Мотурид — Самарқанднинг ташқарисида, унинг шимол тара-

си кишининг хотирига келади. Бу аҳвол ўзга мазорларда йўқдир», деди. Менинг хотирамга ҳсч қандай жавоб келмади. У киши ҳам [бошқа] бир нима демади. Ва яна унинг мақомотларидан бири шулким, у кишининг замонида бир золим подшоҳ бўлиб, халқ унинг зулмидан шайхга илтижо қилган. Шайх тубдан бир камон ясаб, ўша золим [подшоҳ] томонига қаратиб отди. Ўша куни у золим хароб бўлди. Ҳазрат шайхнинг руҳониятидан максадларнинг ҳосил бўлиши шафоати очиқ кўриниб турарди.

Ўн тўққизинчи. Имом Нажмиддин Насафий мазори ҳам Чокардизада шайх Абу Мансури Мотуридий мазорининг яқинидадир. Баъзилар Умари Насафий мазори Абдуллоҳ ибн Умар масжидининг ташқарисидадир дейдилар.

Йигирманчи. Мавлоно Бурҳониддин Марғилоний мазори. Ул киши «Ҳидоя» китобининг эгаси бўлган. Ушбу Бурҳонуддин Марғилонийнинг қабри ҳам Чокардиза қабристонида, катта кўчанинг кунботари ҳовузига ўхшаган чуқурнинг ёнидадирким, шу катта йўл ўша ҳовуз орқали [шарқий-шимолга қараб] ўтади. [Мавлоно] Бурҳонуддиннинг қабри [ўша] катта йўлнинг жануб тарафида, пишиқ гишдан қилинган баланд суфададир. Мавлоно [Бурҳониддин] Нажмиддин Умар ан-Насафийнинг шогирдидир. У Фахр ул-ислом Али Паздавийнинг шогирди. Ул киши имом Шамс ул-аима Ҳалвоийнинг шогирди, ул-имом Али Саъдийнинг шогирдидир. [Имом Али Саъдий эса] имом Халил Абу Бакр ибн Фазл ал-Бухорийга, у эса имом Абдулла ибн Яъқуб Саъидга шогирддир. [У киши] Абу Ҳафс Сағири Бухорийнинг шогирди, [Абу Ҳафс Сағири Бухорий] ўз отаси имом Абу Ҳафс Кабири Бухорийга, у [эса] Муҳаммад Ҳасан Шайбонийга, [у] ҳазрати Имоми Аъзам Абу Ҳанифага¹⁵² шогирддир. [Абу Ҳанифа] илмни имом Ҳаммода ва Иброҳим Наҳафийдан олди. [Иброҳим бўлса] имом Алқамадан, у Абдулла Масъуддан, Абдулла Масъуд эса ҳазрат Пайғамбардан, унга Тангрининг салот ва саломлари бўлсин, таълим олган. Мавлоно Бурҳониддин аср чоғида, душанба куни ражаб ойининг саккизинчиси 515 [1121 йил 23 сентябрда, сешанба куни] туғилиб, 544 [1149-50] йилда зиёрат учун ҳажга бориб қайтди. Зу-л-қаъда ойининг 4-си 573 йили [1178 йил 24 апрелда] Самарқандда «Ҳидоя» китоби-

ни¹⁵³ ёзиб битказди. Сешанба кечаси 14-зу-л-ҳижжа ойи 593 йили [1197 йил 29 октябрда] ёруғ дунёдан тупроқ маҳалласининг қоронғулик хонасига кўчди¹⁵⁴, унга тангри-нинг раҳматлари бўлсин.

Йигирма биринчи. Самарқандлик шоир Ҳаким Сузаний-нинг қабри ҳам Чокардиза қабристонида, шайх Абу Мансур мазорининг яқинидадир. Имом Шихобуддин Умар Насафийнинг кўрсатиши бўйича, унинг вафоти 566 [1170-71] йилдадир¹⁵⁵.

Йигирма иккинчи. Ҳазрат Исмоил шайх мазори. [Ушбу мазор] шаҳар ичида, турклар Култепа деб атайдиган тепа-нинг шимолидадирким, шу мазор ушбу тепани ҳазрат шайх Абу Мансур мазорига бориладирган катта йўлдан ажратади. Исмоил шайх ҳазрат Нажм уд-дин Кубаронинг халифаларидан экан¹⁵⁶.

Йигирма учинчи. Дарвиш Холид мазори¹⁵⁷. Дари Занжир маҳалласидадир. У Ҳусайн Хоразмийнинг халифаларидан бўлиб, сулуки жаҳрия экан. Дари Занжир Амир Темур кўрагон хотинининг работи бўлиб, Чокардизанинг ғарб томонида ва мусулмонларнинг қабристонига туташган¹⁵⁸.

Йигирма тўрт. Яъқуб Абу Лайс мазори. Яъқуб Абу Лайс самарқандлик фақиҳ ҳазрат Абу Лайс¹⁵⁹ наслидандир. [Унинг] қабри фақиҳ Абу Лайс маҳалласида. Дари Занжир маҳалласининг жанубидадир. У киши мазорининг зиёрати сербаракотдир.

Йигирма бешинчи. Ҳазрат Саййид Бакри-д-дин мазори. Бу кишини турклар Тегирмончи ота деб атайдилар. Унинг мазори Ялангтушбий маҳалласида, Яъқуб Абу Лайс мазорининг яқинида, ғарби-жанубий бурчагида, ундан юз одим чамаси олисроқдадир. Дерларким, Саййиднинг масжидида дуо қабул бўлур. У турк шайхларидан экан. Ҳазрат султон авлиё Хожа Аҳмад Яссавийнинг тегирмончилик ишлари Саййид Бакри-д-динга тегишли бўлган. Бу гумном роқим юзини ул кишининг оstonаларига суркардим ва кўпдан-кўп кушойишларни кўрардим, ул кишига худонинг раҳмати бўлсин.

Йигирма олтинчи. Мавлоно Дарвиш мазори. Самарқанд ичида, мавлоно Маҳдуми Хоразмий¹⁶⁰ маҳалласида, шайх Абу Мансур Мотуридий мазорига бориладиган катта

йўлнинг жанубида, Махдуми Хоразмий авлодлари гумбазининг шарқ томонида ва ундан юз одим чамаси олисроқдадир. У «Ҳидоя» китобининг муаллифи мавлоно Бурҳонуддиннинг шогирдларидан эди. Ҳазрат мавлоно Дарвишга ҳолу қол¹⁶¹дан ғолиб бўлган миллат ва дин ғолиби ҳазрат Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор кўпинча ҳазрат мавлоно Дарвиш мазорининг зиёратига келар эди. У кишининг [мавлоно Дарвишнинг] мазори сербаракотдир. У кишига Тангрининг раҳмати бўлсин.

Йигирма еттинчи. Хожа Муҳаммад Фазлий Шақиқий Балхий мазори. Шаҳар дарвозаси бўлган ва бурунги замонларда «Фируза дарвозаси» деб аталадиган Қаландархона дарвозаси ёнида, шаҳар ичида, қўрғон деворининг яқинидадир. Ушбу мазор шу от билан машҳур бўлса-да, лекин Хожа Муҳаммад Фазлий Шақиқий Балхий мазорининг Балҳада эканлиги белгиликдир, яна Тангри яхши билади¹⁶².

Йигирма саккизинчи. Ҳазрат Хожа Авлиё мазори. Ҳазрат Хожа Аҳрор, сирлари муқаддас бўлсин, мадрасасига бориладиган катта йўлнинг кунчиқарида, шаҳар ичида, хонақоҳ маҳалласидадир. Хожа Авлиё даҳбедлик Махдуми Аъзам¹⁶³ наслидан бўлиб, шайхликда Бобо Зайнулдин Ҳиндийга ҳам муридлиги бор эди... Хожа Авлиё мазорининг шимол томонида ўзга бир мазор бордир. Лекин кимники эканлиги белгулик эмас. Бу кишининг мазори нурли ва сербаракотдир.

Йигира тўққизинчи. Ҳазрат Хожа Нисбатдор мазори. У шаҳар ичида, катта кўчанинг кунчиқарида, Сўзангарон дарвозасининг яқинидадир. Таржимаи ҳоли белгилик эмас.

Ўтизинчи. Ҳазрат Саййид Ошиқ мазори. [У] шаҳар ичида, ҳавзи Жомеъким, ҳавзи Сангин деб [ҳам] аталадиган маҳаллада, ҳовуздан 200 одим чамаси олисроқда, катта йўлнинг жануб томонидадир. Саййид Ошиқ Самарқандда Улуғбек мирзо замонида вазъ айтмоқ билан шуғулланар эди. Айтадирларким, бир кун Саййид [Ошиқ] Мирзо Улуғбек олдида жуда қаттиқ тил билан ваъз айтди. Улуғбек мирзо: «Эй Саййид! Мен ёмонроқми, Фиръавн», деб сўради. Саййид: «Фиръавн», деб жавоб берди. Мирзо яна «Сиз яхшироқмисиз, ё Мусо?» деганда, Саййид: «Мусо алайҳи-с-са-

лом», деб жавоб қайтарди. Сўнгра Улуғбек мирзо айтди: «Тангри таоло Мусога яратилмишларнинг энг ёмони бўлган Фиръавнни тўғри йўлга уннаганда, «қаттиқлик билан аччиқ сўламагил, балким юмшоқ ва чучук тил билан гапиргин», деб буюрди. Энди сиз Мусодан ортиқроқ бўлмай туриб, Фиръавндан ёмонроқ бўлмаганим ҳолда, менга каттиқ тил билан гапирасиз»¹⁶⁴. Саййид бу сўзни эшитгач сукут қилди ва индай олмасдан ҳайрон бўлиб қолди. Бир азиз: «Саййид учун жавоб беришга йўл бор эди, лекин подшоҳ салобатидан жим қолган бўлса керак», дейди. Миллат ва дин ролиби ҳазрат Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор, унинг сири муаззаз бўлсин, айтганларки, [ҳазрат Саййид Ошиқ] ваъз мажлисида яхши сўзлар эдилар. [У киши] яна деганларким, бир киши тушида ҳазрат Мусо алайҳи-с-салом қабрига бориб зиёрат қилган. У ерда [Мусони эмас, балки] ҳазрат Саййид [Ошиқ]ни кўрган.

Ўттиз биринчи. Ҳазрат Хожа Муҳаммад Қотонғу мазори. [У] Қабз мазори деб машҳур бўлган. Бу мазор шаҳар ичида, Шердор мадрасасининг ташқари саҳнидадир¹⁶⁵. Дерларким, у ҳазрат султон Хожа Аҳмад Яссавий¹⁶⁶ наслидан ва турк шайхларидан эди. Баъзилар ушбу мазор эгаси Хожа Муҳаммад Даштинаботийникидир, дейдилар. Даштинабот Ҳисори Шодмон вилоятида бир ўриндир. У кишининг кароматларидан бири, ҳайвон ва инсоннинг сийдиги тўхталиб қолса, шу мазорнинг теварагидан айлантирилса, дарров соғайиб кеттусидир. Бу кўздан кечирилгандир. У кишининг мазорлари сербаракотдир.

Ўттиз иккинчи. Мавлоно Абу-л-Макорим мазори. Тиллакорий жомеъининг кунботар томонида, ундан 200 одим чамаси олисроқдадир. Абу-л-Макорим «Мухтасари виқоя»га шарҳ ёзганлардан бўлиб¹⁶⁷, Муҳаммад Шайбонийхон [шоҳ] Будоқ султон ўғли замонида фикҳ илмида замонанинг биринчи олимларидан эди, Шайбонийхон у кишидан бир қийин масала тўғрисида фатво сўраганда, у жавоб ёзмади. Шунинг учун Шайбонийхон тажрибасизликдан буюриб, у кишини арра билан шаҳид этдирди. Дерларким, ўзи ҳам бир неча кундан кейин Марвда, шоҳ Исмоил Сафавий билан бўлган урушда қилич дами билан боши кесилиб, шаҳид бўлди¹⁶⁸.

Ўттиз учинчиси. Хожа Охирий мазори¹⁶⁹. Шаҳар ичида, Новадон булоғининг тепасида. Новадон булоғи ариғи ва Самарқанд ўрдасининг кунчиқар томонидаги деворининг қаршисидадир. Ўрда қўрғони девори билан хожа [Охирий] мазори орасида Новадон ариғи ўрталиқдир. Ушбу хожа-нинг аҳволи белгилик эмас ва ҳеч кишидан эшитилмаган ҳам.

Ўттиз тўртинчиси. Ҳазрати Хожа Абу-л-Фазл Балхий мазори¹⁷⁰. Бу кишининг кунъяти Абу Абдуллоҳдир. Мазори шаҳар ичида, [унинг] шимоли ғарбийсида, Пойқабоқ дарвозаси яқинидадир. Хожа Абу-л-Фазл саййид, олим ва очиқ кароматли, ойдин даражалар эгасидир. Балхдан Самарқандга келган, бунда қозилик мансабига қўйилган. Бир оздан сўнг Арабистонга сафар қилиб, ҳажж этгандан кейин, яна Самарқандга қайтиб келибди. [Насаби] Сиддиқи Акбар [Абу Бакр]га туташади. Хожа Абу-л-Фазл ҳазрат имом [Мусо] Козим наслидан бўлган Жалол уд-дин Бағдодий ибн Саййид Муҳаммад Муслим қизига уйланди. Ундан Хожа Абу-л-Боқий туғилди. Ундан Хожа Саййид Ашраф, ундан хожа Саййид Низом уд-дин, ундан хожа Саййид Али, ундан хожа Саййид Имод уд-дин, ундан хожа Шамс уд-дин, ундан амир Шихоб уд-дин, ундан мир Абу-л-Боқий, ундан Хожа Мир Боқий, ундаи Хожа Абд ул-Муъмин, ундан Хожа Абд-ул-Фаттоҳ, ундан Хожа Шоҳ Мирхожа, ундан Моҳпора бегим деган қиз туғилди. Ушбу Моҳпора бегим уламолар устоди ва фозиллар саййиди ҳазрат мавлоно Файзий ибн ҳазрат Мавлоно Орифга турмушга чиқди. Мана шулардан замона олимларининг аълами жаноб мир Абд ул-Хайрхожа туғилди. Мир Абд ул-Хайрхожадан Самарқанд шайх ул-исломи ва бир неча китобнинг муаллифи бўлган жаноб Мир Абд ул-Хайрхожа¹⁷¹ туғилди, ундан Самарқанд қози калони ҳазрат Мир Абу Саъидхожа¹⁷² туғилди. Ундан ушбу китобнинг муаллифи мен — Абу Тоҳирхожа туғилдим¹⁷³.

[Яна бир мазор] Ҳазрат мавлоно Файзийнинг мазори. [Ушбу мазор] Шаҳрисабз вилоятида Амкана [Хожа илм кони] деган ўринда, Ҳазрат хожа Амкан мазористонидадир. Мир ҳазрат мавлоно Абд ул-Хайрхожанинг қабри Самарқандда хон Саййид имом ғуристонидадир. Ҳазрати мавлоно Мир

Абд ул-Ҳайнинг қабри Носир ал-миллат ва ад-дин Хожа Убайдулло Аҳрор мазористонида бўлиб, Хожа Аҳрор мазори тафсилоти ёзилганда кўрсатилади.

Ўттиз бешинчи. Ҳазрат Хожа Муҳаммад ибн Восеъ мазори. Шаҳар ичида Ҳазрати Шоҳ дарвозаси деб аталадиган Оҳанин дарвозасига бориладиган катта йўлнинг шарқ томонида, шаҳар қўрғони деворининг остидадир. Бу кишини Ҳазрати Шоҳ ёронларидан дейдилар. Ушбу мазор ёнидаги масжид дуо қабул қиладиган ўриндир.

Ўттиз олтинчиси. Ҳазрат Мавлоно Зоҳид Афкори Самарқандий мазори¹⁷⁴. Ҳозирда Ҳазрати Шоҳ дарвозаси деб иомланадиган дарвозанинг табақаси орқасидадир. Дерларким, мавлоно қирқ чилла ўлтириб, жинлар ва фаришталарнинг кўпчилигини ўзига қаратиб олган. Мавлоно [тириклик] кунларида Самарқандда қаттиқ қаҳатчилик бўлди. Мавлоно [буни дафъ қилмоқ учун] ҳужрасининг деворига алифлар шаклидан ҳалқа ясадилар. Тамоми шаҳар аҳлининг бўш қолган хоналари буғдой билан тўлиб, барча маъмур ва мўл-кўл бўлиб кетди. Баъзи кашф аҳллари мазкур дарвозадаги мазор мулло Саккокийнинг қабри, деб тасхир қилганлар. Эҳтимол, бу кейинги [ёки] аввалги лақаблари бўлса, яна Тангри билади.

Ўттиз еттинчиси. Хожа Жонхожа мазори. Шаҳар ичида, Амир Темур масжиди жомеъининг (Бибиҳоним) кунботар томонида, унинг яқинидадир. Хожа Жон, ҳазрат Охундий Азизоннинг халифаларидандир. Охунднинг таржимаи ҳоли «Ламаҳот» китобида¹⁷⁵ бор. (Ҳазрат Олим Шайх авлиёлар мақомоти ва ҳазрат Султон хожа Аҳмад Яссавийнинг Султония силсиласида ёзилгандир).

Ўттиз саккизинчиси. Ҳазрат Аммаи Шоҳ мазори. Катта кўчанинг кунботар томонида Хожа Жонхожа мазорининг яқинида, бир оз жанубий бурчакка мойилдир. Хожа Жонхожа мазори билан Аммаи Шоҳ мазори ораси 300 одим чамаси келади. Бу кишининг ҳазрат шоҳ Қусам ибн Аббоснинг аммаси эканлиги машҳурдир. Яна Тангри яхши билади.

Ўттиз тўққизинчиси. Ҳазрат Хожа Зудмурод мазори. Шаҳар ичида Амир Темур кўрагон жомеъидан (Бибиҳоним) Пойқабоқ дарвозасига борадиган катта йўлнинг жанубидандир. Ушбу мазор эл аро ҳазрат Жиржис пайғамбар мо-

⁶ «Осор ул-билод» ва «Ахбор ул-ибод». Космографияга оид бир асар. Бу асар 1275й. ёзилган («Кашф аз-Зунун», 1-жилд, 49-саҳифа). Муаллифи Закариё ибн Муҳаммад ал-Қазвинийдир. Вафоти 1283 эрур (С). Сатторийнинг «Закариё ўлими» тарихи учун кўрсатилган рақами янглишдир. Зеро «Қомус ул-аълом»да, Закариё ибн Муҳаммад ал-Қазвиний «Ажойиб ул-махлуқот» номи машҳур китобиинг муаллифидир, бу китобни 764/1362-63да ёзилган, дейилган. («Қомус ул-аълом» 4-жилд, 2417-бет.) Сатторий кўрсатган рақамни мелодийга айлантирганда ҳам мос келмайди, Зеро у ҳолда «Ажойиб ул-махлуқот»ни 764/1362-63 да, яъни ўлимидан 79 й. кейин ёзган бўлади (Айний. Кейинчалик А). Закариё ибн Муҳаммад ибн Маҳмуд ал-Қазвинийнинг вафоти хусусида Сатторий келтирган сана тўғридир. Олим ҳ.600/1203-1204 йили туғилиб, ҳ. 682/1283-84 йили вафот этган.

⁷ Шарқда Искандар Зулқарнайн номи билан машҳур бўлган македониялик подшоҳ Искандар (эрамиз. ав. 336-323 йиллар)..

⁸ Девори қиёмат – Самарқанднинг қадимий девори. Унинг жанубдаги қисми Девори кўндаланг аталган.

⁹ «Бобурнома»да Самарқанд қўрғонини тўғрисида бундай ёзилган: «Қўрғоннинг асил (ёни)нинг устидан буюрдиким, қадам урдилар. Ўн минг орти юз қадам чиқди». Бобурнома, 63-саҳифа). Бу Бобур қадам урдирган қўрғон Амир Темур иморатиникидир (А).

¹⁰ Шаббўй – кечаси ис берувчи маъносидадир. Ҳақиқатан бу гул фақат кечаси ис беради (А).

¹¹ Испанаж ҳам дейдилар («Ғиёс-ул-лурот», 39-саҳифа). Аммо машҳури испанокдир (А).

¹² Самарқанд шаҳрининг яқинида бир мавзеъ ушбу гиёҳни кўп ўстирган учун «Каварзор» аталган (А).

¹³ Аҳмақдона маъносидадир. Йўллар устида, сел оқадиган жойларда ўсгани учун бу от билан аталган (А).

¹⁴ Яна бошқа бир манбаъда («Баҳр ул-асрор», 71-б) – Зарафшоннинг яна бир қадимий номи кўрсатилган – Наҳри Бўй.

¹⁵ Туман (муғулча-тумин) – ўн минг деган маънони англатади. Ўн минг аҳолиси бўлган, ёки ўн минг кишилиқ кўшин етказиб беришга қодир бўлган музофот (окрут). Анҳор тумани Самарқанднинг ғарбий тарафида бўлиб, унинг

жанубий чегараси тоғ этакларигача, шимолий томони Зарафшон дарёси, ғарбий чети чўл билан чегараланган. Шовдор тумани эса шаҳарнинг шарқий тарафида бўлиб, жанубий чегараси тоғ этакларига, шарқ ва шимол тарафидан Зарафшонга туташган.

¹⁶ Суғуди калон туманига Оқ дарёнинг ўнг соҳилидан Алиобод туманигача бўлган ерлар кирган. Зарафшон икки сойга: Оқ, дарё ва Қора дарёга ажралган жойдаги оролнинг юқори қисмида жойлашган музофот Офаринкент аталган.

¹⁷ Боғи шимолнинг саройи мураббаъ бўлиб, ҳар бир тарафи бир минг беш юз қадам эди. Унинг мармар нақшлари муъжиби ҳайрат бўлиб, ери қора ёғоч ҳам фил тишидан ишланган музойиқ (нақшланган) эди. (Бухоро тарихи, 31-саҳифа (А).

¹⁸ Боғи биҳишт саройи гўзал, услуби меъмориси ҳам фараҳфизо боғчаси ила машҳур эди. Шарафуддиннинг ривоятча, ул сарой хандақ ила муҳот, сунъий тепа узарида соф оқ табриз мрамаридан бино этилмиш; бир неча кўприклар ила боғга муттасил бўлиб, унинг бир тарафида ҳайвонот боғчаси бор эди. (Вомберийнинг мазкур асари, 1-жилд, 300-саҳифа (А).

¹⁹ Боғи дилкушо тўғрисида Бобур ушбу маълумотни беради: «Самарқанднинг шарқида икки боғ солибтур, бириким йирокроқтир, Боғи бўлдиур, ёвуқроғи Боғи дилкушодир. Андин Фируза дарвозасигача хиёбон қилиб, икки тарафида терак ёғочлари эктуруптур. Дилкушода ҳам улур кўшк солдурубтир, ул кўшкта Темурбекининг Ҳиндистон урушини тасвир қилибдурлар» («Бобурнома», 64-саҳифа).

²⁰ Вамбери «Бухоро тарихи» ҳошиясида (1-жилд, 291-саҳифа) Кони гил тўғрисида бундай ёзган: «Шарафуддиннинг Пети Де ла-Круа таржимасида доимо «Хони гул» дсб айтилар. Аммо мен бунга эътироз билдираман, чунки Бобур ҳасби ҳолида ёзгани каби «Қони гул», яъни асах бўлса керак. Чунки «Хони гул» бемаънодир. Аммо «Қони гул» форсийча «гулларга муҳаббат» маъносини англатада. Аммо биз «Қони гул» ёки «Кони гул»дан «Гулларга муҳаббат» маъносини сира англай олмадик. Бу сўз «Кони гул» бўлгани тақдирда «Гулнинг кони», яъни гулнинг маъдани маъносида бўлур эди. Лекин ҳақиқатда бу сўз на «хони гул» ва на «қони гул» ва на «кони гул»дир. Сафол идиш-

ларга ишлатиладиргон «гил» отли бир турли лойнинг маъдани бу ердадир. Шу муносабат билан халқ ҳам бу кунгача бу ерни «Кони гил» атамоқдалар (А).

²¹ Муғул даври, Чингизхон жанжали, яъни муғуллар хуружи йиллари (1220-22 йиллар) (С).

²² Ушрий - шариат бўйича маҳсулотнинг байт ул-мол, яъни давлат хазинасига бериладиган ўндан бир қисми («Қомуси туркий», II жилд, 937-саҳифа).

²³ Ҳозирда «Чупон ота» тоғи деб аталади (С).

²⁴ В.Л.Вяткин таржимасида «На этой возвышенности нет ни деревьев, ни источников», дейилган («Самария», перев. В.Л.Вяткин. // СКСО, вып. VI. 164 - бет). «Самария»нинг асл нусхаларида ҳам шундай дейилган («Самария», Ўз ФА ШИ кўлёзмаси. инв. № 412, в.101 а).

²⁵ (Боғи баланд - Улугбек расадхонасининг юқори томонида, ҳозирги шаҳар аэропорти атрофидадир.)

²⁶ Боғи майдон - шаҳардан аэропортга бориш йўлида.

²⁷ Қутайба - VIII аср бошларида Ўрта Осиёни босиб олган машҳур фотиҳ Қутайба ибн Муслим (669-715). Фарғонада ўлдирилган.

²⁸ Ҳазрати Хизр - афсонавий Хизр пайғамбар. Афсоналарга кўра, у қандайдир оби ҳаёт топган.

²⁹ Абу Мансур Мотуридий - Ҳанафия мазҳабининг кўзга кўринган етакчиларидан бўлиб, тулиқ исми Муҳаммад ибн Муҳаммад Абу Мансурдир; 333 /944-45 йили вафот этган.

³⁰ Ажам йили - қуёш йили. Йил боши баҳордан, 21-22 мартдан ҳисобланиб, Наврўзга тўғри келади.

³¹ Дониёл-Бану Исроил (яхудий) пайғамбарларидан бўлиб, милоддан аввалги 600 йилларда ўтган. Лекан у Самарқандда истиқомат қилганлиги маълум эмас («Қомус ул-аълом», III жилд, 2104-саҳифа).

³² Аббос ўғли Қусам - Қусам ибн Аббос ибн Абд ул-Муталлиб ибн Ҳошим ал-Қарши ал-Ҳошимий. Муҳаммад пайғамбарнинг амакиси. Халифа Али ибн Аби Толиб замонида Макка ёки Мадинада волий бўлган. Муаввийя замонида Саййид ибн Усмон билан Самарқандга келиб, шу ерда ўлдирилган («Қомус ул-аълам», V жилд, 3603-саҳифа).

³³ Бу сўз, «Самария» китобида «қатурон» суратида ёзилган. В.В.Бартольд томонидан тўпланиб, 1898 да Петербургда босилган «Туркистон» китобининг «Китоб ул-ансоб»дан олинган парчасида (56-саҳифа) бу сўз «қитвон» суратида

қайд қилинган. Мазкур китобнинг шу парчасида 2-ўринда Алкитвоний моддаси баёнида (с.64) бу сўз ҳақида ушбу тафсилот бор: Самарқанднинг 5 тошлиқ узоқлигида катта бир қишлоқдир. Унда жомеъ, минбар, мусулмонларнинг ўлдирилган ўринлари ва шаҳидларнинг қабрлари бордир. Лекин Самарқанд аҳли бу сўзнинг тоғнинг сукуни (қатвон) билан айтадирлар. Менинг гумонимча ҳаракатлик (қатавон) бўлса керак (А).

³⁴ Салжукийларнинг олтинчи ҳукмдори. 479/1086-87 йили туғилиб, 520/1126 йили вафот этган.

³⁵ Қорахитойлар – XII асрда Мовароуннаҳрни тобе қилган сулола (батафсил қаранг: Бартольд В.В. История культурной жизни Туркестана. 253-255 – бет).

³⁶ Мазкур китобнинг (Бартольд, Туркестан) «Мажмайи фасиҳий»дан олинган парчасида» (160-саҳифа) ушбу урушнинг 533 ҳижрийда (милодий 1138-39й.) воқеъ бўлгани маълум бўлади (А).

³⁷ Хожа Санграсон – асл номи Хожа Муҳаммад Хомуий бўлиб Санграсон унинг лақабидир; Қусам ибн Аббоснинг сафдошларидан. Ривоятларга қараганда, у самарқандликлар билан жанг қилган ислом лашкарига тош ташиб бериб турган ва унинг бу лақаб билан аталиши шу сабабдандир.

³⁸ Шайх Ходим – Мовароуннаҳр ва Шошда зўр нуфузга эга ва куп муридлари бўлган Шайх Маъдуднинг катта халифаларидан (Батафсил қаранг: «Рашаҳот», 16-18-саҳифалар).

³⁹ Маҳдуми Хоразмий – Кубравия тариқатининг кўзга кўринган шайхларидан мавлоно Камолуддин Хусайн Хоразмий. Хондамирнинг айтишича, 830/1426 да кўчманчи ўзбеклар томонидан ўлдирилган («Ҳабиб ус-сийяр», т. IV. 9-саҳифа). Алишер Навоий 839/1435 йили вафот этганлигини айтади («Мажолис ун-нафоис», 157-саҳифа).

⁴⁰ Қирқ бир исми тасхир этиш – Тангрининг 41 исми қайд қилинган махсус дуо. Уни мазор ва муқаддас ҳисобланган ёрларда ўқишган. Ривоятларга қараганда, бу дуо билан жинларни енгиш ва уларнинг устидан ҳукмронлик қилиш мумкин эмиш.

⁴¹ Ҳазрати шоҳ – бу ерда юқорида номи зикр этилган Қусам ибн Аббос (батафсил 32-изоҳга қаранг) назарда тутилади.

⁴² Кутайба қўл остида араб қўшинининг Самарқандга кириши 93/711-12 йилдадир (С).

⁴³ Амир Музаффарнинг хонлик даври (1277-1303/1860-1865) (С).

⁴⁴ Абдулло - иккинчи халифа Умар Хаттобнинг (13/634-35 - 23/644-45) ўғлидир (С).

⁴⁵ Ҳозирда ҳазрати Умар масжиди масжиди Кабуд деб аталмайди. Улуғбек мадрасасининг шимоли-ғарбий тарафидаги Кук масжидга алмаштирилмасин (А).

⁴⁶ Саъид учинчи халифа Усмоннинг ўғлидир. Фотима Валид қизидан турилгандир (С).

⁴⁷ Умар Насафий ҳақида 9-рақамлик изоҳга қаранг (А).

⁴⁸ Ҳозирда мавжуд Абу Саъидхоннинг дахмаси Умар масжидининг шимолида эмас, жанубидадир. «Самария»да котиблар хатоси билан «шимол» ёзилган бўлса керак (А).

⁴⁹ Абу Саъидхон Кучкинчихон ўғлининг қabri Улуғбек мадрасасининг жанубида, унинг яқинида солдирган мадрасасидадир. Бу мадраса Кучкинчихоннинг тириклиги чоғида солиниб, ўзи ҳам унда кўмилган эди. Абу Саъидхон Самарқандда уч йил ҳукмдорлик қилиб, 940 ҳижрий (1533-34 милодий)да ўлди ва шу мадрасада кўмилди. Булардан бошқа Шайбонийлардан яна бир неча хоннинг ва Абу Саъидхоннинг хотин ва болаларининг қабрлари бор эди. Ҳозирги кунда ушбу дахма Чилдухтарон номи билан, ҳовли ўртасида, тоمسиз, бузуқ бир ҳолда мураббаъ шаклида мавжуддир. Саййид Шариф Роқим ўз тарихида шу мадраса тўғрисида ёзганда, ўша замонда бутун ва маҳкам бир йўсинда бўлганини айтандир ва шу дахмадаги соғона тошларини мана шундай санаб кўрсатади: 1.Кучкинчихон (ўлими 25 жумоди ал-охир, ҳ.937/16 февраль 1531). 2.Султон Абу Саъид Баҳодурхон (ўлими сафар ўртасида, ҳ.940/22 август-20 сентябрь 1533). 3.Кучкинчихон ўғли Абдулло Баҳодурхон (ўлими жумъа куни раби ул-аввал ойининг учинчисида, ҳ.947/8 июль 1540). (С).

⁵⁰ «Самария»нинг қўлёзма нусхаларида (Ўз ФАШИ қўлёзмаси, инв. 412, в.108*) ҳамда В.Л.Вяткин таржимасида (168-саҳифа) - хожа Абу-л-Фазл Бағдодий. Н.И.Веселовский таълиқида эса хожа Абу-л-Фазл Балхий.

⁵¹ Амир Темур ва Шайбонийлар замонида «Ҳаёти хон» (хон деворлари) аталмиш маҳалла. Бу ерда Темур замонида ўтган қўғирчоқ хонлар Суюрғатмиш ва Султон Маҳмудхонлар истиқомат қилишган. Бошқа маҳаллалардан балоң девор билан ажратиб қўйилган. Унинг «Дари занжир» («Занжирланган эшик») оталиши ҳам шундан.

⁵² Ушбу масжиди жомеънинг харобаси ҳозирда ҳам бор. Бибихоним мадрасаси номи билан юритилади (А).

⁵³ «Самария»нинг қўлёзма нусхаларида (Ўз ФА ШИ қўлёзмаси, инв. 412, в.107^а.) –як саду наваду як (191) ёзилган.

⁵⁴ Қуръон, Ол-Имрон сураси, 97-оят.

⁵⁵ Заҳриддин Бобур мирзо Темур иморатлари қаторида ушбу жомеъ масжиди тўғрисида мана бу маълумотни беради: «...Оҳанин дарвозасига ёвуқ, қалъанинг ичида бир масжиди жумъа солибдир, аксар Ҳиндистондан элтган сангтарошлар онда иш қилибдирлар. Масжиднинг пештоқи китобасида бу оятни «ва из ярфау иброҳим ул-қавоида (ило охириҳи)» ...андоқ улут хат билан битибдирларким, бир курух ёвуқ ердин ўқуса бўлур. Бу ҳам кўп олий иморатдир. «Бобурнома», 64-саҳифа.

⁵⁶ В.Л.Вяткин тахминича, бу масжиднинг дарвозалари Аштархонийлар ҳукмронлигининг сўнгги вақтларида, XVIII асрнинг 40–50 йиллари йўқолган («Самария», 234-саҳифа).

⁵⁷ «Самария»нинг бу ери бутун тарихчилар иттифоқида хилофдир, зеро тарихчилар (жузъий ихтилофлардан кўз юмсақ) бу нуқтага яқдидирларким, Шоҳруҳ Халил султонни мансабдан тушириш учун Самарқандга келмаган. Шоҳруҳ келмасдан бурун Халил Султон Шодимулк исмли ўз маъшуқаси билан ораларида ўтган мажоролар баҳонаси билан Худойдод ва Шайх Нуриддин отлиқ беклари томонидан асир тариқасида аввал Кошғарга, сўнгра Олатоққа кўчирилган. Шоҳруҳ мирзо бекларнинг Султон Халилга қарши исёнларини, Самарқанд тахтининг Темурийлар қўлидан чиққанини эшитиб, Ҳиротдан Мовароуннаҳрга юруш қилган. Натижада бекларни енгган, Халил Султонни қутқазган. Фақат яна бу ошиқ шоирга Темур пойтахтини топширишни муносиб кўрмай ўз ўғли Улуғбекни қолдирган (А). Айний домла Халил Султонни «ошиқ шоир» аташига сабаб шулки, у ҳам Темурнинг кўпчилиқ набиралари сингари ўқимишли ва шоир бўлган.

⁵⁸ «Самария»нинг мадраса тарихи учун қўйган рақами хатодир, зеро Улуғбек ҳукумати 812/1409–10дан бошланган. 16 йил, бундан кейин 828 бўлади. Саййид Роқим ҳам ўз китобида Улуғбек мадрасаси тарихини 828/1424–25 қайд қилган (А).

⁵⁹ Бобур мирзонинг ривоятига кўра, Улуғбек ўз мадрасининг жанубида «Муқаттаъ» отлиқ бир масжид солган. Ушбу масжиднинг деворлари ва сақфи бутун қитъа-қитъа қилинган ёрочлардан ясалгани учун «Муқаттаъ» аталган (А). Саййид Роқим илму фан бу ерда илгаригидан ҳам зиёд тараққий этганлигини ёзган. Лекин мадрасанинг иккинчи қаватини ўзбеклар бузганлиги ҳақида ишончли манбаъларда бирор маълумот йўқ. Афтидан бу воқеа кейинчалик юз берган бўлса керак (яна қаранг: В.А.Вяткин, 235-саҳифа).

⁶⁰ Бобур мирзонинг ривояти бўйича, расадхона иморати уч ошёналик эди («Бобуринома», 65-саҳифа) (А).

⁶¹ Улуғбекнинг расадхона атрофидаги иморатлари тўғрисида Бобур мирзо мана бу маълумотларни беради: «Яна пуштайи Куҳакнинг доманасида ғарб сари боғе солибдир, Боғи майдонга машҳурдир. Бу боғнинг ўртасида бир иморат қилибдир. Чиҳил сутун дерлар, ду ошёна, сутунлари тамоми тошдан. Бу иморатнинг тўрт бурчида тўрт манордек буржлар кўпорибтурким, юқорига чиқар йўллар бу тўрт бурждиндир. Ўзга тамом ерларда тошдин сутунлардир. Баъзини морпеч хийра қилибтирлар. Юқориги ошёнанинг тўрт тарафи айвондир, сутунлар тошдин. Ўртасида чордара уйдир. Иморат курсисини тамом тошдан фарш қилибдирлар. Бу иморат пуштайи Куҳак сари доманада яна бир боғча солибдир, анда бир улуғ айвон иморат қилибдир, бу айвоннинг ичида бир улуғ тош тахт қуйибдир, тули тахминан ўн тўрт-ўн беш қари бўлғай, арзи етти-саккиз қари, умқи бир қари. Мундоқ улуғ тошни хили йироқ йўлдан келтирибдирлар. Ўртасида дарз бўлибдир. Деярларким, ушбу ерда келтиргандин сўнг бу дарз бўлгандир. Ушбу боғчада бир чордара солибтир, изораси тамом чиний, Чинихона дерлар...» («Бобуринома», 65-саҳифа) (А).

⁶² Алломаи қушчи, ёки мавлоно Аловуддин Али Қушчи Улуғбек қўл остида тарбия топиб, унинг томонидан «маънавий ўғлим» деб аталган эди. Риёзиёт ва ҳайъат илмларида биринчи олимлардан эди. Бу тўғрида ёзган асарларидан бизга маълум бўлган бири «Рисола ал-фалакиёт»дир. Бу асар хожа Насируддин Тусий томонидан ёзилган «Зичи Илҳоний» ва ўзга риёзий асарларга изоҳот йўсинидадир. «Тажрид» ва «Унқуди завоҳир» ва бошқа асарлар ҳам битган. Улуғбек ўлгандан кейин Кичик Осиё сари сафар қилиб

ҳ.879 (милодий 1474–75 й.) Истамбулда вафот этган ва Або Айюб Ансорий мазорига дафн этилган («Қомус ул-аълом», IV жид, 3197–саҳифа).

⁴³ Ушбу расадхона Шайбонийлар даврининг бошларида, остида олтин қумилган хаёли билан буздирилган эди. Бирон нима топилмагач шу қолатда қолдирилган эди. Замонни кечиси билан у тупроққа қумилиб кўздан йўқолди; билинмай-турган бўлиб қолди. 1908—1909 йилларда Василий Вяткин томонидан вақфномаларнинг кўрсатиши бўйича, расадхона бўлган тепа белгиланиб, қоздирилгандан кейин харобаси ер тагидан чиқди. Бу тўғрида ёзилган китобча расмлари билан ўзбекчага айлантирилиб «Инқилоб»да босилган эди. // «Инқилоб». 1924, №4, 7, 8. 29–30, 43–44–саҳифалар (яна қаранг: В.Л.Вяткин, 170–саҳифа). Агар расадхона Шайбонийлар даврининг бошларида буздирилган бўлсайди, бу хабар Шайбонийларнинг душмани бўлган Бобур мирзо қаламидан қутилмас эди. Мен ҳам расадхона бир ўзбек хони томонидан остида олтин қумилган гумони билан буздирилганини ёшлик чоғларимда бир китобда кўрган эдим. Аммо хоннинг оти, у китобнинг қайси китоб эканлиги эсимда қолмаган. Ҳарҳолда бу номақул ҳаракатнинг қаҳрамони Шайбонийларнинг биринчи даврасида бўлмаса керак (А).

⁴⁴ Келтирилган бу тарих тўғри эмас. Воқеа ҳ.853 (милодий 1449–50) й. содир бўлган (А). Улуғбекни 8–нчи рамазон 853 йилда Абд ул-Латиф одамларидан Аббос деган ўлдириб эди. Бу воқеага доир ёзилган тарихлардан бири будир:

Улуғбек баҳри улуми ҳикам,
Ки дини набиро аз ў буд пушт.
Зи Аббос шаҳди шаҳодат чашид,
Аз он гашт тарих «Аббос кушт».

Таржимаси:

Ҳикматлар дарёси (султон) Улуғбек,
Пайғамбар динининг таянчи бўлди.
Аббос қулидан шаҳидлик шарбатин тотгани учун,
Унинг ўлими тарихи «Аббос кушт» бўлди.

(Саййид Роқим, 97–саҳифа: Бу ерда «Аббос кушт» сузи тарих моддаси бўлиб, ҳарфларининг қиммати 853 дир).

⁷⁷ «Ялангтўш баҳодир» тарих моддаси бўлиб, абжад ҳисобда ҳарфларнинг қиммати 1028 (милодий 1618–19) йилни ҳосил қилади.

⁷⁸ Бунда Абу Тоҳирхожа икки хато қилган: бириси Шердордан 10 йил сўнг дегани ҳолда, 1051 (милодий 1641–42) йили тарих кўрсатган, ҳолбуки, Шердор тарихи 1028/1618–19й. эди. Иккинчиси шулким, Тиллокорийнинг қибласида мадрасанинг солиниш йили 1056 (милодий 1646–47) ёзилган. Бу ҳолда «Самария» рақами тамоман хатодир (А).

⁷⁹ Ҳозирда бу мадраса Мадрасаи сафед аталади (С). Хожа Аҳрорнинг туғилиши рамазон ойи 806 ҳижрий (милодий 1403/13 март–12 апрель), вафоти раби ул-аввал ойининг охири 895 йили (милодий 1490 йил, 18 феврал («Рашаҳот», 360–саҳифа). (А).

⁸⁰ Амир Алика кўкалтош, Шоҳрухнинг девон амири, туман қумондони, Марв ва Сарахс ҳукмдори, Исфаҳоннинг муҳассили бўлган. Қаранг: Муизз ал-ансоб (прославляющее генеалогии). Введение, перевод с персидского языка, примечания, подготовка факсимиле к изданию Ш.Х. Вохидова / История Казахстана в персидских источниках. Том III. Алматы:Дайк-пресс. 2006. 154 – бет.

⁸¹ Ушбу «кўктош» ҳозирда тупроқ кўрғон (бурунги арк) ичида соқланмоқда. У (узунча) шаклида бўлиб, узунаси тахминан ярим аршин, эни 2 аршин ва ердан юксақлиги бир аршин келади. Тош бурчакларида турли уймалар бор. Бу тошни ким келтирганлиги ва қачон бу ерда қумилганлиги ҳали белгилик эмас. Бу туғрида мана бундай ҳукм этсак мумкиндек кўринади: Улуғбек Жете (Муғулистон)дан учта катта тош келтирган эди. Шулардан бири мана шу кўктош бўлса керак. Яна бири Бибиҳоним мадрасаси ичида Қуръон ўқиш учун ясалган лавҳ йўсинида ҳозирда ҳам бор. Унда Улуғбек томоидан Жетедан келтирилганлиги ёзилган. Ўтган замонларда Бухоро хонларининг тахтга ўлтириш маросими мана шу кўктошда ижро этилар эди. Шайбонийлардан бошлаб манғитларгача бу одатнинг борлиги белгилқдир. Сатторийнинг ушбу тахминини бошқа далиллар ҳам қувватламоқда. Чунончи, Бобур мирзо Темур иморатлари қаторида Самарқанд аркидаги бинони Қўксарой оти билан зикр қилгани ҳолда, кўктош ҳақида ҳеч нарса демаган. Шунинг билан бирга Улуғбек иморатлари қаторида эсга олган. (Бобурнома, 64–65–саҳифа). Вамбери «Бухоро тари-

хи»да (13-саҳифа) ҳам Чиннихонадаги тошнинг Бобур мирзо ривояттича ўзи кўрган кўктошдан катталиги сабабли, бошқалигига ҳукм этади. Менинг гумонимча кўктош шу Чиннихонадаги Улугбек келтирган тош бўлса керак, «қари»ни «қарий» ўқимоқ керак. Шундай бўлганда, Чиннихонадаги тошнинг катталиги Сатторий чўтлаган кўктошга яқинлашади. Вамбери «қари»ни «аршин» таржима қилган, ҳолбуки, «қари» қулочдирки, икки ярим аршинга баробар келади. Бу ҳолда 15 қари 37 ярим аршин бўлурким, ҳеч бир ақлга сирмайди (А).

⁸² Ушбу мадраса ҳозирда 5 хужра ва бир масжиддан иборатдир (С).

⁸³ Бу ерда Абу Тоҳирхожа «тоғо» сўзининг орамиздаги маъносини эътиборга олиб, Нодир девонбегини Имомқулиннинг тоғоси деб кўрсатади. Ҳолбуки, Нодир Муҳаммад каби отаси ҳам Султон Мирзо «тоғой» унвони билан машҳурдир. Бундаи ташқари саҳифаларида «тоғой» деган қўшимчалик отлар анча учрайди. Бу тўғрида Абу Тоҳирхожа янглишган бўлса керак. Шу хусусда «тоғой» деган турлик уруғ бўлиб, Нодир Муҳаммад ҳам шунга мансуб кишилардан бўлмасмикин, деб уйланадир (С). Сатторийнинг Абу Тоҳирхожанинг хатоси тўғрисида қилган ҳукми Вамбери асари билан ҳам қувватланади. Вамбери «Бухоро тарихи» ва Имомқулихон зикрида, лекин Нодирни Назир деб ёзгани хато. Нодир девонбеги исмини айтиб ўтгани ҳолда (2-жилд, 142-143-саҳифалар), унинг «тоғо»лигидан ҳеч гапирмайди. Аммо Сатторийнинг иккинчи гумони бўлган «тоғой» уруғи тўғрисидаги мулоҳазасига кўнгил қаноат қилмайди, зеро, агар Мовароуннаҳрда «тоғой» деган ўзбек уруғи яшаган бўлса эди, 92 уруғни забт қилган халқ орасида бу кунгача махфий қолмас эди. Лекин «тоғо» сўзи уруғ оти бўлмагани ҳолда, ҳам лақаб йўсинида отоқли отларга қўшимча қилиниши мумкиндир. Бу одат бу кунгача эл орасида бор. Ҳарҳолда, Нодир девонбегининг орлот аймоғига мансуб бўлганини тарих забт қилгандан кейин унга бошқа бир уруғ ясаб чиқариш унча маънолик мулоҳаза бўлмаса керак (А).

⁸⁴ Ушбу мадраса ҳозирда Хожа Аҳрор мадрасаси номи билан машҳурдир (С).

⁸⁵ Нодир девонбеги Бухорода ҳам катта иморатлар қилган. Унинг тушматуш солинган мадрасаси билан хонақоҳи

ва бу иккаласининг орасидаги жуда катта ҳовузи Бухоро-нинг отоқли осори атиқасидан ва Бухоро халқининг табар-рук ва тамошогоҳларидан саналади. Нодир девонбегини Бухородаги хонақоҳнинг тарих моддаси «Маҳалли машой-их» бўлиб, ҳосили 1029 (милодий 1619-20) ҳавузиники «ҳавзи базур» бўлиб, бу 1029/1619-20 йилни кўрсатади. Ушбу қозиш учун халқ зўр билан мажбурий ишлатилганлиги сабабли, у вақтдаги бир танқидчи шоир тарих учун «ҳавзи базур» моддасини муносиб кўрган.

⁸⁸ Мозорлар саногида ва ўзга санокларда қўйилган ра-қамлар таржимонга тегишли (А).

⁸⁹ Аббос ибн Абд ул-Муталлиб ибн Ҳошим Муҳаммад-дан 2-3 ёш катта бўлиб, исломиятдан аввал Қурайш қабиласининг етакчиларидан бўлган. Ҳижрий 36/652-53 йилда 88 ёшида вафот этган. («Қомус ул-аълом», IV жилд. 30-59-саҳифа).

⁹⁰ Бу ерда имом Муҳйи-д-дин Яҳё ибн Шараф ан-На-бавийнинг (676/1277-78 йилда вафот этган.) «Таҳзиб-ул-асмо ва-л-луғот» китоби назарда тутилмоқда (батафсил қаранг: «Кашф уз-зунун», 350-саҳифа).

⁹¹ Асарнинг тўла ва тўғри номи «Асобату фи тамиз ас-саҳобати» бўлиб, 5 жилддан иборат. Муаллифи Ҳофиз Ши-ҳоб уд-дин Абу-л-Фазл Аҳмад ибн Али Асқулоний (852 / 1448-49 йил вафот этган). (Батафсил қаранг: «Кашф аз-зунун». 110-саҳифа).

⁹² Унинг асл исми Маъбад бўлган. Манбаларда келти-рилган маълумотларга кўра, Аббоснинг, қизлардан бошқа, 10 ўғли бўлган: 1)Фазл, 2)Абдулло, 3) Убайдулло, 4)Хусан, 5)Абдурахмон, 6)Маъбад, 7)Ҳорис, 8)Касир, 9) Авн, 10)Та-мом («Қомус ул-аълом», IV жилд, 3060-саҳифа).

⁹³ Асарнинг тўлиқ номи «Маориж ан-нубуват фи мадо-риж ал-футуват» бўлиб, Муъмин ибн Ҳожи Муҳаммад ал-Фароҳийнинг (907/1501-02 йил вафот этган) қаламига ман-субдир. Китоб 891/1486 й. Ҳиротда ёзилган ва исломиятдан аввал ўтган пайғамбарлар ва Муҳаммаднинг таржимаи ҳолига оиддир. (Асар ва унинг муаллифи ҳақида қаранг: СВР, т.IV. 13-21 саҳифалар).

⁹⁴ Тирмизий (тўлиқ исми Муҳаммад ибн Али ат-Тирмизий) – йирик шайх ва тасаввуф олим (х.292/904-05 й. вафот этган).

⁹⁵ Имом Ҳасан — халифа Алининг ўғли. Муҳаммад пай-ғамбарнинг набираси.

⁹⁴ Фотима — Муҳаммад пайғамбарнинг қизи, ҳ.11 йили 3 рамазонда (632й. 23ноябрда) вафот этган (батафсил қаранг: «Қомус ул-аълом», Vжилд, 3331-саҳифа).

⁹⁵ Али ибн Аби Толиб Рошиддин халифалардан бўлиб, милодий 599й. Маккада туғилган; ҳижрий 35/655-41/661й. ҳукмронлик қилган (батафсил қаранг: «Қомус ул-аълом», IVжилд, 3177-саҳифа).

⁹⁶ Муавия ибн Абу Суфён — Муавия сулоласининг асосчиси бўлиб, халифа Умар замонида 4 йил, Усмон даврида 12 йил, Али вақтида 4 йил, имом Ҳасан вақтида олти ой, ҳаммаси бўлиб, 20 йилдан сал ортиқроқ Димишқда, сунг Куфада (ҳ.41/661дан бошлаб) ҳоким бўлган. 60/679-80 й. вафот этган («Қомус ул-аълом», VIжилд, 4319-саҳифа).

⁹⁷ «Самария»нинг бошқа қўлёзмаларида (Ўз ФАШИ қўлёзмаси. инв.412 ва 1156 (Ҳазийлар ёнида).

⁹⁸ Имом Аби Абдулло Муҳаммад ибн Абдулло (ҳ.405/1014-15 й. вафот этган)нинг «Тарихи Найсабур» асари кўзда тутилмоқда («Кашф уз-зунун», 234-саҳифа).

⁹⁹ Бану Ножия қабристони Дарвозайи оҳанин орқасида бўлган. «Тарихи Табарий»да (X аср; Табарий ҳ.310/ 922-23й. вафот этган) айтилишича, Бану ножиya араб қабилаларидан бирининг номидир. Эҳтимол Самарқандда шаҳид бўлган араблар шаънига бу қабристони шу ном билан оталгандир. (Вяткин В.Л. «Самария», 247-саҳифа).

¹⁰⁰ Санжар — Салжуқ султонларидан бўлган Маликшоҳнинг тўртинчи ўғлидан бири эди, 412 /1021 йили оғаси Султон Муҳаммаднинг ўрнига «Муъиз ид-дин ва-д-дунё» лақаби билан тахтга минди. 535/1140-41 йилда Самарқанд музофотида «Қатвон» деган далада қорахитой хони Гўрхон билан уришиб енгилди; 30 мингча (бошқа ривоятга қараганда 70 минг) киши талафот бериб, Самарқанддан буткул қувилди. Ўлими 26 рабёз ал-аввал 552/12 май 1157 йилдадир (С).

¹⁰¹ Шоҳи зинда мазори баёнидаги диний таъбирлар ва муболиғалик тасвирлар таржимон тамонндан тушириб қолдирилган. Ёлғиз шу уч-тўрт йўллик шарҳча тасвир, яъни намуна учун таржима қилинди (А).

¹⁰² Султон Аҳмад — Темурийлардан Султон Аҳмад мирзо; Мовароуннахр ҳокими (873/1469 — 899/1494).

¹⁰³ Чингизия Султон Абу Саъид (716/1316 дан 736/1335) гача ҳукм сурган. Мундаги «Султон Абу Саъид» деб ёзил-

ган ёзма Чингизия Султон Абу Саъид бўлиши янглиш бўлса керак (С). Сатторий ўзининг ушбу гумонига бирон далил кўрсатмаган. Бизча бу ҳукмнинг сабаби мажҳулдир (А).

¹⁰⁴ Султон Абу Саъид – Темурийлардан; Мовароуннаҳр ва Хуросон ҳокими (855 /1451–873/1469).

¹⁰⁵ Абу Тоҳирхожа Тумон оқо даҳмаси узра бўлган ёзувни янглиш тушунгандир. Шунга кўра Тумон оқони Амир Мусо ўғли бўлган Амир Одилнинг қизи деб кўрсатадир. Тўғриси Тумон оқо, адолатли Амир Мусонинг қизидир. Яъни «Одил» сўзи исми хос бўлмайин Мусонинг сифатидир (С).

¹⁰⁶ Отнинг иккинчи бўлаги қўлимиздаги «Самария» нусхаларида йўқдир (С).

¹⁰⁷ Бу рақам менинг қўлимдаги «Самария»да 787 ёзилган. Аммо мен таҳқиқ қилган бўлса керак, деб тилмоч рақамини кучирдим (А).

¹⁰⁸ Тилмоч Сатторий арабча бўлган «табаррук» ва «таям-мун», форсийча «жуст» сўзини «эримланди» деб таржима қилган. Аммо мен «қутланди» сўзини мувофиқ топдим; «қутлуғ тилоди» деса ҳам тузук, негаким айнан таржима бўладир (А).

¹⁰⁹ . «Зафарнома», Ўз ФАШИ қўлёзмаси, инв. № 4262, в.305а – 305б.

¹¹⁰ Миёнсарой равоқининг сўл тамонида бундай деб ёзилган: «Ушбу буюк бинони Абд ул-Азизхон ибн Улуғбек кўрагон ибн Шохруҳ ибн Амир Темур кўрагон 838й. қурдирган».

¹¹¹ Бу ном таржимада «Абу Ҳусайн» шаклида ёзилган бўлиб, таржимон тамонидан хошияда «Абу-л-Ҳусно» шаклида қайд қилинган. Аммо менинг қўлимдаги «Самария»да Абу-л-Ҳасан эди. Мен шуни кучирдим (А).

¹¹² Савмаа – тарсо (христиан)ларнинг калисаси, сиғиниш жойи маъносида.

¹¹³ Шайх Ходим (Ходим шайх) Мавдуд шайхнинг улўғ халифаларидан бўлиб, унинг замонида Шош, балки Мовароуннаҳрда кўпчилик унга мурид бўлган (батафсил қаранг: «Рашаҳот», 16–18-саҳифалар).

¹¹⁴ Номи Муҳаммад Ҳасан. («Ламаҳот», 210-саҳифа).

¹¹⁵ «Нафаҳот ул-унс» – Нури-д-дин Абд ур-Раҳмон Жомийнинг (898/1492–93)й. вафот этган) асари бўлиб, тўлиқ номи «Нафаҳот ул-унс мин хазрат ул-қудс»).

¹¹⁶ (Хожа) Абу Юсуф Эроннинг Ҳамадон шаҳридан бўлиб, тасаввуф элининг «хожагон» ёки «нақшбандил» де-

ган силсиласига мансуб кишилардандир. У 440 (1048-49) йилда турилиб 535 (1140-41) йилда ўлди. Мозори Самарқандда эмас, Марвадир (С). «Рашаҳот» эгаси ҳам ушбу ривоятни тасдиқ қилади. «Ефъи» тарихидан нақл қилинган парчада хожа Юсуф Ҳиротдан Марвга келаётганда йўлда ўлиб, ўлган ерида кўмилди, деган. Дейдиларким, сўнгра муридларидан Абу Нажжор унинг гавдасини Марвга олиб келиб кўмди, унинг қабри Марвадир (А).

¹¹⁷ «Бурҳони қотеъ» муаллифи авлиёларни еттита даражага бўлган. Буларнинг энг олийси «қутб» ва «ғавс»дир.

¹¹⁸ Нўшкент – умуман шаҳарлар рўйхатида йўқ. Турманскийнинг қўлёзмаси «Худуд ал-олам»да «Нўжкет» дейилган. Бу «Бенкет» шаҳридан икки тош юқорида бўлган Жабғукент бўлса керак. Аслида «Жабғу» ёки «Ябғу» шаҳри (Бартольд, 1, 230-саҳифа).

¹¹⁹ Жаҳрия – худонинг исмини баланд овоз билан айтиб зикр тушув.

¹²⁰ Қози Низомийнинг ёзганига қараганда, Қутби чордахўмнинг ўлими 646/1248-49 дадир (А).

¹²¹ Бурҳониддин Соғарчий XII асрда ўтган йирик руҳонийлардан. Умар Хаттоб наслидандир. Руҳобод мозори уникидир.

¹²² Чор Россиясининг қўшини Самарқандни олгандан кейин, Қутби чордахўм мазорини бузганларини ва унинг қабри ҳазрати Шоҳ қабристониغا кўчирилганлигини самарқандлик мулло Мир Низом ид-дин бундай ёзган (қисқартириб таржима қилинди): «Эски тарих китобларидан билинадирким, Қутби чордахўм лақаблик Шайх Нур ид-дин Басир 646 (1248-49) ҳижрийда дунёдан ўтиб, ўз васияти бўйича Новадон булоғи яқинида, Самарқанд ичида, кунчиқар томонида кўмилган. 1284/1868 да Бухоро амири ва рус аскарлари орасида бўлган уруш натижасида амир қўшини қочиб, Самарқанд рус қўшини қўлига кирди. 1297/1879да руслар Амир Темур тамонидан Қутби чордахўм мазори устида солинган кошинлик гузал ва юксак бинони милтиқдориси билан тубидан учуртириб буздилар ва қабр ерини тупроққўрғон аталган қўрғонга (крепостга) киргиздилар. Шунинг учун юқорида ёзилган йилда бу сатрларни ёзувчи мен, Самарқанд қозиси мулло Мир Низом ид-дин Қутби чордахўм суяқларини (нусаҳада «гавдасини» деган), вилоят ҳокимига илтимос ва илтижо қилиб, Аббос ўғли Қусам мо-

зорининг ғарбий-шамолида, Дониёл мозорига бориладиган катта йўл ёқасида, мозорнинг хизматчилари ва шипиргувчилари ёрдами билан кўчириб кўмдик». Бу ҳарфларни ёзувчи 1297да ўз кўзи билан кўриб ва ўз қўлига Қутбнинг қутлуғ бош суягини олган; ҳеч бир ўзгартирмасдан айтадирким, «ушбу қутлуғ бошнинг суяги бурун устигача бир бўлак бўлиб, кўз ўрни кўринмас эди» (1904 йилда Ленинград (Петербург)да босилган) «Самария»нинг бошидаги парчадан олинди (А).

¹²¹ Али Паздавий машҳур руҳоний олим Али ибн Муҳаммад ал-Паздавий бўлиб, х.482/1089-90 й. вафот этган («Кашф уз-зунун», 372-саҳифа).

¹²² Бу асар 10 эмас, балки 11 жилд бўлган («Кашф аз-зунун», 372-саҳифа).

¹²³ Йирик имом Абу Абдулло Муҳаммад ибн Идрис бин Аббос ибн Усмон ибн Шофеъ (150 /769-204/819-20) асос солган мазҳаб («Қомус ул-аълом» 4-жилд, 2820-2821-саҳифалар).

¹²⁴ Абу Ҳанифа — имоми Аъзам Нумон ибн Собит (80/699-150/769) асос солган мазҳаб («Қомус ул-аълом», 1-жилд, 711-712-саҳифалар).

¹²⁷ Ғаззолий (х.450/1058-505/1112) йирик қомусий олим бўлиб, фикҳ, фалсафа ва илмнинг бирмунча соҳаларига оид жуда кўп асарлари бор. «Самария» муаллифи зикр этган асарларидан бошқа «Ал-босит», «Таҳофат ул-фалосифа», «Меъёр ул-улум», «Ал-мақсад ул-усно фи шарҳи асмо ул-хусно», «Ҳақиқат ул-қавмайн» сингари бирмунча асарлар ҳам унинг қаламига мансубдир (батафсил қаранг: «Қомус ул-аълом», Ҷилд, 3277-78 саҳифалар).

¹²⁸ Али Паздавий вафоти «Қомус ул-аълом»да (5-жилд, 3344-саҳифа) ҳам 482/1089-90 йил деб кўрсатилган. Аммо, Сатторий «Самария» таржимасида манбаъ кўрсатмасдан, қўштирноқ ичида, савол аломати билан (482-489) рақамларини кўрсатган (А).

¹²⁹ Жамол уд-дин Муҳаммад ибн Аҳмад ал-Матарийнинг (х.741/1340-41й. вафот этган) асари кўзда тутилади (батафсил қаранг: «Кашф аз-зунун», 230-саҳифа).

¹³⁰ «Китоб ул-қанд»да Соғарч, Кеш, Нахшаб ва Иштихон қаторида шаҳар деб қайд қилинган (А). Соғарч Самарқанднинг ғарбий-шимолий тарафида, ундан тахминан 40 километр масофада, Янгиқўргон қишлоғига яқин бир қади-

мий жой бўлиб, XVIII аср бошларида ҳам мавжуд бўлган. Ёқут Ҳамавий замонида Соғарч Иштихонга тобе бўлган («Муъжам ул-булдон», Вжилд, 10-саҳифа).

¹³¹ Умар Хаттоб-асл исми Умар Абу Ҳафз ибн Хаттоб ибн Нафил ибн Қирт ибн Рузоҳ ибн Удий ибн Каъб ибн Лавий ал-Кураши ал-Удаий бўлиб, саҳобалардан, халифайи Рошидиннинг иккинчиси; 13/634-23/644 (батафсил қаранг: «Қомус ул-аълон», Вжилд, 3213-3215-саҳифалар).

¹³² Увайс Қароний - дастлабки суфийлардан. Муҳаммаднинг яқин замондоши. (В.Л.Вяткин, «Самария», 252-саҳифа).

¹³³ Саййид Барака Мозандаронда вафот этган бўлса ҳам, лекин Андхудда дафн этилган эди. Унинг хоки Самарқандга шу ердан олиб келтирилган (В.Л.Вяткин, «Самария», 252-саҳифа).

¹³⁴ Ишончли манбаларнинг («Зафарнома», «Матлаъ ус-саъдайн») гувоҳлик беришича, бу юришда қатнашган Темур қўшинининг сони 200 мингдан ортмаган (Аҳмедов А. Улуғбек и политическая жизнь. — С. 13).

¹³⁵ Амир Темур ҳ.736 йил шаъбон ойининг 17 сида — 1336 йил 3 апрелда турилиб, ҳ.807 йил 7 шаъбонда — 1405 йил 18 февралда вафот этган.

¹³⁶ «Самария» муаллифининг бу ривояти асоссиздир, зеро, Шоҳрух мирзо Самарқандга отасининг ўлиmidан беш йил сўнг Халил мирзо воқеаси муносабати билан келган. Бу воқеани ёзувчи тарихчилар Амир Темур гавдасини бошқа жойга қўчирилишидан гапирмайдилар. Ҳақиқатда шундай воқеа содир бўлганда, замондош ёзувчиларнинг қўзларидан қочмас эди. Лекин дахманинг юқори қатида қабр суратлари ясалгани билан баробар, қабрларнинг асли остки қатида қозилган, ҳам кириш ва ҳам чиқиш учун жануб томонидан яширин йўл қўйганким, унинг изи ҳозирда ҳам бор (А).

¹³⁷ Шоҳрух мирзо ҳ.850 й. зу-л-ҳижжа ойининг 23-ида — 1447 йил 11 мартда (Абдураззоқ Самарқандийнинг айтишича, зу-л-ҳижжа ойининг 25-ида — 1447 йил 4 мартда Райда вафот этиб, Ҳиротда Гавҳаршод оға мадрасаси саҳнига дафн этилган. Ҳижрий 852 (1448-49)йил декабрь ойида Улуғбек отасининг жасадини Самарқандга олиб келиб, Гўри Амирга қўмдирди. Мирзо Мироншоҳ 810/1407-1408 йил Қора қўюнлилар сулоласидан бўлган Қора Юсуф би-

ул-ҳадис»; 5. «Тарихи Бухоро»; 7. «Ас-салосиёт»; 8. «Ал-жомеъ ус-сағир»; 9. «Ал-жомеъ ул-кабир»; 10. «Халқи афладиобод»; 11. «Ал-фавойид»; 12. «Ал-қироати халаф ул-имом»; 13. «Ал-камий»; 14. «Ал-виждон»; 15. «Ал-ҳиба»; 16. «Ал-маснад ул-кабир»; 18. «Ат-тарих ул-авсат»; 19. «Ат-тарих ус-сағир»; 20. «Ат-тафсир ул-кабир»; 21. «Ал-аш-руба»; 22. «Ал-мабсут» ва бошқалар. «Саҳиҳи Бухорий» «Қуръон»дан кейин ислом динининг «ибодат» ва «муомалот» (ҳуқуқ) масалаларида туб саналади (А).

²¹⁸ 1013/1604-05 йил ҳосил бўлади, қўлёзмада хато бўлса керак.

²¹⁹ Бу ерда тарих моддаси «ғавс», яъни 1506 рақами бўлиб, ундан адади 500 чиқарилса, 1006 қолади. Ўшанда тарих тўғри чиқади.

²²⁰ «Бирафт қутбу» деб қўшиб ўқилса 939/1532-33 йил чиқади.

МУНДАРИЖА

Абу Тоҳирхожа ва унинг «Самария» асари ҳақида	105
Бошлонгуч йўсунида бир-икки сўз	113
«Самария»нинг аҳамияти	114
Муқаддима шафқатли ва марҳаматли тангри номи билан!	115
1-боб. Бу шаҳарнинг Самарқанд аталиши тўғрисида	117
2-боб. Бу шаҳарнинг қўрғони бошлаб кимнинг томонидан солингани тўғрисида	118
3-боб. Тўрт фаслда бу шаҳарнинг ҳавоси	119
4-боб. Ерининг туриши ва теварагининг кўриниши (жуғрофий ҳоли) тўғрисида	120
5-боб. Бу шаҳарнинг теварагидаги тоғлар баёнида	121
6-боб. Бу шаҳарнинг теварагидаги ариқлар ва булоқлар баёнида	122
7-боб. Бу шаҳар теварагидаги ёрлар ва чуқурликлар тўғрисида	124
8-боб. Масжид ва мадрасалари ҳақида	125
9-боб. Шаҳар ва унинг теварақларидаги қабр ва мазорларнинг аломат ва нишонлари тўғрисида	132
10 боб. Қабр аҳлларининг зиёрат йўллари Самарқанд арки ичидаги мазорлар	138
Самарқанд шаҳрининг олий аркидан ташқарида бўлган сербаракот мазорлар	141
Самарқанд тумонларидаги мазорлар	152
ХОТИМА	172
Ушбу вилоят элига одоб ўргатиш ва ушбу китобга муносиб баъзи маълумот	172
Изоҳлар	173

«Тарихий мерос»

АҲМАД ИБН МАҲМУД БУХОРИЙ
«МУЪИН АЛ-ФУҚАРО»
ТАРИХИ МУЛЛОЗОДА
(Бухоро мазорлари зикри)

АБУ ТОҲИРХОЖА САМАРҚАНДИЙ
САМАРИЯ
(Самарқанд мазорлари зикрига)

Муҳаррир
Сандмурод ХУҶАЕВ

Техник муҳаррир
Елена ДЕМЧЕНКО

Бадий муҳаррир
Баҳриддин БОЗОРОВ

Мусаҳҳиҳ
Насиба ЮСУПОВА

Саҳифаловчи
Феруза БОТИРОВА

Босишга рухсат этилди 14.01.2009. Бичими 84x108 1/32
Гарнитура «Baltica Cyt + Uzb». Офсет қороз.
Босма тобоғи 6.5. Шартли босма тобоғи 10,92.
Адади 500. Буюртма 6.
Баҳоси келишилган нарҳда

«Янги аср авлоди» нашриёт-матбаа марказида тайёрланди
«Ёшлар матбуоти» босмаҳонасида босилди.
100113. Тошкент, Чилонзор-8, Қатортол кучаси, 60.

Мурожаат учун телефонлар:
Нашр бўлими 278-36-89;
Маркетинг бўлими 128-78-43.
Факс 273-00-14, e-mail: yangiasr@unbox.uz

